O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2002 йил 20 июль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 56 (7459)

ОДАМЛАРНИНГ ТАШВИШ ВА ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ БИЛАН ЯШАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНСИН

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

18 июл куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлиси бўлди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли ўтган давр мобайнида барча соҳаларда эришилган самаралар, иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги, хусусан, ғаллачиликдаги мисли кўрилмаган ютуқлар ҳақида гапирди. Мамлакатимизга хорижий инвестицияни янада кенгроқ жалб этиш, кичик ва ўрта бизнесни бундан-да ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталди. Шу билан бирга, олдинда турган долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Олти ой ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,2 фоизга, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 7,2, истеъмол товарлари — 11,5, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти — 4,5 фоизга кўпайди. Чакана товар айланиши 8,3, пуллик хизматлар эса 12,7 фоизга ошди.

Ушбу рақамлар мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар жадал давом этаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Бу йил мамлакатимизда ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳатто, гектаридан 70-80 центнердан ошириб ҳосил олган оилавий пудратчилар, фермер хўжаликлари пайдо бўлди. Давлатимиз раҳбари республикамизда шу кунгача етиштирилган 4,7 миллион тонналик улкан ғалла хирмонига муносиб ҳисса қўшган барча меҳнаткашларга миннатдорлик билдирди.

Президентимиз солиқлар миқдорини белгилашда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Республикамизда уни мавжуд ҳолатидан янада пасайтириш лозимлигига эътиборни қаратди. Солиқларнинг камайиши туфайли пайдо бўладиган ортиқча маблағни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаш имкони кенгаяди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари Р. Азимов, Н. Юсупов, Хоразм вилояти ҳокими И. Бобожонов, Жиззах вилояти ҳокими У.Яманкулов, Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

(ЎзА)

Президент Ислом Каримовнинг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги маърузаси

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ҳар бир йилнинг бошида ва йил ўртасида Вазирлар Маҳкамасининг мана шундай кенгайтирилган мажлисларида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муайян даври, хусусан, ўтган бир йил ва олти ойлик якунларини муҳокама этиш биз учун доимий аньанага айланиб қолди.

Бугун 2002 йилнинг биринчи ярмида иқтисодиётимиз ривожланишининг якунлари ҳақида гапирар эканмиз, иқтисодиётимизнинг умумий аҳволини, юзага келган ижобий ва салбий ҳолатларни қайд этиш билан чекланиб қолмасдан, биринчи галда бу соҳадаги ишларимизнинг ҳозирги ҳолатига принципиал баҳо беришимиз, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан изчил ва жадал ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган асосий сабаблар, ғов-тўсиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга бор куч ва эътиборимизни қаратишимиз, аввало, олиб бораётган ислоҳотларимизнинг самарасини ошириш ҳақида фикр юритишимиз зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мен Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил бошидаги 2001 йил якунларига бағишланган мажлиси баёнига яна бир бор мурожаат этиб, унда шу йил учун белгиланган вазифалар ҳокимликлар, мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан қандай бажарилаётганига баҳо берсак, ҳар томонлама тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Келинг, 2002 йилнинг биринчи ярмида эришилган миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтайлик.

Мен мана шу ўтган давр мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми — 4,2 фоизга, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш — 7,2, истеъмол товарлари — 11,5, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти 4,5 фоизга кўпайганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу даврда чакана товар айланиши 8,3, пулли хизматлар ҳажми эса 12,7 фоизга ошди. Ҳар қайси давлат тараққиётининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган ташқи савдо айланмасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Мамлакатимизнинг молиявий тизими мустаҳкамланмоқда. Хусусан, жорий йилда бюджетнинг даромад келтириши белгиланган деярли барча манбалари бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилди. Бу эса, бюджетнинг харажатлар қисмини яна бир бор танқидий баҳолаган ҳолда, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик бўлган йўналишлар бўйича кўзда тутилган бюджет маблағларини тўла ажратиш, бюджет ташкилотлари ходимларининг ойлик маошлари, пенсиялар, стипендиялар, ижтимоий ёрдам пуллари миқдорини кўпайтириш, шунингдек, иқтисодиётимизга инвестициялар киритиш учун қўшимча маблағлар излаб топиш имконини берди.

Айни вақтда бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан прогноз бўйича 2 фоиз кўзда тутилгани ҳолда, атиги 0,8 фоизни ташкил этди.

Айниқса, ўтказилаётган қатъий пул-кредит сиёсати натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида нақд пул эмиссиясини кескин қисқартириш, уларни муомаладан қайтариб олиш борасида эришилган натижалар диққатга сазовордир.

Жумладан, шу йилнинг биринчи чорагида кўзда тутилганидек, эмиссия даражаси 4,4 фоиз ўрнига 2,1 фоизни, йилнинг иккинчи чорагида эса бу кўрсаткич 2,2 фоиз ўрнига 0,6 фоизни ташкил этди.

Лўнда қилиб айтганда, биринчи ярим йиллик давомида эмиссия натижаларига кўра 50 миллиард сўмдан зиёд пул иқтисод қилинди, 15,2 миллиард сўм нақд пул эса муомаладан қўшимча равишда қайтариб олинди.

Ўтказилаётган бундай пул-кредит сиёсати туфайли ойлик инфляция даражаси, яъни нарх қимматлашуви 2001 йилдаги 1,5 фоиз ўрнига ўртача 1,1 фоизни ташкил этди.

Бундай ҳол, ўз навбатида, миллий валютамизнинг белини анча бақувват қилишга хизмат қилмоқда.

Шу борада сизларнинг эътиборингизни йил бошидан бери кўрилаётган ўта муҳим тадбирларга жалб қилмоқчиман.

Ўтган давр мобайнида ташқи иқтисодий фаолият ва валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз, ягона тўлов воситаси бўлмиш миллий валютамиз — сўмнинг мавқеини оширишда, нақд хорижий валюталар бозорини, умуман, валюта бозорини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда катта имкониятлар очиб бермоқда.

Бундай сиёсатни кенг кўламда давом эттириш, яъни валюта бозорини янада эркинлаштириш билан боғлиқ ишларни изчил олиб бориш, пировард натижаларга эришиш бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифаларимиз қаторига кўтарилмоқда. Бу масалада Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ ва Божхона қўмиталарига алоҳида масъулият юкланади.

Ҳурматли дўстлар!

Бизнинг кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга нечоғли катта аҳамият бераётганимизни барчангиз яхши биласиз. Бу соҳанинг яқин йиллар ичида иқтисодиётимиз таркибида, ишсизлик муаммосини ҳал этишда, ички бозоримизни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда, одамларнинг турмуш даражасини яхшилашда қандай ўрин тутиши зарурлигини мен илгари ҳам кўп бор таъкидлаганман.

Тадбиркорларнинг фаолиятини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратиб бериш масалалари барча даражадаги раҳбарларнинг, биринчи галда, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув идоралари раҳбарларининг доимий диққат марказида туриши керак.

Шуни айтиш жоизки, кейинги пайтда мамлакатимизда кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорлар фаолияти анча кучайди.

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАМИЗНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ТАЪЛИМ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ — 5-бет

БИЛИМГА ИНТИЛАЁТГАН БОЛАЛАР — 5-бет

ТАЛАБА КЕЛИННИНГ "ТУШОВИ" — 6-бет

БИР ЎРИНГА НЕЧТА ДАЪВОГАР? — 6-бет

"МОЯ ЮЛДУЗ ПУСТЬ ТАНЦУЕТ" ёхуд ўқитувчининг ушбу меҳрли сўзи унинг ҳаёт мазмунига айланди — 7-бет

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ ШЎЪБА ЙИҒИЛИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР — 8-9-бетлар

АНТИТАНАЧАЛАР КИМЁСИГА ДАДИЛ ҚАДАМ — 13-бет

ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИНИНГ УСТОЗИ — 15-бет

ТЕЛЕДАСТУРЛАР. Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг! — 14-бет

"ТАКАЛЛУФ" ЦИКЛО-КРОССВОРДИ — 16-бет

Агарки қайси хўжалик жорий мавсумда оилавий пудратчиларнинг ишончини йўқотса, ўзи учун келаси йил ҳосилини ва умуман истиқболини йўқотади, деган тушунча қатъий қоидага айланиши керак.

ОДАМЛАРНИНГ ТАШВИШ ВА ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ БИЛАН ЯШАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНСИН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Буни жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида 26 минг 700 дан зиёд кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил этилгани ҳам исботлайди.

Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 баробар кўп демакдир. Бундай натижага эришишда кичик ва ўрта бизнес корхоналарини рўйхатга олиш тартибларининг сезиларли даражада соддалаштирилгани, уларнинг фаолият кўрсатиш шароитларининг эркинлаштирилгани муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кун ҳолатига кўра, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони 200 мингдан ошиб кетди, улардан 168 минг 600 тасини микрофирмалар ташкил этади.

Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан қарийб 200 минг янги иш ўринлари яратилди, бу эса мўлжалимиздан 1,5 баравар кўпдир.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши 31,6 фоиздан 33 фоизга ўсди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кредитлар ажратиш тизими анча яхшиланди — ажратилган микрокредитлар ҳажми 2,5 баробарга кўпайиб, 18 миллиард сўмни ташкил этди. Ярим йил давомида 40,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредитлар ўзлаштирилди.

Ҳозир бу мақсадлар учун яна қўшимча равишда 270 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги чет эл кредитлари ва грантларини жалб этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида ҳали бир қанча ҳал этилмаган муаммолар, тўрачилик, ўзбошимчалик, зўравонлик каби ғов-тўсиқлар мавжудки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим вазифалар — бозор инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорларнинг моддий-техника ресурсларидан, хомашё ва материаллардан фойдалана олиш имкониятини кенгайтириш, уларга зарур техника воситаларини етказиб бериш, майда улгуржи савдо ва сервис хизмати тармоғини яратиш билан боғлиқ масалалардир.

Бошқача айтганда, кичик ва ўрта бизнес субъектлари эҳтиёжларини таъминлашнинг ривожланган, замонавий тизимини яратиш лозим. Ва албатта, уларга банк хизмати кўрсатишни ҳар томонлама кенгайтириш ва яхшилаш, имтиёзли кредитлар ҳажмини кўпайтириш зарур. Бу масалалар қаторига кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг харидорларини топиш ва сотиш муаммосини ҳал этишни ҳам киритиш лозим.

Мен бугун барча раҳбарларнинг, биринчи галда, марказий ва маҳаллий ҳокимият вакилларининг, айниқса, вилоят ва туман ҳокимларининг диққатини яна бир масалага қаратмоқчиман.

Бу масала шундан иборатки, кўп жойларда номақбул одат тусига кириб қолган бир ҳолатга, яъни кичик ва ўрта бизнесга, умуман, тадбиркорликка соғин сигир, деб қарашдек бемаза ишларга бутунлай барҳам бериш керак.

Зарур иншоотларни қуриш ва таъмирлаш, жойларда ободонлаштириш ишларини амалга оширишдек олижаноб мақсадларни баҳона қилиб ҳар қайси маҳаллий раҳбарнинг тадбиркорлардан ўзбошимчалик билан ўлпон йиғишига, хайрия ишларини мажбуриятга айлантиришига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Бундай ишларни, қонунчилик нуқтаи назаридан, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятига зўравонлик ва ғайриқонуний тарзда аралашиш, деб баҳолаш керак. Ўйлайманки, Адлия вазирлиги ва прокуратура идоралари бу масалаларда тартиб ўрнатиш бўйича жойларда барча чораларни кўради.

Мен биринчи навбатда жойлардаги ҳокимият идоралари вакилларини яна ва яна бир бор огоҳлантириб айтмоқчиманки, тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ҳамма жойда ва ҳар томонлама ривожлантириш, унинг асосида тадбиркорларнинг ўрта синфини шакллантиришни тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим вазифалар, деб қабул қилиш лозим. Бу бизнинг ҳам социал-иқтисодий, ҳам ижтимоий-сиёсий жиҳатдан жамиятни янгилаш, мана шу заминда яшаётган одамларнинг фаровонлигини таъминлашдек асосий стратегик мақсадларимизга эришишда бош йўналиш ва мустаҳкам таянчимиз бўлмоғи керак.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил бошида бўлиб ўтган мажлисида кўтарилган ўта муҳим, ҳал қилувчи бир масала бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Гап энг муҳим моддий ва табиий ресурсларни асраб-авайлаш, улардан тежамкорлик билан, оқилона фойдаланиш ҳақида бормоқда.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, агар ўтган йили сувдан фойдаланиш коэффициенти 0,66 ни ташкил этган бўлса, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида бу йил ушбу кўрсаткич 0,81 гача ўсди. Бошқача айтганда, бир гектар ерга сарфланадиган сув ҳажми республика бўйича ўрта ҳисобда 200 куб метрга қисқарди.

Сув билан таъминлашни яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш туфайли жорий йилда ўтган йилга нисбатан 463 минг гектар кўп ер суғорилгани ҳам эътиборга молик.

Хўжаликлараро каналлар, коллекторлар ва бошқа суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш юзасидан белгиланган топшириқлар ҳам умуман бажарилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича 2010 йилгача мўлжалланган Концепция — дастур ишлаб чиқилган. Уй-жой фондини газ ўлчаш ускуналари билан таъминлаш бўйича 2002-2004 йилларга мўлжалланган дастур ҳам қабул қилинган ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Айни вақтда, текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда сув ва ердан фойдаланиш борасида амалдаги қонунчиликни бузиш, шартнома мажбуриятларини бажармаслик, табиий ресурсларга хўжасизлик ва исрофгарчилик билан муносабатда бўлиш, улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, электр қуввати тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олиш, лимит интизомини бузиш каби нохуш ҳоллар ҳамон учраб турибди.

Ўтган ярим йил мобайнида мамлакатимиз бўйича "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунни бузганлик учун солинган жарималарнинг ҳажми бўйича аввало Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Самарқанд вилоятлари ажралиб туради.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, Фарғона, Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ердан фойдаланишда қонунчиликни бузиш ҳоллари ҳам мавжуд эканини таассуф билан қайд этишга мажбурмиз.

Бундай мисолларни нефть маҳсулотлари ва табиий газдан фойдаланиш бўйича ҳам кўплаб келтириш мумкин. Ана шундай қонунбузарликлар учун республика бўйича 1 миллиард 700 миллион сўм миқдорида иқтисодий жазо чоралари кўрилган. Бу борадаги 224 та иш эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва судларга оширилган.

Қашқадарё, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида турар-жойларни газ ўлчаш, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида эса сув ўлчаш асбоблари билан таъминлашда ҳам оқсоқликка йўл қўйилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг табиий, минерал-хомашё ва ёқилғи-энергетика заҳираларидан тежамкорлик билан ва самарали фойдаланиш масалалари бўйича махсус тузилган комиссияси (К.Тўлаганов) бу масала юзасидан ҳукумат қабул қилган қарорларнинг ижроси қандай бажарилаётганини яна бир марта танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқсин ва қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги йиғилишига ҳисобот тайёрласин.

Азиз дўстлар!

Ҳозирги кунда юртимизда ғалла ўрими ниҳоясига етиб бормоқда. Бу йилги мавсум биз учун ниҳоятда баракали, ниҳоятда серҳосил бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Жами ғалла ҳосилимиз 4,7 миллион тоннадан ошди. Мамлакатимизнинг суғориладиган ерларида ўртача ҳосилдорлик гектарига 41,5 центнерни ташкил этди. Айниқса, Андижон вилоятида рекорд натижага эришилди — ҳар гектар ердан 75 центнердан хирмон кўтарилди, Наманган вилоятида — 46, Фарғона вилоятида — 45, Самарқанд вилоятида — 49 центнердан ҳосил олинди.

Миришкор деҳқонларимиз эришган мана шу мисли кўрилмаган ғалабага бугун юртимизда каттаю кичик — барча қойил қолмоқда, бу ҳақда фахру ғурур билан гапирмоқда. Бу ғалаба меҳнаткаш ўзбек халқининг нималарга қодир эканини ва нималардан фахрланишга ҳақли эканини яна бир бор намоён этмоқда. Лафзи ҳалол, мард ва танти деҳқонларимизнинг ғайрат-шижоати, олижаноб меҳнати билан ризқ-рўзимиз бўлмиш бошоқли дон етиштиришда ана шундай улкан натижа қўлга киритилмоқда, том маънода мамлакатимизнинг ғалла мустақиллиги таъминланмоқда.

Бугун мен шу юксак минбардан туриб, барча ғаллакорларимизга фидокорона меҳнати, Ватан равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишлари учун бутун халқимиз номидан, шахсан ўз номимдан чуқур миннатдорлик изҳор этиш, самимий ташаккур билдиришни бурчим, деб биламан.

Бугун бу соҳада эришилган натижаларни сарҳисоб қилар эканмиз, биз олдимизга қўйган аниқ стратегик вазифамиз — яъни, мамлакатимиз ва халқимизни ўз ғалламиз, ўзимизнинг нонимиз билан таъминлашдек тарихий вазифа муваффақият билан бажарилганини эътироф этишимиз зарур.

Бу айни вақтда халқимиз фаровонлигини ошириш билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ҳал қилишнинг ягона йўлидир.

Табиийки, бу ҳақда гапирганда, бу улкан ютуқ замирида нима ётибди, деган савол туғилади. Бугун биз қўлга киритган бу юксак натижалар асосида энг аввало қишлоқ ҳаётини янгилаш, қишлоқ хўжалигидаислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсат мужассам, десам, ўйлайманки, кўпчилик бу фикрга қўшилади.

Шуни аниқ айтиш мумкинки, бугунги кунда бепоён далаларда ризқ-рўз ундираётган деҳқон ва фермерларнинг фикри-зикри ўзгармоқда, уларнинг ерга, меҳнатга муносабати, умуман дунёқараши ўзгармоқда. Улар биринчи навбатда ернинг ҳақиқий эгасига, мулкдор сифатида ўз меҳнати ва етиштирган маҳсулотининг эгасига айланмоқда. Қишлоқ жойларда юз бераётган ўзгаришларнинг асл маъно-моҳияти ҳам мана шунда, деб айтсак, асло хато бўлмайди.

Шу муносабат билан биз, ҳаммамиз эски замондан сақланиб келаётган бир қолипдаги, айтайлик, "Фалон туманнинг деҳқонлари ва хўжаликлари ғалла етиштириш бўйича давлат режасини муваффақият билан адо этди — мамлакат омборларига мана бунча тонна ғалла топширилди" қабилидаги сийқаси чиқиб кетган ифодалардан воз кечишимиз зарур.

Ҳозирги кунда давлат, қишлоқ хўжалиги корхонаси ва деҳқон, фермерлар ўртасидаги муносабатлар фақат шартнома асосига қурилмоқда ва қурилиши шарт. Маълумки, шартноманинг икки тури бор. Биринчиси — давлат билан хўжалик ўртасида давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотини муайян миқдорда сотиб олиш тўғрисидаги контрактация шартномаси. Шартнома муносабатларининг иккинчи шакли эса — бу ширкат хўжалигининг оилавий пудратчи ва фермер билан тузадиган шартномасидир.

Биринчи турдаги шартнома асосида бир томондан давлат, иккинчи томондан хўжалик маълум мажбурият ва кафолатларни ўз зиммасига олади. Хўжаликлар ана шу шартномани бажариш устида ишлайди, давлат эса, ўз навбатида, шартнома бўйича ўзининг мажбуриятларини аниқ бажариши — хўжалик ёки фермерни техника ва минерал ўғитлар билан таъминлаши, етиштирилган маҳсулотни сотиб олиши, шартнома асосида топширилган ҳосилнинг пулини тўлиқ ва ўз вақтида тўлаши керак.

Бу ўринда муаммонинг бошқа бир жиҳати киши эътиборини ўзига тортади. Шўро даврида давлат манфаатлари доимо ҳамма нарсадан устун бўлиб келган. Ана шу эски асорат таъсири туфайли бугунги кунда хўжалик билан тузилган контрактация шартномасининг бажарилишини текширувчи нозирлар керагидан ортиқ даражада кўпайиб кетган. Давлат ҳокимияти ва давлат тузилмаларининг ҳокимликлардан тортиб текширувчи органларгача — ҳаммаси шу иш билан банд.

Лекин, айтинглар-чи, иккинчи турдаги — хўжалик билан оилавий пудрат вакили ўртасида тузиладиган шартноманинг сўзсиз бажарилишини ким назорат қилади? Бу савол замирида кўп масала бор.

Ҳосилнинг тақдири, яъни биз керакли миқдордаги ғаллага, пахтага, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эга бўламизми, йўқми — бу масала айнан ана шу шартномаларнинг бажарилишига, бир томондан хўжалик — ширкат, иккинчи томондан эса пудратчи ўз зиммасига олган барча мажбуриятларини тўлиқ адо этишига боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда шартномавий муносабатларнинг айни мана шу шакли энг муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз меҳнати билан ҳосил етиштирадиган одамларнинг иқтисодий манфаати ва рағбатини айни мана шу омил белгилайди, десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу боис бугун хўжаликдаги ички шартномаларнинг тузилишига хўжакўрсин учун, қуруқ расмиятчилик билан қарамаслик керак. Пудратчиларнинг шартномавий мажбуриятларнинг мазмуни ва аҳамиятини билмаслиги, уларнинг бажарилишини етарли даражада назорат қилмаслик каби нохуш ҳолатларга асло бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Айниқса, хўжаликларнинг ўз зиммасига олган шартномавий мажбуриятларга риоя этмаслигига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бу масалани мазкур шартномаларни қайд этадиган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармаларигина эмас, балки биринчи галда адлия органлари қаттиқ назорат остига олишлари зарур.

Бир нарсани чуқур англаб, қулоғимизга қуйиб олишимиз даркор. Агарки қайси хўжалик жорий мавсумда оилавий пудратчиларнинг ишончини йўқотса, ўзи учун келаси йил ҳосилини ва умуман истиқболини йўқотади, деган тушунча қатъий қоидага айланиши керак.

Шу муносабат билан вилоят ва туманлардаги раҳбарлар, биринчи навбатда туман ҳокимлари шартнома мажбуриятларининг бажарилишини қаттиқ назорат қилишлари керак. Токи ҳар бир оилавий пудратчи, ҳар бир фермер етиштирилган ҳосилдан ўз улушини сўзсиз олсин.

Бу билан раҳбар — ҳоким савоб ишга қўл уради, адолатни таъминлашга хизмат қилади, охир-оқибатда унинг одамлар ўртасида обрў-эътибори ортади.

Ҳурматли дўстлар!

Барчангизга маълум, биз иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида янги минг-йиллик бўсағасида туриб, жамиятимизни янгилаш ва ислоҳ қилиш борасидаги стратегиямизни ишлаб чиқар эканмиз, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш йўлини ўзимиз учун аниқ-равшан белгилаб олган эдик.

Ҳозирги кунда эркинлаштириш жараёни, ўз мазмун-моҳиятига кўра, бугун биз мамлакатда амалга ошираётган барча ўзгаришларни боғлаб турувчи ўзига хос занжир вазифасини ўтамоқда.

Бу эзгу мақсадни амалга ошириш, унинг ҳуқуқий асоси ва амалий механизмини яратиш учун мамлакатимизда 2000 йилдаёқ сиёсий соҳада, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодий, маънавий, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш бўйича Дастур ишлаб чиқилган ва қабул қилинган эди. Ана шу Дастурда зикр этилган йўналишларнинг ҳар бири бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини назорат қиладиган махсус ишчи гуруҳлари тузилган.

Дастур ижросининг биринчи босқичида аввало амалдаги тегишли ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан баҳолаш, сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда эркинлаштириш жараёнларини амалга оширишни таъминловчи мустаҳкам ҳуқуқий ва меъёрий асосларни ишлаб чиқиш ва шакллантиришга эътибор қаратилди.

Бугунги кунда биринчи галда ана шу муаммолар ечимига қаратилган, янги қабул қилинган ўнлаб қонунларни санаб ўтишимиз мумкин.

Шу билан бирга, амалдаги қонун ҳужжатларига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хусусий мулкни ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб ўзгартиришлар киритилди. Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятимиз ҳаётининг кўплаб соҳаларини ҳар томонлама эркинлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал кодексларида белгиланган кўпгина нормалар амалда қайтадан кўриб чиқилди.

(Давоми 3-бетда)

ОДАМЛАРНИНГ ТАШВИШ ВА ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ БИЛАН ЯШАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНСИН

(Давоми. Боши 1-2-бетларда)

Мен шу ўринда суд-ҳуқуқ соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй берганини алоҳида таъкидламоқчиман. Судлар ва прокуратура ҳақида, суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларининг ижроси бўйича янги қонунлар қабул қилинибгина қолмай, фуқаролик ишлари ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар тузиш орқали судларни ихтисослаштириш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, судлов жараёнининг барча босқичларида прокурор ва адвокатнинг тенглиги, хўжалик судларида хўжалик низоларини кўриб чиқишда томонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, жазолар, айниқса, иқтисодий жиноят учун белгиланган жазолар тизимини эркинлаштиришга қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Сиёсий ва давлат қурилиши соҳаларида эркинлаштиришни жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалланинг ҳуқуқларини кенгайтиришга, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини оширишга хизмат қиладиган "XXI аср маҳалласи" концепцияси ишлаб чиқилди. Фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини кучайтириш, инсон ҳуқуқларига риоя этишнинг миллий мониторинг тизимини мустаҳкамлаш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўтган йиллар давомида иқтисодий соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятдаги эркинликларини кенгайтириш, хусусий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини янада мустаҳкамлаш ва манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш, ташқи иқтисодий фаолият ва валюта сиёсатини эркинлаштиришга қаратилган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди.

Айниқса, шу йил бошида Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари билан яқин ҳамкорликда Мониторинг дастури ишлаб чиқилгани ва 2002 йилнинг 1 январидан 30 июнигача бўлган даврдаги иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича Меморандум имзолангани иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш йўлида қўйилган мантиқий ва қонуний қадам бўлди.

Ҳозирги пайтда биз иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича Меморандумда белгиланган ўттиздан ортиқ вазифа ва мажбуриятларнинг барчасини амалда бажардик, деб аниқ айтишимиз мумкин.

Хусусан, миллий валютамиз билан нақд хорижий валютанинг алмашув курсини унификация қилиш борасидаги ўзгаришларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Аввало, мамлакатимиз бўйича кенг миқёсда валюта алмашув шахобчалари тармоғи барпо этилди. Бундай шахобчаларда хорижий валютани сотиб олиш учун аввал жорий этилган барча чеклашлар бекор қилинди. Бир йўла сотиб олиш мумкин бўлган нақд хорижий валютанинг энг кўп миқдори Меморандумда кўзда тутилганидан ҳам юқорироқ даражада (1500 доллар) қилиб белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган ярим йил ичида нафақат ташқи савдо ва валюта сиёсатини, умуман иқтисодиётни эркинлаштириш, алмашув курсларини унификация қилиш борасида жиддий қадамлар қўйилди.

Халқаро валюта жамғармасининг июнь ойи ўрталаридан бошлаб Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган миссияси Дастурнинг барча моддалари ва аниқ мақсадга қаратилган кўрсаткичлари бажарилганини қайд этди.

Шунингдек, 2002-2003 йилларда амалга ошириладиган ва Халқаро валюта жамғармаси ҳамда бошқа халқаро молия ташкилотларининг ресурслари билан қўллаб-қувватланиши мумкин бўлган иқтисодий дастурнинг асосий моддалари мазкур жамғарма мутахассислари билан биргаликда жорий йилнинг ўзидаёқ ишлаб чиқилиши ҳақида ҳам келишиб олинди.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасида биринчи ярим йиллик ичида республика ҳукумати томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар нуфузли халқаро молия ташкилотлари, кўпгина иқтисодий ривожланган давлатларнинг ҳукуматлари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Иқтисодий ислоҳотларимизни чуқурлаштириш йўлида бошлаган барча ишларимизни давом эттириш, уларни мантиқий якунига етказиш зарурлиги ҳақида гапириб ўтириш ортиқча, деб ўйлайман. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, бу ишни янада чуқурлаштиришнинг баъзи принципиал йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Маълумки, иқтисодиётни эркинлаштириш, корхоналарнинг эркин иқтисодий фаолият юритиш имкониятларини кенгайтириш, бир томондан, давлатнинг бошқарув ролини кескин чеклашни, иккинчи томондан эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини кенгайтиришни, улар учун ўзлари ишлаб топган маблағларни ишлатишда янада кўпроқ эркинлик ва имкониятлар яратишни талаб этади.

Содда қилиб айтганда, хўжалик ва корхоналарга бу масалада енгиллик бериш, уларнинг елкасидаги солиқ юкини камайтириш лозим. Илгариги, яъни маъмурий-режалаштириш тизим шароитида, давлат мулки тўлиқ ҳукмрон бўлган даврда давлатнинг фискал функциялари, яъни мажбурий ундириб олиш вазифаларини кучайтиришга катта аҳамият берилар эди. Бу тизим солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар орқали давлат хазинасига имкон қадар кўпроқ маблағ йиғишга ҳаракат қиларди, кейинчалик эса, бу маблағларни тақсимлаш, аниқроғи, гўёки давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, қайта тақсимлаш билан шуғулланар эди.

Бугунги кунда республика бирлашган бюджетига ана шундай тўловлар улуши ялпи ички маҳсулот ҳажмида амалда 35 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Ҳолбуки, дунё тажрибасида бюджетга тўланадиган солиқ тўловларининг мақбул нормалари аллақачон шаклланиб бўлган. Масалан, бундай нормалар Америка Қўшма Штатларида 26,1 фоизни, Японияда 22,6 фоизни, Германияда эса 29,2 фоизни ташкил этади. Иқтисодий ривожланган бошқа давлатларда ҳам шунга ўхшаш ҳолни кўриш мумкин. Бунинг устига, маълумки, агар тўлов ҳажми ана шу чегарадан ошадиган бўлса, одатда ишлаб чиқариш суръати ва ялпи ички маҳсулот ҳажми ўз-ўзидан пасайиб кетади.

Шунинг учун Вазирлар Маҳкамаси умумиқтисодиёт комплексига (Р.Азимов) Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва барча манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2003 ва кейинги йиллар учун давлат бюджети лойиҳаларини ишлаб чиқишда эски замондан кучини йўқотмай келаётган ёндашув ва қолиплардан воз кечиш, биринчи навбатда, фойдадан олинадиган солиқ ставкаларини пасайтириш, умуман солиқ юкини камайтириш бўйича таклифлар киритиш вазифаси топширилади.

Биз ҳозирги вақтда давлат мулки асосида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва умуман иқтисодиётимиздаги давлат сектори қанчалик самарали ишлаётганини танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқишимиз керак.

Бугунги кунда давлат сектори 937 та давлат корхонаси, шунингдек, 2 минг 434 та акциядорлик жамияти ва 394 та масъулияти чекланган жамиятларнинг пай ва улушларидан иборат.

Давлат сектори нефть, газ саноати, электроэнергетика ва кимё саноати каби тармоқларда, транспорт, алоқа ва коммуникация тизимида салмоқли ўрин тутади. Кўпгина корхоналар, компаниялар, корпорация ва уюшмаларнинг устав жамғармасида ҳам давлатнинг улуши анчагина катта қисмни ташкил этади.

Келинг, мана шу ҳолат бугунги кунда ўзини қанчалик оқлаяпти, деган саволга жавоб бериб кўрайлик. Айтиш керакки, кўпгина соҳалардаги корхоналарнинг сармояси ва таркибий тузилишида давлат улушининг ҳаддан зиёд юқори бўлиши уларни бошқаришни мураккаблаштириб юбормоқда, мутлақо кераксиз бошқарув тузилмаларининг корхоналар хўжалик фаолиятига ўринсиз аралашуви зарарли оқибатларга олиб келмоқда.

Кўпинча компаниялар, корпорациялар, уюшмалар ва шунга ўхшаш хўжалик юритувчи бирлашмаларнинг раҳбарлари ўз қўлида давлат улуши ва акцияларни тўплаб олиб, эски маъмурий-буйруқбозлик асосидаги бошқарув усулларидан фойдаланган ҳолда, хусусийлаштириш жараёнларини сунъий равишда секинлаштириб, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини чеклаб қўймоқда, ташаббус ва тадбиркорлик ривожига, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга йўл бермаяпти.

Бундай номақбул ҳолатларга барҳам бериш учун уларни синчиклаб ўрганиш керак. Корхоналар ва хўжалик бирлашмаларининг активларида давлат улушини сақлаб қолишнинг энг мақбул мезонлари ва ўлчовларини аниқ белгилаб қўйиш вақти келди.

Стратегик аҳамиятга эга бўлмаган акциядорлик жамиятларида давлат улушини сақлаб туришнинг умуман ҳожати йўқ. Бу улушни фонд бозорида, жумладан, салоҳиятли хорижий инвесторларга пайсалга солмай сотишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда давлат корхоналари нодавлат корхоналар билан рақобатга дош бера олмаяпти. Зарар кўриб ишлаётган ва самарадорлиги паст корхоналарнинг аксарияти айнан давлат корхоналари ёки давлат улуши юқори бўлган акциядорлик жамиятлари экани ҳам буни амалда тасдиқлаб турибди.

Агар зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг умумий миқдорига нисбатан олиб қарайдиган бўлсак, бунда давлат улушига эга бўлган корхоналар 57 фоизни ташкил этади ва барча зарарларнинг 95 фоизи айнан шуларнинг ҳиссасига тўғри келади.

"Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси таркибидаги, давлат улуши бўлган барча корхоналарнинг қарийб 59 фоизи зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва тўлов қобилиятига эга бўлмаган корхоналар ҳисобланади.

Мана шундай корхоналарнинг ҳар учтадан биттаси "Ўзпаррандасаноат", "Ўзозиқовқатсаноат", "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Ўзбекенгилсаноат" компаниясига тегишлидир.

Ўз-ўзидан савол туғилади: бу корхоналар нима ҳисобидан кун кўрмоқда, улар келтираётган зарарни ким қопламоқда? Нима учун бундай корхоналарни қўллаб-қувватлашни, молиявий соғломлаштиришни, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича, олинган кредитлар бўйича қарзларнинг муддатини чўзиш ва қарзлардан кечиш каби масъулиятни давлат ўз зиммасига олиши керак?

Ҳолбуки, бундай аҳволнинг сабаблари аниқ. Аввало, бу корхоналарнинг бозор иқтисодиёти шароитлари ва талабларига мослаша олмагани, чет мамлакатларнинг маблағ ва технологияларини олиб келишга қурби етмагани, катта ҳажмдаги ишлаб чиқариш майдонлари ва ишлатилмасдан занглаб ётган қувватлар масаласини ҳал этишни хоҳламаслиги, ўзим фойдаланмасам ҳам бошқага бермайман, деб оёғини тираб туриб оладиган, эскича фикрлайдиган раҳбарлардан воз кечмаслигимиз шундай вазиятнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, бундай ҳолатнинг бош сабаби — бу корхоналарда ҳақиқий хўжайиннинг йўқлиги, реал иқтисодий омил ва усулларнинг ишга солинмаганидир.

Энг ёмони, бундай корхоналарни банкрот, деб эълон қилиш жараёни ҳам ниҳоят даражада суст бормоқда. Буни ўтган давр мобайнида ана шундай корхоналардан бор-йўғи 149 таси тугатилгани ҳам исботлаб турибди.

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига (Р.Азимов), Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодий ночор корхоналар масалалари бўйича қўмитага, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплексларига барча давлат корхоналарини атрофлича инвентаризация қилиш ва 1 сентябргача бўлган муддат ичида рентабеллиги паст, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш, уларни акциялаштириш ва бошқа мулк шаклларига ўтказиш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

Адлия вазирлиги Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий хўжалик суди, Иқтисодий ночор корхоналар масалалари бўйича қўмита, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда бир ой муддатда "Корхоналар банкротлиги тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини киритсин.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Биз бугун бюджет маблағларидан нечоғли самарали фойдаланилаётгани тўғрисидаги масалага ҳам жиддий қарашимиз керак.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда давлат харажатлари таркиби сезиларли даражада ўзгарди. Бюджет тўловларини аниқ мақсадлар сари йўналтириш тамойили кучайди. Бугунги кунда давлат бюджети умумий харажатларининг 45 фоизидан кўпроғи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилмоқда.

Маълумки, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бюджет маблағлари муҳим ўрин тутади. Кейинги 7 йил давомида инвестицияларга сарфланган харажатларнинг бюджет харажатларидаги ҳиссаси тахминан 18 фоизни ташкил этиб келмоқда.

Марказлаштирилган инвестицияларнинг қарийб учдан бир қисми Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг қурилиши ва уларни реконструкция қилишни молиялаштиришга йўналтириляпти. Шунингдек, ерларнинг ирригация ва мелиорация ҳолатини яхшилашга ҳам катта маблағ сарфланмоқда.

Шундай бўлса-да, бугун биз давлат маблағларини оқилона сарфлашнинг энг мақбул таркибига эгамиз, деб айта олмаймиз. Текширишлар шуни кўрсатяптики, бюджет маблағларини сарфлашда қўпол хато-камчиликларга йўл қўйилмоқда, баъзи ҳолларда бюджетдаги молия маблағлари мақсадли ишлатилмаяпти, пул маблағлари ва моддий ресурслар ноқонуний ўзлаштириб юборилмоқда, энг ёмони, давлат маблағларидан тежамкорлик билан, унумли фойдаланишни рағбатлантириш чоралари ишга солинмаяпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида қарийб миллиард сўмлик ана шундай қонунбузарлик ҳолатлари аниқлангани ҳам шундан далолат беради.

Марказлаштирилган инвестициялардан хўжасизларча фойдаланилаётгани ҳақида ҳам қатор мисоллар келтириш мумкин. Кўп ҳолларда муайян объектларни қуришдан олдин уларнинг қанчалик зарурлиги, мақсадга мувофиқлиги чуқур таҳлил этилмайди. Кўпинча улар фақат кўз-кўз қилиш учунгина қурилмоқда.

Қурилиш ишларини белгиланган муддатларда бажармаслик қоидага айланиб қолгани, қурилишлар нархи, яъни смета қийматининг ошиб кетиши, маблағларнинг талон-торож этилиши, тугалланмаган қурилишлар сонининг кўпайиши ва шунга ўхшаган барча номаъқул ҳолатлар кредиторлик қарзларининг асоссиз равишда кўпайиб кетишига олиб келмоқда.

Бугун тан олишимиз керакки, қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш ишлари қониқарсиз аҳволда. Ахир, пудратчини танлаш бўйича натижаси олдиндан маълум бўлган хўжакўрсинга тендерларни ўтказиш — бу қип-қизил кўзбўямачилик эмасми?

Пудратчи ва буюртмачи ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажаришга ҳам расмиятчилик билан, юзаки ёндашилмоқда. Мисол учун, топширилаётган иншоотларнинг қиймати белгиланган даражадан қимматлашиб кетган ҳолларда ортиқча сарфланган маблағ давлат манбалари ҳисобидан эмас, пудратчининг ўзи томонидан, яъни киссасидан тўланиши керак, аммо амалда бундай бўлмаяпти.

Энг ёмони, бундай ишлар учун ҳеч ким жавоб бермаяпти. Мен Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарларидан, аввало Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлагановдан бундай ҳолатларга зудлик билан барҳам беришга, бу борада қаттиқ тартиб ўрнатишга қаратилган зарур чораларни кўришларини кутаман.

Молия вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда бир ой муддатда 2002 йилда ва 2005 йилгача бўлган даврда давлат харажатларини қисқартириш дастурини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

Бунда харажатларнинг ҳажми ва таркибини энг мақбул шаклга келтириш, давлатнинг мақсадли фондларига тегишли маблағларнинг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатиш, молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари манбаларини кенгайтириш, бюджет ташкилотларининг бюджет ресурсларидан унумли фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш кўзда тутилсин.

Шу билан бирга, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2002 йилнинг 1 ноябригача қурилиш объектлари ҳолатини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиб, уларнинг устуворлигини, иқтисодий

(Давоми 4-бетда)

Мен биринчи галда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва фойдаланишга топшириш борасидаги ишларнинг аҳволини мутлақо қониқарсиз, деб баҳолаган бўлур эдим.

ОДАМЛАРНИНГ ТАШВИШ ВА ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ БИЛАН ЯШАШ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНСИН

(Давоми. Боши 1-2-3-бетларда)

самарадорлиги ва ижтимоий аҳамиятини, тугалланмаган қурилишларни сезиларли тарзда қисқартиришни ҳисобга олган ҳолда, 2003-2005 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантириш бўйича таклифлар киритсин.

Қадрли дўстлар!

Иқтисодиётимиз тараққиётининг биринчи ярим йилликдаги натижаларини сарҳисоб қилар эканмиз, хорижий сармояларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш масаласига қисқача тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Бу вазифанинг нечоғли аҳамиятли эканини исботлаб ўтиришга зарурат бўлмаса керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда умумий қиймати 3,6 миллиард долларлик 109 та устувор инвестицион лойиҳа, жумладан, 725 миллион долларлик 38 та тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб этилган лойиҳа амалга оширилмоқда.

Агар 2001 йили 824 миллион долларлик, жумладан, 108 миллион долларлик тўғридан-тўғри жалб этилган инвестиция ўзлаштирилган бўлса, жорий 2002 йилда 905 миллион, жумладан, 183 миллион долларлик тўғридан-тўғри жалб этилган инвестиция ўзлаштирилиши кўзда тутилмоқда. Ўсиш суръати тегишлича 110 фоиз ва 1,7 баробарни ташкил этади.

Инвестицияларнинг катта қисми нефть-газ ва текстиль саноатига тўғри келмоқда. Таассуфки, электротехника, кимё саноати, қурилиш материаллари, машинасозлик, истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳаларига хорижий инвестиция жалб қилиш имкониятлари етарлича ишга солинмаяпти.

Шуни яна афсус билан айтиш керакки, жами хорижий инвестицияларнинг қарийб учдан икки қисми фақат Тошкент шаҳрига, шунингдек, Самарқанд, Андижон ва Тошкент вилоятларига тўғри келмоқда.

Ҳозирга қадар 21 та туманда хорижий шериклар билан бирорта ҳам корхона тузилмаган. Вилоятлар, туманлар, тармоқларнинг концерн ва компаниялар раҳбарлари нега бу тўғрида бош қотиришмаяпти — бу ҳақда алоҳида гаплашиб олиш лозим.

Ўйлайманки, бундай номақбул ҳолатларни ва умуман ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни экспорт қилиш режаларининг бажарилишини тўққиз ойлик якунлари билан биргаликда алоҳида кўриб чиқишимиз зарур.

Ҳозир Ўзбекистонда хорижий сармоя жалб этилган қарийб 2 минг корхона иш юритмоқда. Уларнинг 69 таси ўтган ярим йилда ташкил этилган.

Биринчи ярим йилликда 1 минг 250 та корхона бевосита ишлаб чиқариш билан машғул бўлгани ҳолда уларнинг фақат учдан бир қисмигина ўз маҳсулот ва хизматларини экспорт қила олди. Ўйлайманки, бу рақамлардан тегишли хулоса чиқариб олиш қийин эмас.

Инвестиция лойиҳаларининг техникавий-иқтисодий асоси сифатсиз тайёрланиши, уларнинг паст даражада экспертиза қилиниши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда четдан олиб келинадиган хомашё ва бутловчи қисмларнинг салмоғи катта экани бу борадаги асосий камчиликлардир. Шунингдек, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган маркетинг тадқиқотлари ўтказилмаслиги, лойиҳа тайёрлаш жараёнида шерик томонлар ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат остига олмаганлари сабабли хорижий сармоя иштирокида ташкил қилинган кўплаб корхоналар ишламай турибди. Такрор айтаман, бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Бу соҳа учун масъул бўлган Бош вазир Ў.Султонов тез фурсатда мазкур муаммоларни ижобий ҳал этиши, чет эл инвестициялари иштирокида барпо этилган корхоналар фаолиятининг самарадорлигини таъминлайдиган тегишли чора-тадбирларни кўриши зарур.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти учун ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш, тўлов баланси ва миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш нечоғли ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирар эканмиз, истеъмол молларини юртимизга олиб кириш билан боғлиқ ишлар, аниқроғи, бизнинг бу масалага муносабатимиз ҳақида алоҳида айтиб ўтишим керак.

Табиийки, мамлакатимизга юқори сифатли, ҳақиқатан ҳам катта истеъмол талабига эга бўлган товарларни олиб кираётган чет эл фирмалари, воситачи ва тижорат ташкилотларига бизнинг ҳеч қандай эътирозимиз йўқ.

Фақат бу соҳада бозор иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш рақобат қонунлари ишлаши, яъни у ўзимизники бўладими, хорижникими, бундан қатъи назар, аҳоли учун ҳар жиҳатдан мақбул ва сифатли товарларга кенг йўл очиш керак.

Шу билан бирга, аҳолимизнинг баъзи бир вакиллари томонидан мамлакатимиз ташқарисидан олиб келинаётган сифатсиз, усти ялтироқ, ичи қалтироқ маҳсулотларга қандай муносабатда бўлинаётганига ҳам бефарқ қарашимиз қийин.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бизнинг буюм бозорларимизга, биринчи навбатда Тошкент шаҳри бозорларига жиноий каналлардан фойдаланган ҳолда ғайриқонуний контрабанда йўли билан маҳсулот олиб кириш оқибатида четдан сифатсиз моллар келиши тобора ортиб бормоқда.

Тан олиш керакки, бундай ярамас ишлар порахўр кимсалар томонидан, кўпгина ҳолатларда ҳокимият тузилмаларида, божхона ва солиқ идораларида ўрнашиб олган, ана шу ноқонуний савдода ўз манфаатига эга бўлган, тушган даромаддан улуш олиб турадиган баъзи мансабдор шахслар томонидан, минг афсуски, қўллаб-қувватланмоқда ва хаспўшланмоқда.

Бир нарсани аниқ-равшан айтиш керак — биз чет элларга бориб мол олиб келадиган, майда тижорат билан шуғулланадиган фуқароларнинг фаолиятига мутлақо қарши эмасмиз. Лекин бундай фаолият қабул қилинган қонун-қоидалар ва тартиблар доирасида олиб борилиши тарафдоримиз. Ва шу соҳада ўз тирикчилигини кўраётган одамларнинг меҳнатидан баъзи бир виждонини йўқотган, ҳамма нарсани пулга чақадиган фирибгарларнинг фойдаланишига, бу тижоратчилар уларнинг қўлида ўйинчоқ бўлиб қолишига йўл қўймаслигимиз керак.

Агар бу вазиятни чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, унинг замирида кишини ўйлантириб қўядиган кўп нарсалар борлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Биринчидан, шуни унутмаслик керакки — биз юқорида айтиб ўтган йўллар билан республикамизга олиб кириладиган товарлар учун эркин алмаштириладиган валютада ҳақ тўланади. Бу мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг асосий манбалари бўлган, халқимизнинг оғир меҳнати ва пешона тери билан ишлаб топиладиган пахта толаси, рангли ва қимматбаҳо металларни сотиш эвазига келадиган валютанинг Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига чиқиб кетиши демакдир.

Ўзингиз айтинг, барака топкурлар, биз ана шу валютани чет элдан қандайдир сифатсиз моллар сотиб олишга эмас, балки лицей ва коллежлар, шифохоналар қуришга, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, кўпроқ ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган дори-дармонлар олиб келишга, қариялар ва болаларимизнинг долзарб ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш каби муҳим муаммоларни ҳал этишга сарфлаганимиз маъқул эмасми?

Иккинчидан, бош қотиришимиз зарур бўлган яна бир масала шундан иборатки, ички бозорларимизни сифатсиз чет эл моллари билан тўлдирар эканмиз, хоҳлаймизми-йўқми, биз ўзимизни, барча зарур хомашё, материаллар ва энг муҳими, малакали ишчи кучига эга бўлатуриб, ўз иқтисодиётини керакли тарзда қура олмайдиган, сифатли истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўя олмайдиган қолоқ мамлакатлар қаторига тушириб қўймоқдамиз. Ва шу орқали ўзимиздаги ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир бўлган мавжуд корхоналарнинг ўсиш ва ривожланиш ҳаракатларига зарба берган бўламиз.

Содда қилиб айтганда, бу номаъқул йўл билан биз мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик ривожига, ишлайман, даромад топаман, деб интилаётган навқирон ёшларимиз учун янги иш ўринларини барпо этишдек ҳаётий муҳим ишларимизнинг илдизига ўзимиз болта урган бўламиз.

Мен бу ўринда ватанпарварлик, ўз меҳнатига, ана шу меҳнат билан яратиладиган маҳсулотга ҳурмат ва ифтихор туйғуси ҳақида гапираётганим йўқ.

Мен бу ўринда азалдан халқимизга хос бўлган юксак миллий ғурур туйғуси ҳақида ҳам гапираётганим йўқ.

Мен фақат барчамиз учун ўта муҳим бўлган бир ҳақиқатни чуқур тушуниб олишимизни истайман. Яъни, биз бугун ўз кучимиз, ўз меҳнатимиз билан амалга ошираётган ишларга, халқимизнинг бунёдкорлик фаолиятига ҳурмат билан қарамай туриб, аввало мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантирмай, унга кўмак бермасдан туриб, иқтисодий бақувват мамлакатлар қаторига кира олишимиз, одамларимизнинг фаровон ва муносиб даражада ҳаёт кечиришини таъминлашимиз жуда қийин бўлади.

Учинчидан, бизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни реклама қилиш ишлари мутлақо қониқарсиз аҳволда эканини ҳам таъкидлаш лозим. Афсуски, аксарият ҳолатларда ўзимизнинг маҳсулотимизни эмас, кўпроқ хорижий молларни таърифлаймиз, мақтаймиз.

Бу эътирозлар биринчи навбатда "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияларига ва "Ўзозиқовқатсаноат" уюшмасига, истеъмол моллари ишлаб чиқараётган барча корхоналарга тааллуқлидир.

Албатта, реклама изланувчанлик ва катта маблағни талаб қилади. Кимки кучли рақобат шароитида муваффақият қозонмоқчи бўлса, бундай маблағни излаб топиши, ўз маҳсулотларини реклама қилишга жиддий эътибор бериши керак бўлади.

Муҳтарам дўстлар!

Яна бир ўта муҳим ва долзарб вазифа борки, уни амалга оширмасдан туриб, биз нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки умуман жамиятни ислоҳ қилиш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва марраларга эриша олмаймиз.

Гап Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий этиш ҳақида, шу дастур орқали юксак замонавий талабларга жавоб берадиган, янгича фикрлайдиган, мамлакатимизнинг келажак тақдирини ишониб топшириш мумкин бўлган ёш кадрларни тарбиялаш ҳақида бормоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз бугун Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишларга танқидий баҳо беришимиз лозим.

Мен бу борада қилинган ишлар тўғрисида ортиқча гапириб ўтирмоқчи эмасман. Ҳақиқатан ҳам, бу масалада кўп иш қилинмоқда. Шулар қаторида энг асосийси — қисқа вақт ичида мамлакатимизда замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган, 216 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 44 та академик лицей ва 291 та касб-ҳунар коллежи барпо этилди.

Республикамиздаги 20 та туман ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда 9-синфни битириб чиққан ўқувчиларни янги турдаги таълим муассасаларига тўла жалб этишга эришилгани айниқса эътиборга сазовор.

Умумтаълим мактаблари, шунингдек, ўрта-махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизими учун янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва ўқув жараёнига жорий этилди. Шунингдек, янги авлод дарсликлари тайёрланмоқда ва нашр этилмоқда. Мамлакатимизнинг 56 та олий ўқув юртида педагог ва муҳандис-педагог кадрларни тайёрлаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Аммо, мавжуд аҳволнинг танқидий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, барча бўғиндаги раҳбарларнинг ҳисоботларида, жумладан, кўплаб оммавий ахборот воситаларида ёзилаётганидек, бу соҳада ҳамма иш ҳам кўнгилдагидек эмас.

Мен биринчи галда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва фойдаланишга топшириш борасидаги ишларнинг аҳволини мутлақо қониқарсиз, деб баҳолаган бўлур эдим.

Хусусан, 2001 йили фойдаланишга топширилиши режалаштирилган объектларнинг бир қисми ишга туширилмади. Бу борада ажратилган капитал маблағлар лимитини ўзлаштириш Бухоро вилоятида 51, Навоий вилоятида 53, Самарқанд вилоятида 60, Тошкент вилоятида 50,6 ва Тошкент шаҳрида эса атиги 35 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткичларни изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Лицей ва коллежларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича тайёрланаётган лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифати ҳам жуда кўп эътирозларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, қурилиш учун тендер савдолари ўтказиш тартибларининг бузилишига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Бундай номақбул ҳолатлар Навоий, Фарғона ва Хоразм вилоятларида учрамоқда ва қурилаётган иншоотлар қийматининг қимматлашиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозиргача кўплаб уюшма ва концернларда коллежларни лойиҳалаш ва қуриш ишлари амалда бошланган эмас. Ҳолбуки, "Ўзбекенгилсаноат" компанияси 5 та, "Ўзавтосаноат" ва "Ўзозиқовқатсаноат" уюшмалари иккитадан ана шундай иншоотларни барпо этиши керак. Бу камчиликлар "Ўзёғмойтамакисаноат" уюшмаси, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзавтойўл" концерни, "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" ва "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компаниялари, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига ҳам тааллуқлидир.

Айниқса, янгитдан барпо этилаётган коллежларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Ҳукуматимиз бу мақсадлар учун зарур маблағларни излаб топмоқда, хорижий кредитларни жалб этмоқда. Айни пайтда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини бажариш, жумладан, ўқув-лаборатория ускуналарини ўзимиздаги корхоналаримизда тайёрлашни йўлга қўйиш ишлари мутлақо қониқарсиз олиб борилмоқда.

Масалан, "Ўзэлтехсаноат", "Ўзавтосаноат", "Ўзагромашсервис" уюшмалари, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти, Мотор заводи ва Агрегат заводи каби корхоналарда ҳали ҳам ўқув-лаборатория ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмаган.

Педагог кадрларни тайёрлаш, айниқса, уларни қайта тайёрлаш тизими ҳам талабга жавоб бермайди. Умумий ўрта ва олий таълим тизимидаги курслар, факультетлар, марказлар ва малака ошириш институтлари профессор-ўқитувчиларининг сифат таркиби, моддий-техникавий ва ўқув-услубий базаси Миллий дастур талаблари даражасига мувофиқ эмас.

Бу борадаги яна бир муҳим масала, яъни касб-ҳунар коллежлари мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ишларини жадаллаштириш лозим. Ўзингиз ўйланг, шу пайтга қадар коллежлар учун мўлжалланган 291 та мутахассисликдан фақат 145 таси бўйича мана шундай стандартлар ишлаб чиқилгани ва синовдан ўтказилаётганини қониқарли, деб баҳолаш мумкинми?

Ўрта таълим ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларини янги ўқув адабиётлари, айниқса, умумий касб-ҳунар ва махсус фанлар бўйича дарсликлар билан таъминлаш ишлари ҳам орқада қолмоқда. Ўқув дастурларига мувофиқ умумтаълим мактабларининг 1-9-синф ўқувчилари учун зарур бўлган 672 номдаги дарсликдан бугунги кунда 492 таси нашр этилгани буни яққол кўрсатиб турибди.

Маълумки, бу борада махсус "Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси" ишлаб чиқилган. Масалани тўғри ҳал этиш учун барча турдаги ўқув адабиётлари ана шу концепцияда баён этилган талаб ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда тайёрланиши керак.

Ўйлайманки, бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган вазифаларни сўзсиз бажаришнинг нақадар муҳимлигини, унинг давлат аҳамиятига эга бўлган стратегик масала эканини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Буни барчамиз, биринчи галда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари, буюртмачи ва пудратчилар, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари яна бир марта чуқур англаб олишлари зарур.

Бу вазифаларни адо этиш — ҳар биримизнинг эл-юрт олдидаги, келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Ватанимиз тақдири, унинг ёруғ келажаги учун ёниб яшашни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб англайдиган ҳар бир раҳбар, ҳар бир мутахассис буни доимо ёдда тутиши ва ана шу эзгу ишда фаол иштирок этишни ўзи учун шараф ва ифтихор, деб билиши лозим.

Бир нарсани барчамиз яхши англаб олишимиз керак. Олдимизда турган улкан муаммоларни ечиш, ўз муддаоларимизга эришиш аввало биз, раҳбарлар ва масъулиятли лавозимларда ўтирган кишилардан биринчи галда одамларимизнинг ташвиш ва интилишлари билан яшашни, уларни ўз юракларимиздан ўтказишни, буюк ва эзгу мақсадларимизга етишиш учун ўзини аямасликни талаб қилади.

Барчангизга халқимиз осойишталиги ва фаровонлиги йўлида олиб бораётган фаолиятингизда янги-янги омадлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Seminar

ТАЪЛИМ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ

Пойтахтимизнинг Интерконтененталь меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида ташкил этилган "Глобал таълимни ўқув дастурларига уйғунлаштириш" мавзусида беш кунлик семинар бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ҳукумати ва ЮНИСЕФ ўртасида имзоланган 2000—2004-йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ҳамда 2002 йилда болалар ҳаётини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар режаси муҳокама этилди.

Мазкур семинарни ўтказишдан мақсад глобал таълим ва унинг босқичларини интерфаол таълим бериш усули орқали болалар ўртасида ўзаро дўстона муносабат муҳитини яратиш ташаббусини жорий қилишдир. Кенг қамровли таълим тизимини (тинчлик, бағрикенглик, соғлом ҳаёт тарзи, гендер тенглиги, ҳаётий кўникмалар, "Бола ҳуқуқи тўғрисида Конвенция") ўқув дастурига уйғунлаштириш, мактабда ўқувчи билан самимий, дўстона муносабатни қарор топтириш, руҳий-ижтимоий соҳани мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳаётий кўникмалар, яъни шахсга, кундалик ҳаётдаги талаб ва муаммоларга, хавф-хатар ва тазйиқларга муносабат билдиришга ёрдам берувчи малакаларни сингдиришни назарда тутади.

Барча учун таълим умумжаҳон форуми қарори, Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисида"ги қонун, ДТС талабларини бажариш, таълим мазмунини такомиллаштириш, ўқув-тарбия жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлашда ушбу семинарнинг аҳамияти беқиёсдир.

Семинарда таъкидланганидек, янги давр мактаби янгича бўлиши керак. Унда ўқувчига шахс сифатида қараш, самимий ва дўстона муносабатда бўлиш кўзда тутилади. Ушбу мактабнинг вазифаси берилаётган билимларни суст ўрганувчи, тўпловчини эмас, балки улардан келгусида фойдалана оладиган ўқувчини тарбиялашдан иборат. Бунинг учун эса, ўқитувчи ўқувчига амалда кўпроқ фикрлаш, муҳокама қилиш, таълим жараёнида иштирок этиш имконини бергани ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини қўллаши лозим.

Амалий машғулотларда семинар иштирокчиларига глобал таълимнинг таркибий қисмларини ўқув дастурларига уйғунлаштириш йўллари ўргатилди. Семинар иштирокчилари 5 кун давомида Глобал таълим ҳақида ахборотга эга бўлиш билан биргаликда ўқув дастурларига глобал таълим элементларини олиб кириш йўлларини амалий машғулотлар орқали мустаҳкамлади.

Анжуман сўнггида 2002—2004-йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури асосида тренерларнинг миллий гуруҳи танлов асосида ташкил этилиб, лойиҳа асосида 4 йўналиш (тил ва адабиёт, санъат ва аниқ фанлар) бўйича истиқбол режалар белгилаб олинди.

Семинарда Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, РТМ ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардан халқаро тренер сертификатига эга методистлар, ўқитувчилар, шунингдек, Республикамизда фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотлардан вакиллар иштирок этишди.

Жаҳонгир МУСАЕВ

Jarayon

БИЛИМГА ИНТИЛАЁТГАН БОЛАЛАР

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига берилаётган алоҳида эътибор ҳамда унинг устувор йўналиш деб тан олингани нафақат таълим ходимлари, балки ота-оналар, ҳаттоки болажонларимизда ҳам мактабга, билим олишга бўлган хайрихоҳликнинг интилишни кўчайтириб юборди. Буни биз ҳозирда давом этаётган олти ёшли болаларни мактабга қабул қилиш жараёнидан ҳам билсак бўлади— ўз фарзандини барвақтроқ таълим масканларига бериб, уларнинг сифатли таълим-тарбия олишларини хоҳлаётганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Газетамизда аввал хабар берганимиздек ушбу қабул жараёни илгаригидек туман халқ таълими бўлимларида эмас, мактаблар қошида ташкил этилганлиги бу борадаги бир қанча мушкулликларга барҳам бериб, бола учун танишроқ бўлган муҳит, шарт-шароит яратишга омил бўлди. Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 242-мактабда бўлганимизда биз бунга амин бўлдик. Мактабда шу мақсадда болалар психологи, логопед, шифокордан иборат комиссия фаолият кўрсатмоқда.

— Олти ёшли соғлом болаларни қабул қилишимизда биз асосан тўртта топшириқдан иборат синов амалларидан фойдаланамиз, — деди биз билан суҳбатда комиссия раиси, мактаб директори Г. Сотимова.— Уларга расмлар чиздириш, суҳбат, митти матнлар туздириш орқали боланинг фикрлаш қобилиятини, руҳий ҳолатини, атроф-муҳитни қанчалик идрок этишини, умуман олганда унинг мактабда таълим олиш жараёнига тайёрлиги билан боғлиқ барча жиҳатлар аниқланади.

Психолог Л. Фасхутдинова, логопед Л. Кожайкина, шифокор Н. Мадраҳимова белгиланган 30 дақиқа давомида болалар билан уларнинг тилида гаплашиб, катталарга хос бўлган синчковлик билан ҳар бири ҳақида хулоса чиқаришмоқда. Ота-оналар билан фарзанди ютуқлари, камчиликлари ва уларни тугатиш бўйича суҳбатлар олиб боришмоқда. Демак мазкур синовдан ўта олмаган болаларнинг келгуси йилда тўлақонли тайёргарлик билан мактабга келишларида ҳам ушбу тадбир аҳамиятли ҳисобланади.

А. ЭРНАЗАРОВ

Суратда: қабул жараёнидан лавҳа.

Б. Ризоқулов олган сурат.

ТАЪТИЛДАГИ ТАДБИРЛАР

Бугун "Роҳат" соғломлаштириш оромгоҳи ҳам ҳар йилгидек ўз фаолиятини қизғин давом эттирмоқда. Бинобарин, оромгоҳдаги замонавий адабиётлар билан бойитилган "Маънавият ва маърифат" хонаси, шинам ошхона ва ётоқхоналар, сайр этиш боғи, мусобақалар ўтказиш учун махсус спорт майдончаси, сузиш ҳавзаси, мўъжазгина ёзги кинотеатр кишини қувонтиради, албатта.

Айни кунларда ўсмирларнинг маънавий ҳамда ақлий салоҳиятларини ривожлантирадиган "Қувноқлар ва зукколар", "Зукколар баҳси", "Санъат ғунчалари" каби кўрик-танловлар, турли адабий кечалар ташкил этилмоқда. Шунингдек, волейбол, теннис, футбол, сузиш ҳавзасида сув спорти бўйича бўлиб ўтаётган беллашувлар, "Қувноқ стартлар" — ҳамма-ҳаммаси болажонларнинг энг қизиқарли ўйинлари ҳисобланади.

Мутасадди ташкилотларнинг амалга ошираётган ҳамкорлик ишлари натижасида маънавий-маърифий аҳамият касб этадиган тадбирлар: "XXI аср — баркамол ёшлар асри", "Чекмасдан ёшлик гаштини сур", "Гиёҳвандлик иллати — жамият таназзули", "Саломатлик гигиенаси", "Ақидапарастлик — ақл душмани" сингари давра суҳбатлари ташкил қилиняпти. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, туман марказидаги Болалар ва ўсмирлар ижодиёт уйи дам олувчилар ўртасида уюштираётган машғулотлар, миллий ҳунармандчилик санъати борасидаги тадбирлар ҳам таҳсинга лойиқдир.

Мавсумни кўнгилдагидек ўтишини таъминлаш мақсадида туман ички ишлар бўлими, маҳалла посбонлари вакиллари кенг жалб этилган. Оромгоҳ навбатчилик жадвалига мувофиқ ҳавфсизлик чора-тадбирлари тартибли ташкил қилиб келинмоқда.

Насибахон ИМОМАЛИЕВА

"МАКТАБЛАР КУНИ"ГА ЯНГИ МАКТАБ

"Мактаблар куни" муносабати билан Самарқанд туманига ташриф буюрган меҳмонлар ишни "Гулистон" хўжалигида 25 кун ичида барпо этилган 8-мактабнинг янги биносини очилишига бағишланган тадбирда иштирок этишдан бошладилар. Янги қад ростлаган 350 ўқувчи ўрнига мўлжалланган икки қаватли мактаб биноси ва унинг синфхоналарини кўздан кечирган ҳар қандай кишининг ҳаваси келади. Синфхоналар янги парта ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Эътиборлиси, мактабнинг компьютер синфи ҳамда лингафон хонаси алоҳида махсус ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Туман ҳокими Р.Ҳакимова ташаббуси билан бошланган мактаб қурилиш ишлари маҳалла аҳли ва "Қурувчи" корхонасининг қўли гул усталари томонидан ўз вақтида битказилишга эришилди. Натижада, кўзни қувонтирадиган кўркам, замонавий таълим муассасаси бунёд этилди. Эски бино эса йиқитилиб, ўрни текисланди, шу жойдан спорт майдончаси ва юғуриш йўлакчалари барпо этилди.

Мактаб биносининг очилиш маросимида вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев сўзга чиқиб, бинони қуриб битказишда ўз ҳиссасини қўшган қурувчи ва ҳашарчиларга самимий миннатдорчилик билдирди. Мактабда ўқувчилар учун яратилган қулайликлар шубҳасиз уларнинг келгусида билим чўққиларини эгаллашларида мустаҳкам пойдевор бўлади.

Йиғилишда тумандаги иқтидорли ўқувчилар ва изланувчан ўқитувчиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилди. Уларга вилоят ва туман ҳокимлигининг, вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари топширилди.

Учрашув сўнггида тумандаги қурилиш бораётган 42-мактабнинг янги биносини тез кунда ўқувчилар ихтиёрига топшириш мақсадида қўшимча равишда 50 млн. сўм маблағ ажратиш таклифи барча иштирокчиларни ҳушнуд этди.

Н.ШЕРБОЕВА

ЎҚУВ ЙИЛИГА — ЯНГИ СТАДИОН

Тошкент вилояти Оҳангарон ўрмон хўжалиги (директори Анвар Шамсуддинов) шу тумандаги 37-мактабга илм маскани таъмири учун тўсинга ишлатиладиган 20 дона терак, 100 та шифер, 3 тонна цемент ажратди.

Дарвоқе, яқинда ушбу илм маскани ҳомийлари яна биттага ортди. "Янгиобод" автоуловлар корхонаси (бошлиғи Убайдулла Бозоров) мактаб жамоасига янги стадион қуриб беришни ваъда қилди. Айни пайтда мактаб ёнидаги қирда текислаш ишлари олиб борилмоқда. У ерда келажакда футбол, баскетбол, волейбол майдонлари, югуриш йўлаклари, баландликка, узунликка сакраш учун машқ майдончалари қурилади.

— Ҳомийларимиз кўмагидан жамоамиз, шу билан бирга бутун Эртош қишлоғи аҳли беҳад мамнун бўлишмоқда, — деди мактаб раҳбари Илҳом Исабеков. — Сабаби мактаб ялпи таъмирдан чиқазилади. Ундан ташқари, бу ерлик ўғил-қизларга спортнинг кўпгина турлари билан шуғулланишга имконият яратилади.

Дарҳақиқат, имкониятлар янги уфқларни очади, эзгуликларга хизмат қилади. Чунончи, Чотқол тоғ тизмасининг бир буржида жойлашган чекка мактабда ҳам "Умид ниҳоллари"дек катта спорт мусобақаларига пухта тайёргарлик бошлаб юборилади.

Бир сўз билан айтганда, Мустақиллик байрами ва янги ўқув йили арафасида ялпи таъмир ҳамда янги стадион қурилиши муносабати билан Эртош қишлоғида катта тантана бўлиб ўтади. Шу кунги тантанада ўғил-қизлар қувончига ҳомийлар ҳам шерик бўлишлари, шубҳасиздир.

Қ.МАТҚУРБОНОВ

ҲУДУДИЙ СЕМИНАР ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Инсон ҳуқуқлари ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб жаҳон ҳамжамиятининг асосий диққат-эътиборида бўлиб келаётганлиги айнан шу соҳа мутахассислари томонидан кўп маротаба эътироф этилмоқда. Бинобарин, мустақиллик мақомини қўлга киритган Ўзбекистон ҳам бугун ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш йўлидан дадил бормоқда. Илло, бунинг учун ҳар бир фуқаро, ҳар бир жамоа, ҳар бир жамият ўзининг ҳиссасини қўшмоғи лозим. Шу боис, куни кеча Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Қашқадарё вилоятида ўтказган ҳудудий семинар-кенгаши ҳам айнан инсон ҳуқуқларига бағишланди.

“Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари ва касаба уюшмалари” номи остида ташкил этилган ушбу анжуманда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Зоиржон Қодиров “Таълим ва фан ходимларини, талабаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялашда тармоқ касаба уюшмаларининг ўрни ва роли” мавзуида нутқ сўзлади. Шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг котибият мудири М. Усмонов ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституциявий кафолатлари хусусида семинар қатнашчиларига гапириб берди.

Бундан ташқари анжуманда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида касаба уюшмаларининг тутган роли ҳамда бу борада олиб борилаётган амалий ишлари ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар алмашилди ва семинар-кенгаш савол-жавоб тарзидаги давра суҳбати билан якунига етди.

Дарвоқе, анжуманни ҳудудий семинар-кенгаш деб аталишининг боиси, унда Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро ва Навоий вилоятлари тармоқ қўмиталари раислари, Қашқадарё вилоят халқ таълими ҳамда ўрта махсус ва касб-ҳунар бошқармалари бошлиқлари, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раҳбарияти, туман, шаҳар тармоқ қўмиталари раислари иштирок этдилар.

Зеро, бугун давлатимизнинг бош сиёсати ҳуқуқий-демократия сари йўналтирилган экан, бунинг учун барчамиз ўз зиммамизга юклатилган вазифани тўлалигича адо этмоғимиз ҳамда бу борада бирдек ҳаракат қилмоғимиз керак.

Камолиддин АЛИОХУНОВ

Jarayon

БИР ЎРИНГА НЕЧТА ДАЪВОГАР?

Жорий ўқув йилида умумтаълим мактаблари битирувчиларининг сони ўтган йилларга нисбатан анча оз миқдорни ташкил этади. Буни 16 июлга қадар топширилган ҳужжатлар сонини 2001 йилнинг шу даврига нисбатан таққослаб ҳам билиш мумкин. Жумладан, 2001 йил 16 июлга қадар республика олий таълим муассасаларига жами 157212 нафар абитуриент томонидан ариза топширилган бўлса, 2002 йилнинг шу даврида 89104 нафар йигит-қиз олий ўқув юртига ўз ҳужжатларини топширган. Бу йил белгиланган режага кўра, 51 минг 100 нафар абитуриент ўқишга қабул қилиниши лозим. Жорий йилда ҳар бир ўринга умумий ҳисобда 1,74 нафар номзод кураш олиб боради.

Таълим даргоҳларига ҳужжат топшириш жараёнлари қандай натижаларни намоён қилди? Қайси соҳа ва мутахассисликларга талаб юқори? Қайси таълим муассасаларига кам ҳужжат топширилган? Қўлимизда барча университет ва институтлар қабул жараёни бўйича маълумотлар...

Дастлаб Давлат университетларидаги натижалар ҳақида. Таъкидлаш ўринлики, ушбу олий таълим муассасаларига топширилган ҳужжатлар сони бошқа соҳа ва йўналишларга нисбатан анча юқори. Булар орасида Термиз (бир ўринга 4,34 номзод) ҳамда Андижон (бир ўринга 3,19 номзод) Давлат университетлари энг кўп абитуриент жалб қилинганлиги билан ажралиб туради. Ушбу университетларга белгиланган квота ўринларига эътибор берадиган бўлсак, Термизда режа бўйича 1415 нафар абитуриент ўқишга қабул қилиниши белгиланган бўлиб, 6137 та ариза тушган. Андижон университетида эса бу йил 895 нафар йигит-қизни ўқитиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 2857 нафар абитуриент бу таълим муассасасида ўқиш ниятида.

Қорақалпоғистон, Бухоро ва Гулистон Давлат университетлари талабаси бўлиш иштиёқида ҳужжат топширган абитуриентлар салмоғи паст кўрсаткичга эга бўлиб, ҳар бир ўринга 2 номзод ҳам тўғри келмайди. Чунончи, Қорақалпоғистонда бир ўринга - 1,16, Бухорода — 1,55, Гулистонда эса - 1,96 номзод. Энг таажжубланарлиси шундаки, республика миқёсида катта нуфузга ва мавқега эга бўлган Ўзбекистон Миллий университетига ўқишга киришни хоҳловчилар сони ҳам вилоятлардаги таълим даргоҳларига нисбатан анча кам миқдорни ташкил этади. Жорий ўқув йилида университет 1685 нафар йигит-қизни талабалик сафига қабул қилишни кўзлаган бўлиб, амалда 2607 нафар йигит-қиз ўқиш истагида ҳужжат топширган ва бир ўринга 1,55 номзод тўғри келмоқда, холос. Ўтган йилнинг шу кунига қадар Миллий университетга 4472 ариза топширилган эди.

Педагогика соҳасига ихтисослашган университет ва институтлар ҳам ўзига хос мавқега эга.

Ҳозирда Тошкент шаҳрида педагогика университети ҳамда Жиззах, Қўқон, Навоий, Нукусда педагогика институтлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларга жорий мавсумда 5870 нафар абитуриент ўқишга қабул қилиниши режалаштирилган. Шу кунга қадар бу ўқув муассаларига 9858 та ариза келиб тушган ва бир ўринга 1,68 номзод баҳслашади. Мазкур ўқув юртларига топширилган ҳужжатлар бўйича у қадар юқори тафовут кўзга ташланмайди. ТошДПУ — бир ўринга 1,94 номзод, ҚўқонДПИ — 1,96, ЖиззахДПИ — 2,14, НавоийДПИ — 2,41 номзоддан иборат. Булар орасида энг паст кўрсаткич Нукус (0.9) ҳамда Тошкент ВДПИ (1.12)да қайд этилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги институтларга жорий мавсумда 44,5 мингдан зиёд абитуриентдан ариза қабул қилинган. Режа 3390 нафар. Бу умумий ҳисобда ҳар бир ўринга 1.3 номзод кураш олиб боради дегани. Ушбу тизимдаги олий ўқув юртлари орасида энг кўп абитуриент ҳужжати Тошкент Давлат фармацевтика институтига (режа — 215, абитуриент — 428) тўғри келади. Тиббиёт институтлари орасида энг паст кўрсаткичга Тошкент Давлат педиатрия тиббиёт институти «эришган». Гарчи бу таълим муассасаси бошқаларига нисбатан энг кўп ўрин (730) берилган бўлса-да, улар абитуриентларни саралаб олиш имкониятидан маҳрум бўлди ва бу институтга ҳар бир ўрин учун деярли 0.72 номзод ариза топшириши билан якун топмоқда. Демак, абитуриентларнинг деярли барчасида давлат гранти ва контракт асосида таълим олиш учун 100 фоизлик имконият бор, деб айтиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик соҳасига ихтисослашган республикада 4 та таълим муассасаси фаолият кўрсатаётган бўлиб, бу ўқув юртларидаги кўрсаткичлар ҳам деярли бир хил. Энг нуфузли Тошкент Давлат аграр университетида бир ўринга 1,63 номзод тўғри келмоқда. СамҚХИда бир ўринга — 1,27, ТҚХИИИ га — 1,29 нафар номзод талабаликка даъвогар. Бу йўналишда фаолият кўрсатаётган таълим муассасалари орасида энг юқори кўрсаткич АндҚХИ да қайд этилган: бир ўринга — 1,76 номзод.

Иқтисодиёт ва муҳандислик институтларига етук мутахассис бўлиш ниятида қадам қўйган ёшларда ҳам катта имкониятлар бор. Хусусан, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетига бу йил 930 нафар йигит-қиз талабалик номига мушарраф бўлади. 1642 нафар абитуриентлардан ҳужжат қабул қилинди. Бир ўринга 1.77 нафар киши даъвогарлик қилмоқда.

Шунингдек, Андижон, Қарши ва Наманган муҳандислик иқтисодиёт институтларида ҳам кўрсаткичлар қувонарли эмас.

Хулоса, республика миқёсида иқтисодиёт ва ҳуқуқ соҳасида таҳсил олиш ниятида бўлган ёшлар сони ҳамон юқори. Тошкент Давлат юридик институти энг юқори кўрсаткичга эга бўлди. Институтга қабул жараёнида белгиланган 520 ўрин учун ҳозиргача 2513 нафар абитуриент ариза топширган. Бу — бир ўрин учун 4.83 нафар номзод курашади дегани.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия, Ўзбекистон Бадиий академиясига қарашли МРДИ, СамДАҚИ, Тошкент архитектура- қурилиш, Тошкент кимё-технология институтларида ҳам тест синовлари қандай муҳитда ўтишини тасаввур қилиш мушкул. Чунки аризалар бир ўринга биттадан ҳам тўғри келмаяпти.

Албатта, Вазирлар Маҳкамаси томонидан олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш режаси тузилаётган даврда уларнинг салоҳияти ва имкониятлари, қолаверса, шу тур мутахассисликларга бўлган эҳтиёж чуқур ўрганилган. Бироқ, ушбу институтлар раҳбарияти фақат ички масалалар билан ўралашиб, қабулда рақобат муҳитини вужудга келтириш учун бошқа олий ўқув юртларидек сайёр гуруҳлар ташкил қилиш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари билан суҳбат-учрашувлар олиб боришини ўзларига эп кўришмаган чамамизда.

Ёзганларимиз қиёсий таҳлил, холос. Ҳар қалай абитуриенти кўп олий таълим муассасасида билимли, иқтидорли ёшларни саралаш имконияти кенгроқдир. «Жўжани эса кузда санайдилар».

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
«Ma`rifat» мухбири

Aks-sado

ТАЛАБА КЕЛИННИНГ “ТУШОВИ”

“Талаба қиз келин бўлса” мавзусидаги (“Ma'rifat” 2002 йил, 12 июнь)саҳифани ўқиб, қўлимга қалам олдим. Чиндан ҳам ҳозирги кунда талаба қизларнинг келин бўлиши “урф” бўлмоқда.

Талаба келиннинг қандай ўқишини жуда яхши тасаввур қиламан. Чунки мен билан бирга ўқиган келин курсдошларимнинг қийинчиликларига гувоҳи бўлганман. Унинг оёғига “тушов” бўладиган ҳолатлар анча. Соатга қараб ўтириши, хаёли дарсда эмаслиги, дарс қолдириши, тажриба ишларида қатнашмаслиги, ўқув залларига умуман кирмаслиги, курсдан-курсга “ҳомийлар” кўмагида ўтиши-ю, диплом олишигача бўлган азоб-уқубатлари масаланинг бир томони, холос. Мени ўйлантиргани масаланинг иккинчи томонидир.

Талаба келин мутахассислик дипломини қўлга киритди. Агар у ўқитувчи бўлса, синфдаги 30-35 нафар қора кўзларга ўзи яхши эгаллай олмаган билимларни бера олармикан?

Агар у врач бўлса-чи, унинг кўзларига жавдираб нажот сўраб келган беморга ёрдам кўрсата биладими?

Келин талабаларни айбламоқчи эмасман. Асал ойларини ўтказаётган талабанинг руҳий кечинмаларини ҳис қиламан. Ҳомиладорлик даврида руҳий-физиологик ҳолатлар, онанинг бутун диққати, хаёли, сезгилари мурғак боласига қаратилган бўлиши фанда исботланган.

Демак, талаба келинларнинг нечоғли билим олишларию, ўз касбларини қай даражада эгаллашлари барчага равшан деб ўйлайман.

Бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ҳозирги кунда мактабларда амалиётчи психологлар, касбга йўналтирувчи мутахассислар фаолият кўрсатмоқда.

Ўқувчи ёшларнинг касб танлашларига тўғри йўналиш бера олсак, касбҳунарларни эгаллаш биринчи даражали вазифа эканлигини тушунтира олсак, юқоридаги салбий ҳолатлар юзага келмайди.

Мураббийлар, тиббиёт ходимлари, маҳалла қўмиталари ҳамкорлигида ота-оналар орасида тушунтириш ишларини тўғри олиб борса, нафақат ёшлар ҳаётини ҳимоя қилган, миллатимиз, давлатимиз пойдеворини мустаҳкамлаган бўламиз.

Одинахон НАЗАРОВА,
Андижон вилояти,
Баликчи туманидаги
43-мактаб амалиётчи психологи

Кичкина болага боғчада таълим-тарбия берилар экан, бунга миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳам ҳамоҳанг тарзда ўргатилса нур устига аъло нур бўлар эди.

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 2-сон мактабгача таълим муассасида ҳам шу жиҳатга алоҳида эътибор берилмоқда.

Суратда: Тарбиячилар Туҳфа Мўминова миллий урф-одатларимиз ҳақида, Матлуба Одилова тасвирий санъат ва кўл меҳнати сирларини машғулотлари орқали ўргатмоқдалар.

Бурҳон Ризо олган суратлар.

"МОЯ ЮЛДУЗ ПУСТЬ ТАНЦУЕТ"

ёхуд ўқитувчининг ушбу меҳрли сўзи унинг ҳаёт мазмунига айланди

Mehmonxona

Рақс... Бу мимика(муқом қилиш)лар мажмуасидир. Чунки уни кўрмасдан тушуниш мумкин эмас. Қачон бўлмасин, ўзбек миллий рақси ҳақида сўз юритсак, шубҳасиз,кўз олдимизда Мукаррама Турғунбоева гавдаланади. Чунки унинг яратган рақсларию, етиштирган шогирдларининг ҳисоби йўқ.

Газетамизнинг бугунги меҳмони ҳам Мукаррама Турғунбоеванинг севимли шогирдларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исматовадир. У ўзининг "Севги васфи", "Нодира", "Увайсий", "Мозийдан ҳам нур", "Улуғбек буржи", "Севги нидоси", "Темурий маликалар", "Кўқон аёли",, "Эзгу ният дарахти" каби либреттоларини яратиб, мухлислари қалбидан жой эгаллаган. Ҳозирда Ю.Исматова Мукаррама Турғунбоева номидаги "Ўзбекрақс" бирлашмаси директори лавозимида ишлаб келмоқда.

— Ўзбек миллий рақсини Мукаррама опа Турғунбоевасиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидек... Суҳбатимизни ҳам шундан бошласак.

— "Андижон полкаси", "Пахта", "Муножот", "Роҳат", "Катта ўйин", "Тошкент баёти" каби диловар, қалбларнинг нозик пардаларини тўлқинлантирадиган, томоша қилувчиларга чинакам роҳат бахш этадиган миллий рақс санъатимиз хазинасини бебаҳо дурдоналар билан тўлдирган Мукаррама опани ва рақсларини ким эсидан чиқаради... Бу рақслар Мукаррама опа талқинида хореография маданиятимизни бойитибгина қолмай, уни дунёга ёйди, довруғини оламга таратди. Бу яралган рақсларнинг ҳар бирида фалсафа мавжуд эди. "Муножот", "Лазги", "Дилхирож"у, "Тановар"ни олайлик, уни томоша қилаётган киши беихтиёр сеҳрланиб қолади. Мукаррама опанинг раққосалик маҳоратигина эмас, актрисалик қобилияти ҳам бор эди. Ҳозирги авлод уни балетмейстер, моҳир раққоса сифатида, "Баҳор" ансамбли раҳбари бўлганлигини яхши билади, холос. Аммо у кишининг актёрлик, қўшиқчи-хонандалик қобилияти ҳақида билишмайди. Шунинг учун Мукаррама опанинг асарлари мангудир.

— Юлдуз опа, аввало, миллий рақсимиз тарихига ва бугунги кунига тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбек рақси тарихан учта ҳудудий гуруҳлардан: Фарғона, Бухоро, Хоразм рақс мактабларидан таркиб топган. Уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда, яъни нозик оҳанглари ва нафис ҳаракатларда ҳис-туйғуларни ёркин акс эттиради. Ва мана шу бой меросимизни асраш ва ривожлантириш учун 1997 йил Мукаррама Турғунбоева номидаги "Ўзбекрақс" бирлашмаси тузилди. Энди мазкур бебаҳо бойлигимизнинг бугунги кунига тўхталадиган бўлсак, ҳозирда бирлашмамизда 13 та рақс дасталари мавжуд. Бу ҳар бир вилоятда биттадан дегани. Шунингдек, пойтахтимизда "Баҳор" ансамбли, "Лазги" давлат ашула ва рақс ансамбли, "Тановар" ўзбек рақс театри, "Зарафшон" ва "Етти гўзал" ансамбллари фаолият кўрсатмоқда.

"Баҳор" ансамбли 1957 йилда ташкил этилган. У аёллар рақс жамоасидан иборат эди. Унда ижро услуби, либослар, оҳанглар шундай саралангандики, саҳнада Фарғона хотин-қизларининг санъати акс этиши лозим эди. Айни пайтда ҳар бир концертда Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари рақслари ҳам ижро этилиб бормоқда. Зеро, бу жамоада М.Турғунбоева 1957—1978 йилларда 150 та рақс турини қамраб олган дастурни яратганди.

Бутун умрини санъат оламига бахшида этган Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар хоним Раҳимова бадиий ҳаваскорлар орасидан истеъдодли ёшларни танлаб олиб, "Лазги"дастасини тузган бўлса, машҳур раққоса Вилоят Оқилова эса "Зарафшон" бадиий жамоасини вужудга келтирди. Бу рақс дасталарида ўзбек рақсининг кўҳна Бухоро, Самарқанд мактаблари моҳияти ва услуби тўлиқ акс этган. "Тановар" ўзбек рақс театрини эса 1999 йилда ўзим ташкил этгандим. "Етти гўзал" ансамбли шу йили Мукаррама Турғунбоева номидаги "Ўзбекрақс" бирлашмаси етакчи якка рақс усталаридан ташкил топди. Ансамблнинг ўз олдига қўйган мақсади — асрлар қаъридан бизгача етиб келган якка рақс санъатимизни сақлаш ва ривожлантириш.

— Шу ўринда мактабдаги ва санъат соҳасидаги устозларингизни ёдга олсак...

— Илк билим сабоқларимни пойтахтдаги 120-мактабда Полина Дмитриевнадан олганман. У киши ҳозирда ҳаётлар. Полина опа билан ҳали-ҳануз авваллгидек тез-тез учрашиб турамиз. Сабаби, унга бўлган мендаги меҳр ташналиги сўнмаган. Биринчи марта зиё чашмасини инсон қалбига сочган устозни бир умр ёддан чиқариб бўлмайди. Шунинг учун ҳар доим у киши олдида ўзимни қарздор деб ҳисоблайман.

Мактабни тугатгач, ҳозирги хореография олий ўқув юртига қабул қилинганман. Мазкур билим даргоҳида ўқишимга Ўзбекистон халқ артисти Розия Каримова сабабчи бўладилар. У киши менга санъат сирларининг барча жабҳаларини, сир-асрорларини ўргатганлар. Розия Каримова билан ҳозирга қадар ижодий ҳамкорлигимиз давом этиб келмоқда. Опа нафақат менга, балки миллий рақс бирлашмасидаги барча гуруҳларга ҳам ўзининг ўгитларини бериб келмоқда. Устозларимдан бир умрга миннатдорман. Чунки ҳаётда бир киши ҳеч нарсага эришолмагандек, санъат оламида ҳам худди шундай. Сиздаги истеъдодни кимдир ўткир нигоҳ билан илғаб, юзага чиқаришда устозлик қилса, шундагина ҳақиқий санъаткорлик чўққисига эришасиз. Зеро, вақтида устозларим менинг санъатимни англагани учун ҳам шунча муваффақиятларга эришганман.

— Мактаб даврини ёдга олиб, уни қўмсамайдиган киши бўлмаса керак. Яхшиси ўша вақтдаги орзуларингизни ёдга олсак.

— Яқинда "Танавор" рақс театрининг ҳисобот концертида узоқ вақт кўрмаган дугонамни учратиб қолдим. У билан бир маҳаллада яшаб, бир мактабда ўқиганмиз. Шунда менга кулиб қараб: "Юлдуз, барибир орзуингга эришдинг-а, эсингдами, ёшлигимизда маҳалладаги қизларни йиғиб, рақс ўргатардинг. Кейин бўлса концерт уюштирардинг. Айниқса, маҳаллани йиғиб билетлар ясаб сотардинг. Мана энди катта бир даргоҳда ўша ёшликда қилган соф орзуларингни амалга ошираяпсан. Яхши ният ярим давлат экан, дея ҳол-аҳвол сўраб кетди. Ростдан ҳам рақс, санъат дейишса, ўзимни қўярга жой топа олмасдим. Мактабда қанақа тадбир бўлса, мени олиб келиб, Мукаррама опам яратган "Танавор"га рақс туширишарди. Мен Мукаррама опага тақлид қилиб, рўмолларимни ҳам у кишига ўхшатиб ўрардим. Кейинчалик опа билан учрашганимда, "Тановор" ва "Муножот"ни катта саҳнада ижро этишимга рухсат бергандилар. Бу ҳаётимдаги энг катта ютуқлардан бири бўлган. Мана шундан кейин ёшликдаги орзуларим амалга ошаётганига амин бўла бошлаганман.

— Биринчи марта қандай китоб ўқигансиз? Ва охирги марта-чи?

— Энг биринчи Андерсоннинг китобларини ўқиганман. Кичкиналигимда фантастик асарларни ўқишга жуда қизиқардим. Пойтахтимиздаги барча кутубхоналардан фантастик асарлар излардим. Ҳозир эса, аксинча, тарихий китобларга кўп мурожаат қиламан. Охирги марта "Клавихонинг кундалик дафтари" тарихий асарини ўқиб чиқдим. Ундан ташқари раҳматли Бўрибой Аҳмедовнинг асарларини ўқиб чиқмоқдаман. Чунки фантазия билан бир қаторда тарих ҳам керак экан. Бу иккаласи менга катта ёрдам бермоқда.

— Энди бевосита ўз ижод йўлингизга тўхталсангиз...

— Муқимий номидаги театрда анча вақт ишлаганман. Саҳнада рақсдан ташқари кичик-кичик ролларни ҳам ижро этганман. Муқимий номидаги театрда малака оширганман. У ерда ўрганган тажрибаларим асосида халқимизга манзур бўлган "Севги васфи", "Нодира", "Увайсий", "Мозийдан ҳам нур", "Улуғбек буржи", "Севги нидоси", "Темурий маликалар", "Кўқон аёли", "Эзгу ният дарахти" каби либретталарни яратганман. Ҳозирги даврга мослаштириб саҳналаштирилган бу асарларни Мустафо Вафоев, Қаҳрамон Комилов, Аваз Мансуров ва Алишер Икромов каби композиторлар билан ҳамкорликда ишлаганмиз.

Барча либретталарнинг негизида миллий рақсни акс эттириш ва бир қанча ғоялар ётади... Уларни томоша қилган киши рақснинг қандай жозибалилигини уқиб олса бўлади.

— Сизда санъатга бўлган ташналик қандай пайдо бўлган?

— Бунга оиламиздаги муҳит сабабчи. Чунки санъаткорлар оиласи, Ўзбекистон халқ артисти Асад Исматов оиласида туғилганман. Лекин менинг қизиқишимни мактаб даврида англаб етган Полина Дмитриевна рақс санъатига бутунлай шўнғишимга туртки бўлган. Чунки мактаб даврида бирон-бир саҳна чиқиши бўлса: "Моя Юлдуз пусть танцует" деб таъкидларди. Бу сўзлар ҳаётимга жуда катта таъсир кўрсатган. Ўзингиз биласиз, болаликнинг беғубор даврида устозингиз озгина эътибор берса, еру осмонга сиғмай юрасиз. Мен бундай сўзлардан катта куч олар эдим. Хуллас, бу ташналик оилада пайдо бўлган. Устозим эса шаклланишимга сабабчи бўлган.

— Фарзандларингиз ҳам Сизнинг изингиздан боришмоқдами?

— Агар қизим бўлганда, албатта, борарди. Лекин биргина ўғлим бор. Шундай бўлса ҳам жиянларим менинг йўлимни танлашган. Масалан, Гулноза Акромова бу йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони билан тақдирланди.

— Илк марта катта саҳнага чиққан дамларингизни қандай хотирлайсиз?

— Бизнинг оилада ҳаёт билан саҳнанинг ўртасида ҳеч қачон ажралиш бўлмаган. Чунки дадам Муқимий номидаги театрда ишларди. Ойим эса ҳамма вақт мени театрга олиб борардилар. Биз спектаклларнинг репетиция жараёнини ҳам кузатиб турардик. Шулардан бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ўша вақтларда "Гулсора" спектакли бўларди. Унда тўй жараёнининг саҳна кўриниши ҳам бор эди. Спектакль саҳнада қўйилаётганда шу жараёнга етиб келгач, мен ҳам индамасдан саҳнага чиқиб ўйнаб кетганман. Гўёки шундай ўйнаш керак, дегандай. Чунки репетиция жараёнидан тўлиқ бохабар эдимда... Бу чиқишим режиссёрга ёқиб қолган. Шундан кейин спектаклнинг айнан шу ерида саҳнага чиқиш ҳуқуқини қўлга киритганман. Унда жуда кичкина эдим. Энди илк марта катта саҳнага чиқишимга тўхталадиган бўлсак, бу олий ўқув юртида ўқиб юрган давримга тўғри келади. Бир сафар ёзги таътилда олийгоҳимизга Самарқанд мусиқали театри гастролга келди. Уларда раққосалар етишмагани учун бизни икки ойга ўз сафларига қўшдилар. Улардан анчагина саҳна сирларини ўрганиб, биринчи марта Розия Каримованинг "Дилдор-2" рақсини ижро этганман. Бу гўё кеча бўлиб ўтгандек хаёлимга муҳрланиб қолган. Хоҳлаган жойда ижро этишни сўрашса, ўша жойда уддалай оламан.

— Агар Сизга кимдир миллий рақсга қизиқиш камайиб кетмоқда деса, нима деган бўлардингиз?

— Йўқ, деган бўлардим. Сабаби, 1997 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Миллий рақс бирлашмаси ташкил этилди. Республикамизда миллий қадриятларимиз қайта тиклана бошлагандан буён рақс санъати ҳам фақат олдинга қараб кетмоқда. Масалан, ўз санъати билан дунёни лол қолдираётган Ҳиндистонда 5-6 та рақс мактаби бор. Бизда эса ўн учта рақс мактаби фаолият олиб бормоқда. Булар ҳар томонлама бир-биридан кескин фарқ қилади.

— Суҳбатимизни шу ерда якунласак-да, "Маърифат" муштарийларига тилакларингизни билдирсангиз.

— Энг аввало, ёш авлодга билим нурини бераётган ўқитувчиларимизда шу нур сўнмасин. Бу нур ёркин юлдузга, керак бўлса оламга айлансин.

Шерзод АҲМАТОВ суҳбатлашди.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ ШЎЪБА ЙИҒИЛИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА

МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Август кенгашларининг шўъба йиғилишларини интерактив семинар(имитацион ўйинлар, баҳс-мунозара, ақлий ҳужум, фикрлар ҳужуми, кластер, бумеранг технологияси, масалаларни қиёслаб ҳал қилиш, танқидий тафаккур технологиялари) шаклида олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Бу орқали шўъба йиғилиш қатнашчилари назарий ва тарқатма материаллар устида ишлаш имкониятига эга бўладилар ҳамда улар воситасида мунозаралар ташкил этилади.

Ўқиш жараёнида фойдаланиладиган асосий технологияларни туман Методика кабинетлари ишлаб чиқишлари керак. Бунинг учун туманда жойлашган мактаб сонига қараб бир ва бир нечта гуруҳлар ташкил этилади. Гуруҳларга бўлишда асосий эътибор уларнинг йўналишларига қаратилади ва мавзулар белгиланади.

Семинар-тренингни ўтказиш юзасидан мисол келтирамиз.

Мавзу: Нима учун ўқиш (ўқитиш) қизиқ?

Муҳокама қилиш учун саволлар: қачон ўқитувчи учун ўқитиш қизиқарсиз кечади? Қачон ўқувчи учун дарс қизиқарсиз бўлади? Белгиланган муаммоларни қандай кетма-кетлик асосида ҳал этасиз? Аниқ муаммони ҳал этиш йўллари?

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш учун ақлий ҳужум технологиясидан фойдаланиш усуллари:

1-босқич. Ғояларни йиғиш.

2-босқич. Ғояларни тартибга солиш ва тавсифлаш.

3-босқич. Гуруҳларда ишлаш.

4-босқич. Гуруҳлар ҳимояси.

5-босқич. Якуний хулосалаш.

ИМИТАЦИОН ЎЙИН

Мавзу: *ҳал қилинмаган муаммолар*

Иммитацион – мазкур сўз ясама деган маънони билдиради. Ўйинда педагоглар, ота-оналар ва методистлар қатнашадилар. Унда 50-60 киши қатнашиши мумкин. Ва улар бир нечта гуруҳларга бўлинади (3-4 та илмий лаборатория гуруҳлари, матбуот маркази гуруҳи, аналитиклар гуруҳи, социологлар гуруҳи)

1. Илмий лаборатория гуруҳлари. Ҳамма аъзолар илмий ходим деб ҳисобланади, улар тадқиқот ишлари билан шуғулланадилар. Ҳар бир лабораторияга мудир (лидер) белгиланади. Мудирлар ўйин қатнашчилари томонидан белгиланади. Лабораторияларни ўйин бошқарувчиси томонидан берилган муаммо устида иш олиб боради.

2. Матбуот маркази гуруҳи. Бу гуруҳ муҳаррир, 2-3 та рассом, бир нечта махсус мухбирлардан иборат бўлади. Матбуот маркази ҳар бир лабораторияда олиб борилаётган тадқиқотлар юзасидан пресс-релизлар чиқаради. Берилган ғоя ва фикрлар умумлаштирилиб рассомлар томонидан безатилади.

3. Аналитиклар гуруҳи (таҳлил қилувчилар) 2-3 кишидан иборат бўлиб, улар илмий лаборатория вакилларининг чиқишларини, берилган муаммо қай даражада ҳал қилинганлигини таҳлил қилиб берадилар.

4. Социологлар гуруҳи. Ўйин жараёнига назарий ёндашган ҳолда лабораторияларнинг вакилларига саволлар бериб, уларнинг ғояси ва жавобларига ёзма равишда ўз фикрларини билдирадилар.

5. Бошқарувчи саволлар беради, жавоб беришда вақтдан (3-5 минут) тўғри фойдаланишни назорат қилади. Якунида умумлаштиради ва хулоса ясайди.

Иммитацион ўйинларда қуйидаги мавзулар бўйича фикр юритиш мумкин.

1. Бизга қандай методик хизмат керак?

Мазкур шўъбада мактаб директори ўринбосарлари ва туман Методика уюшмалари раҳбарлари иштирок этиб, қуйидаги мазмундаги масалалар муҳокама этилиши мумкин:

Туман(шаҳар)даги методик хизматнинг фаолияти?

Методика кабинетининг асосий вазифалари?

Методика кабинети фаолиятини баҳолаш мезонлари.

Методистлар фаолиятини баҳолаш.

Ўйинлар натижаларига кўра, Методика кабинети иш режасини тузиш мумкин. Шунингдек, мактаб буюртмалари бўйича методистлар фаолиятини ташкил этиш лозим.

2. Ўқитишнинг ноанъанавий усуллари.

Бунда фан ўқитувчилари иштирок этади. "Ўқитиш усуллари ва методлари" номли вақтинчалик илмий тадқиқот жамоаси ташкил этилади. Ўйин ташкил этилаётган аудиторияга 7-8 та стол ва ҳар бир стол атрофига 5-7 тадан стул жойлаштирилади. Ҳар бир столга "Таълимни жамоавий тарзда ташкил этиш усули", "Сўрашнинг демократик усули", "Ролли ва ишчан ўйинлар", "Таянч конспектлар", "Бинар дарслари", "Ўйин дарслари", "Компьютер дарслари" мавзуида кўрсаткичлар қўйилади. Охирги столга эса "?" савол белгиси қўйилади. Ўйин қатнашчилари ўзларини қизиқтирган савол қўйилган столга, ҳеч бир савол қизиқтирмаганлар эса "?" столига бориб ўтирадилар. Улар ўз "Ўқитувчиларининг" оппонентлари бўладилар. Бунда қуйидаги масалалар муҳокама этилиши тавсия этилади:

Ўқитувчи учун қандай вазиятда болаларни ўқитиш қизиқарсиз бўлади?

Ўқувчи қачон ўқишни хоҳламайди?

3. Дарс қандай бўлиши керак?

Педагог ва мактаб ўқувчилари иштирок этади ва қуйидаги саволлар муҳокама этилади:

Бугунги замонавий дарсларнинг сизга ёқмайдиган томонлари?

Дарсда ўқитувчи ва ўқувчилар, яъни биз нималарни ўрганишга қодирмиз?

Ўқитиш ва ўқиш қизиқарли бўлиши учун нима қилиш керак?

Аниқ қандай иш орқали бу муаммони ҳал қилиш мумкин?

Юқори синфларда фанларни табақалаштириб (танлов асосида) ўқитилиши керакми?

Қайси педагог-тадқиқотчиларнинг китобларини ўқигансиз?

4. Мактабда тарбиявий ишлар қандай бўлиши керак?

Шўъбага тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, болалар етакчилари, тарбиячилар ва синф раҳбарлари иштирок этади. Улар учун қуйидаги масалаларни муҳокама этиш тавсия этилади:

Педагогик фаолиятнинг асосий мақсади?

Мақсадга эришиш учун мактаб тарбиявий тизимида нималарни ўзгартириш керак?

Сизнингча, синф раҳбари, маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари, болалар етакчиси, қўшимча таълим муассасаси ходими нималар билан шуғулланиши керак?

Ушбу мавзу бўйича социологларнинг саволлари:

Ҳамма болани ҳам ҳурматлаш мумкинми?

Ижодий ишлаш учун шароит борми?

Тарбиячи қандай китоб ўқиган бўлиши лозим?

5. Тарбия нима?

Мазкур шўъбада тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, болалар етакчилари, тарбиячилар ва синф раҳбарлари иштирок этади. Улар учун қуйидаги масалаларни муҳокама этиш тавсия этилади:

"Тарбиялаш — демак...." жумлани давом эттиринг.

Тарбиянинг қайси жиҳатларига оила, қайси жиҳатларига мактаб ва қайси жиҳатларига ҳам оила, ҳам мактаб эътибор қаратиши лозим?

Мактаб тарбиясининг ғояси нимадан иборат?

Мактаб тарбиявий ишлар дастурини амалга оширишда қандай иш шаклларидан фойдаланиш мумкин?

Социологлар томонидан бериладиган саволлар:

Сиз жамоавий ижодий иш методикаси билан танишмисиз?

Буюк мутафаккирларимизнинг педагогик ғояларидан бугунги кунда фойдаланиш мумкинми?

Мактабда ўз-ўзини бошқаришни йўлга қўйиш керакми?

Мактабда тарбиявий, маънавият ишлари бўйича директор ўринбосарлари керакми?

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

Мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг вазифаси болани бирор нарсага ўргатишгина эмас, балки ўз кучига ишончни орттириш, ўз ғоясини ҳимоя қилиш, мустақил равишда бир қарорга келиш кўникмасини шакллантиришдан ҳам иборатдир. Бунинг учун ўтказиладиган машғулот ва ўйин фаолиятларини ташкил қилишда илғор технология шаклларидан ва интерфаол усулларидан фойдаланиш мақсадга муофиқдир. Шу билан бирга, таълим жараёнида ИМЕН, М.Монтессори, К.О.Р.Ф, Райчин усулларини кенг, унумли қўллаш ижобий натижалар беради. Мактабгача таълим муассасалари олдида турган вазифлардан яна бири – болаларга миллий истиқлол ғоясини сингдириш орқали уларда ватанпарварлик туйғусини ва миллий ғурурни шакллантириш, аждодларимиз меросига ҳурмат, Ватанга садоқат, истиқболга фидойилик, ўзлигини англаш туйғуларини шакллантиришдан иборатдир. Ушбу вазифани амалга ошириш учун "Миллий истиқлол ғояси сабоқлари" дастури ва қўлланмаси тайёрланди.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларга таълим-тарбия бериш интеграллашган тарзда олиб борилмоқда. Шу асосда иш олиб бораётган Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 20-сонли болалар боғчаси, Юнусобод туманидаги 304-сонли, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 8-сонли мактабгача таълим муассасаларининг иш тажрибаларини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш тавсия қилинади.

Республикадаги мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш, оналарга ёрдам кўрсатиш, болаларни ҳар томонлама шахс сифатида шакллантириш мақсадида бир қатор давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари ташкил қилинган. Улар: шанба, якшанбалик мактаблари, қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари, маҳаллалар қошидаги "Она ва бола" марказлари, хонадон боғчалари ва хусусий мактабгача таълим муассасалари. Мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган мутахассисларга ёрдам тариқасида дастур ва қўлланмалар тайёрланди.

Маълумки, мактабгача ёш даври ўзининг педагогик-психологик хусусиятларига эга бўлиб, болалар кўрган, билган нарса ва ҳодисаларни тезроқ идрок этадилар. Шу мақсадда бир қатор таълимий ўйинлар тайёрланди ва улардан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди.

Шўъба йиғилишларига боғча ходимлари, ҳомий ва жамоатчилик ташкилот раҳбарлари, ота-оналар, маҳалла фаоллари, мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси, ота-оналар қўмитаси раҳбарлари таклиф этиладилар.

Шўъба йиғилишида муҳокама қилиш ва мунозара учун мавзулар:

1. Ноанъанавий мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш масалалари.
2. Болаларни мактабгача тайёрлашда саводхонлик марказлари, шанба ва якшанбалик мактаблари ва қисқа муддатли гурухларнинг тутган ўрни.
3. Болани нима учун мактабга тайёрлаш зарур?
4. Оилада болани мактабга тайёрлаш йўллари.
5. Фарзандингизни қандай мактабга тайёрлаш мумкин?
6. Мактабгача таълим муассасаларида болаларга миллий истиқлол ғояси ва Конституция сабоқларини ўргатиш масалалари.
7. Мактабгача таълим муассасаларида Конституция ва миллий истиқлол ғоясини тарғибот ва ташвиқот ишларининг йўлга қўйилиши.
8. Машғулотларни ўтказишда янги педагогик технологияни, уларда интерфаол услублардан кенг қўллаш йўллари.
9. Бугунги кун мутахассиси қандай бўлиши керак?
10. "Учинчи мингйилликнинг боласи" таянч дастурининг амалиётдаги натижалари.

Мактабгача таълим муассасалари мутахассислари учун адабиётлар:

1. М.Рустамова, М.Алиметова, Н.Ҳакимова "Мутахассислар, Сизлар учун" методик қўлланма
2. Ф.Ваҳобова, Ф.Шарипова, В.Йўлдошева "Мактабгача таълим ёшидаги болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлашда методик ёрдам кўрсатиш", методик тавсия.
3. В.Йўлдошева, Д.Корабоева, М.Усмонова "Учинчи мингйилликнинг боласи таянч дастури асосида ҳар бир ёш гуруҳ учун машғулотлар мавзуининг тахминий тақсимоти" методик тавсия.
4. М.Мансурова, З.Шукурова, Г.Соатова "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойилларини мактабгача таълим тизимида тарғиб этиш" методик тавсия.
5. Г.Мусулмонқулова, Н.Исахожаева, М.Файзуллаева "Тарбиячи! Машғулотга тайёрмисиз? (кичик, ўрта, катта ва тайёрлов гуруҳлари учун)" методик тавсия.
6. Г.Мусулмонқулова, Н.Исахожаева, Т.Юдина "Мактабгача таълим муассасаларида ривожлантирувчи муҳитни ташкил этиш" методик тавсия.
7. У.Ғофурова, Н.Раҳимова "Мактабгача таълим муассасаларида Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаш" методик тавсия.

З.Мусина, С.Мирсагатова, Н.Ҳакимова "Мактабгача ёшдаги болаларни хорижий тилларда (инглиз, франц., олмон) сўзлашишга ўргатиш" дастур ва методик тавсиялар.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

Бошланғич таълим умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи бўлганлиги учун унинг бош мақсади кичик ёшдаги ўқувчиларнинг олишига, ўрганишига қаратилган фаолиятни шакллантириш асосида уларни тарбиялаш ҳамда шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришдан иборатдир. Шундай экан, бошланғич таълим қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

Ўқувчиларда ўқиш, ўрганиш истаги ва кўникмаларини шакллантириш;

Ўқувчиларда билишга бўлган иштиёқни шакллантириш;

Ўқувчилар ўзига берилган ўқув материалларини моделлаштира олиш кўникмаларига эга бўлиши;

Ўқувчи онги ва тафаккурида мавжуд бўлган яширин имкониятларни аниқлаш ва ривожлантириш;

Ўқувчиларда мантиқий ҳамда математик тафаккурни ривожлантиришда илғор дарс ўтиш технологияларидан фойдаланиш;

Ўқувчиларда дарслик билан ишлашда уларни мустақил мулоҳотга ундашда кўргазмали воситалардан унумли фойдаланиш;

Таълим жараёнида фанлараро кўникма ва малакалар ҳосил қилиш;

Ўқувчиларнинг психологик ва жисмоний ривожланишига алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Бошланғич синфларда дарс жараёнида миллий истиқлол ғояси ҳамда умуминсоний тарбия элементларини таълимий матнлар орқали сингдириш назарда тутилади. Шуни унутмаслик керакки, "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фани мазмуни "Одобнома" дарслари таркибида ҳар бир синфда 6 соатдан ўқитилади. Ўқитувчи энг аввало ўқувчиларда муқаддас Ватан туйғуси, она халқ, ватандошларга меҳр-муҳаббат, Давлат рамзлари, Конституциямизга ҳурмат ҳиссини тарбияламоғи керак.

Анъанавий август кенгашларида бошланғич таълим йўналишидаги янгиликлар, ДТС ва ўқув дастурининг амалиётга татбиқ этилиши, бошланғич синфларда ўқитиш бўйича илғор, замонавий ҳамда чет эл педагогик технологияларини қўллаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг яратилаётган янги авлоди ва амалдаги дастур, дарсликларга доир муаммолар таҳлили ва муҳокамаларидан келиб чиққан ҳолда вазифаларни белгилаб олишни тавсия қиламиз.

Бошланғич таълим шўъба йиғилишида муҳокама ва мунозара учун мавзулар:

1. Кичик мактаб ўқувчиларига таълим беришда дифференциал ёндашув.
2. Ижодий фикрлашни ўстириш, ўқувчининг шахс сифатида шаклланишининг асосий омилларидан бири.
3. Ўқувчиларни ҳуснихатга ўргатиш бошланғич синфларда асосий босқичлардан биридир.
4. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш.
5. Ўқувчиларни дарслик билан мустақил ишлашга ўргатиш технологияси.
6. Фанларни ўқитишда ўқувчиларга миллий истиқлол ғояларини, инсонпарварлик хисларини сингдириб бориш.
7. Ўқувчиларни ўқишга ўргатиш усуллари.
8. Математика дарсларида ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш технологияси.
9. Мусиқа, тасвирий санъат ва меҳнат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва ўстириш методлари.
10. Бошланғич синфларда табиёт дарсларини ўтишда, ўқувчиларга она Ватанга муҳаббат ва экологик тарбияни сингдиришда дарснинг турли шаклларидан фойдаланиш.
11. Болаларни мактабга тайёрлашда мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг ҳамкорлигида олиб бораётган ишлари.
12. Ўқувчиларнинг жисмонан бақувват бўлишларида жисмоний тарбия дарсларини ташкил қилиш усуллари.
13. Бошланғич синфларда дарсда қўлланиладиган кўргазмали материалларни тайёрлаш ва улардан унумли фойдаланиш йўллари.
14. Бошланғич синф ўқитувчиларининг илғор иш тажрибаларини ўрганиш ҳамда оммалаштиришда туман Методика уюшмаси ва мактаб Методика бирлашмаларининг мақсад ва вазифалари.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги қўлланмаларни фойдаланишни тавсия қиламиз:

"Она тили дарсларида саёҳат". Илғор иш тажрибасидан. Н.Аҳмедова, 2000 й.

"Бошланғич синфларда саломатлик дарсларини ўтказиш". А.Григорянц ва бошқалар, 2000 й.

"ДТС асосида бошланғич синф ўқувчиларининг нутқий кўникма ва малакаларини текшириш ва хулосаларини амалиётга жорий этиш". Қ.Абдуллаева ва бошқалар, 2001 й.

"Бошланғич таълимда математикадан ДТСни амалиётга жорий этиш".(Н.Бикбаева ва б.) 2001 й.

"Бошланғич синф математика дарсларида тест топшириқлари". Тўплам. Ф.Мардонова, 2001 й.

"Она тили дарсларида ДТСни амалиётга жорий этиш". (1-синф учун). Т.Ғаффорова ва бошқалар, 2002 й.

"Она тили дарсларида ДТСни амалиётга жорий этиш". (2-синф учун). К.Қосимова ва бошқалар, 2002 й.

"Диктантлар тўплами". (1-4-синфлар учун). Қ.Абдуллаева ва бошқалар, 2002 й.

"Математикадан ёзма назорат ишлари тўплами". (1-синф учун). Н.Бикбаева ва бошқалар, 2002 й.

"Ўқишдан тест топшириқлари тўплами". (3-синф учун). М.Умарова ва бошқалар, 2000 й.

"Математика дарсларида тарихий материаллардан фойдаланиш". З.Тожиева, 2002 й.

ОНА ТИЛИ

Она тили – миллий маънавият ва мафкура, миллий руҳ, маданият ва қадриятларнинг улкан хазинаси, миллат тафаккурини шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва ифодаловчи энг асосий воситалардан биридир.

Она тилини ўқитишнинг асосий мақсади ўқувчиларда ижодийлик, фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

2002-2003 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9- синф ўқувчилари ДТС асосида яратилган янги мазмундаги "Она тили" дарсликлари билан шуғулланадилар. 9-синф "Она тили" дарслигида дарс машғулотлари "Қўшма гаплар" мавзуини ўрганишга бағишланган. Янги дарсликда қўшма гапларнинг таснифи фақат бир асос қўшма гап таркибида содда гаплари ўзаро боғлашга хизмат қилувчи воситаларга кўра берилган. Содда гапларни қўшма гапга бирлаштирувчи воситалар ўқувчиларга олдинги синф материалларидан таниш бўлганлиги сабабли қўшма гапларни беришда дарсликда изчиллик билан уларни матндан ажратиш усулидан фойдаланиш мумкин. Маънавий-тарбиявий аҳамиятга молик матнлар (асосан, ўзбек тилшунослиги дарғалари ҳаёти ва фаолияти ҳақида) берилиб, ўқувчиларга қўшма гап турларини мустақил равишда ажратиш, уларни гуруҳлаш топширилади.

Муаллифлар гуруҳи томонидан "Она тили" (9-синф) дарслиги учун "Ўқитувчи" методик қўлланмаси ҳам яратилган. Қўлланмада содда ва қўшма гап синтаксисига оид талқинлардаги назарий янгиликлар, мазкур бўлим материалларини индуктив метод билан ўтиш услублари ҳам йўл-йўриқлар берилган.

Она тили ва адабиёт ўқитувчилари юқорида зикр этилган ўқув-методик адабиётлардан ташқари, республикамиз вақтли матбуотларида эълон қилинаётган материаллардан, Республика Таълим маркази тақдим этадиган методик тавсиялардан унумли ва ўринли фойдаланишлари тавсия этилади.

Ҳамкасбларимизга маълумки, ҳар икки йилда бир марта "Ўзбек тили" доимий анжумани йиғини ўтказилади. Мутахассислар ҳамда тил ва адабиёт ўқитувчиларимизнинг анъанавий байрамига айланган бу тадбир "Она тили таълими ва миллий истиқлол ғояси" мавзусига бағишланган VII йиғини Наманган вилоятида 2003 йил апрелда ўтказилади. Август кенгаши шўъба йиғилишларида ана шу масалага алоҳида эътибор берилишлари талаб этилади.

Август кенгашлари она тили шўъбаларини семинар-тренинг тарзида ўтказилиши учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Она тили дарсларида илғор педагогик технологияларни қўллаш.
2. Она тили таълими ва миллий истиқлол ғояси.
3. Таълимнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиш (интерактив, моделли, лабиринт, баҳс-мунозара, анжуман ва ҳоказо)
4. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг билимларини аниқлашда тестлар билан ишлаш.
5. Ўқувчиларнинг умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда она тилининг ўрни.
6. Она тили машғулотларида ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш воситалари.
7. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ўстириш.

Ўқитувчилар учун қуйидаги ўқув-методик адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади:

"Она тили таълими жараёнида ўқувчилар ижодий тафаккурини шакллантириш масалалари". Б.Ўринбоев. Т., РТМ, 2001 й.

"Ижодий тафаккурни ривожлантириш технологияси ва ўқувчининг мустақил фаолияти". Г.Неъматова. Т., 2001 й.

"Она тилини ўқитишнинг янги технологияси ҳақида". Г.Неъматова. Т., РТМ, 1999 й.

"Она тилидан чораклик тест топшириқлари". А.Ибодиева ва бошқалар. 5-синф учун. Т., 2000 й.

"Она тилидан чораклик тест топшириқлари". А.Ибодиева ва бошқалар. 6-синф учун. Т., 2000й.

"Она тили таълимида янги педагогик технология". М.Абдураимова. Т., 2000 й.

"Ўқитувчи" китоби. 5-синф "Она тили" дарслиги учун. Т.Зиёдова ва бошқалар. Т., 2002.

"Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш". Т. Зиёдова. Методик қўлланма. Т., 2000 й.

"Ўзбек мактабларининг 5-9-синфларида таълимий баён". Методик қўлланма. Т., 2001 й.

АДАБИЁТ

Адабиёт ўқитувчилари мактаб Методика бирлашма раҳбарлари учун ташкил этилган семинар-тренинглар адабиёт ўқитишни яхшилашда нималарга эътибор бериш зарур, адабиёт ўқитиш янгиланаётган бугунги кунда ўқитувчининг фаолияти қандай ташкил этилиши лозимлигига эътибор берилиши зарур.

Мактабларнинг 5-8-синфларида "Адабиёт" фани янги дастур ва дарслик асосида ўқитилади. Жорий ўқув йилида 9-синфда янги мазмундаги "Адабиёт" дарслиги асосида машғулотлар олиб борилади.

Ушбу дарсликлар ўқувчини ўқиб ўрганишга ўргатади. Дарсликларда ўқувчиларни бир хил фикрлаш ва ягона хулоса чиқаришга йўналтирувчи усуллардан воз кечилган. Асосий мақсад — мустақил фикрловчи ва хулосалар чиқара олувчи шахсни тарбиялаш, ўқувчида бадиий адабиётга меҳр уйғотиш, асарни тушуниб ўқиш, таҳлил қила олиш кўникмаларини шакллантириш. Шундай экан, адабиёт дарсларида эркин ва мустақил фикрлашга ўргатиш, уларнинг ижодий тафаккурини ўстириш долзарб вазифалардан бири сифатида семинар-тренинглар мазмунида ўз ечимини топмоғи лозим.

Семинар-тренингларда миллий истиқлол ғояси ҳамда Конституцияга дахлдор фикрларни қай даражада, қандай йўллар ва воситалар ёрдамида ўқувчи қалбига сингдириш каби муҳим масалалар ёритилмоғи зарур.

Анъанавий Август кенгашларида ўтказиладиган семинар-тренинглар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Дарсларда илғор педагогик технологиялар.
2. Дарс самарадорлигини ошириш омиллари.
3. Дарсларда ўқувчиларга миллий истиқлол ғоясини сингдириш.
4. Дарсларда ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш.
5. Адабий таълим жараёнида ўқувчи ёзма нутқини ривожлантириш. (Иншо ёзиш малакасини шакллантириш).
6. Адабиёт машғулотларида ўқувчиларга ҳуқуқий билим бериш масалалари.
7. Адабиёт фани хоналарига қуйилган замонавий талаблар.
8. Мактаб Методика бирлашмалари фаолияти.
9. Адабиётдан ДТС талабларини бажаришга эришиш.
10. Замонавий дарс таҳлили.

"Дарс самарадорлигини ошириш" мавзусидаги семинар-тренинг машғулотларида дарснинг бошланишидан то самарадорликка эришишга бўлган босқичлар, яъни ўқитувчи, унинг маънавий-касбий фазилатлари, педагогик-психологик билимларга эга билиши, дарслик, дастур, методик қўлланмалар, техник воситалардан ўринли ва унумли фойдалана олиши, метод, шакл, усулларни тўғри қўллай билиши, ўқитувчи-ўқувчи муносабати каби масалаларда фикр юритиш, тажриба алмашиш мақсадга мувофиқдир.

(Давоми бор)

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

“СИРЛИ ДУНЁ” ОШИҒИ

“Бу дунё — ҳайрат меваси”, дейди бир шоир. Ҳақиқатан ҳам сирли кўринган нарсагина кишида ҳайрат туғдира олади. Ижодкор-педагог Жалолиддин Ҳасаннинг “Сирли дунё” (Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002 й.) шеърлар тўплами ана шу ҳайратнинг меваларидир. Муаллиф педагогика фанлари доктори. Шу боис у мазкур тўпламида буюк аждодлар шон-шуҳратидан, тарихимизнинг ёрқин сиймолари қолдирган буюк меросларидан фахрланган педагог-ижодкор қалбига тинчлик бермаётган туйғуларини мисраларда баён этишга интилади (“Абдурауф Фитрат”, маърифий достон, “Яксара қисмати”, тарихий достон). Шу билан бирга бугунги кунга бўлган шукронасини, замондошлар ташвишларини, ҳаётнинг турфа қирраларини ёритишга, ўзи англаб етгани қадарараннум этишга журъат этади. Шулар натижаси сифатида дунёга келган ушбу тўплам Ж.Ҳасаннинг ўз шеърхонлари ҳукмига ҳавола этган иккинчи туҳфасидир.

Наргиза МУРОДОВА

“ДОРИСИЗ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ”

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда соғлом, баркамол авлод етиштириш мақсадида кўп ишлар қилинаётир. Амалга оширилаётган ислоҳотлардан тиббиёт соҳаси ҳам мустасно эмас, албатта. Аҳолининг назарий билимини ошириш йўлида Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти эзгу ишларни амалга оширмоқда. Айтиш жоизки, турли хил касалликларни дорисиз даволаш кишиларда катта қизиқиш уйғотадиган мавзудир. Булар орасида, айниқса, гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик, тез-тез учраб турадиган бошқа хасталиклар каби иллатларни даволаш усуллари кишини ўзига жалб этади.

Тиббиёт нашриётида чоп этилган, Халқаро ахборот академиясининг мухбир аъзоси Холмурод Дадаевнинг “Дорисиз даволаш усуллари” рисоласи ана шу жиҳатлари билан аҳамиятлидир. Муаллиф ушбу рисолада турли хасталикларни асосан дорисиз даволаш усуллари билан муолажа қилиш хусусида сўз юритади. Шу билан бирга рефлекс орқали таъсир этиш ва бу даво йўллари билан табиий омиллар саналган оёқяланг юриш, совуқ билан таъсир ўтказиш, гомеопатия ҳақида ҳам фикр юритади. Замонавий амалиётда бу усулларидан фойдаланишга чуқур ёндашиш ва уларнинг самарадорлигини асослаб бериш, табиийки, мамлакат аҳолисининг кенг оммасига тиббий ёрдам кўрсатиш савиясини янада оширади. Бир сўз билан айтганда, ушбу рисолани ўқиган киши кўплаб керакли маълумотга эга бўлади.

“КЛИНИКАГАЧА БЎЛГАН ХИРУРГИЯ”

Бугунги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар тизими соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, бирламчи тиббий ёрдам турлари, тиббий муассасалар фаолиятига баҳо бериш мезонларини ўзгартиришни талаб қилади. Айтиш жоизки, тиббий ёрдамнинг бирламчи бўғинига эътиборни кучайтириш, беморга клиникагача бўлган босқичларда бериладиган ёрдамни тубдан яхшилаш, унинг сифатини ошириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб турибди. Статистик маълумотларга кўра, тез жарроҳлик ёрдамига муҳтож бўлган беморларнинг сони тобора ошиб бораётир. Бу эса тез ривожланаётган саноат, қурилиш ва автомобиль хизматининг такомиллашуви масаласини янада долзарб қилиб қўймоқда. Бироқ шу кунга қадар беморларга кўрсатиладиган клиникагача (уйда, кўча-кўйда, қабулхона бўлимида, амбулатория шароитида) бўлган жарроҳлик ёрдамини ёритиб берувчи адабиёт йўқ эди. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида босмадан чиққан профессор Раҳмат Аҳмедовнинг “Клиникагача бўлган хирургия” дарслик китоби бу соҳадаги биринчи қадам сифатида юзага келди. Мазкур дарслик тиббиёт институтлари талабалари ва умумий амалиёт врачларига мўлжаллаб тузилган. Ўйлаймизки, янги ўқув дастури асосида яратилган ушбу китоб юқорида санаб ўтилган масалаларни ҳал қилишда кўмакчи бўла олади.

Равшан АЛИЕВ



ТАЛАБАЛАР ИШЛАРИГА КАТТА ЭЪТИБОР

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Узбекистон Миллий университети жамоаси хайрли ишни ниҳоясига етказди. Улар “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўрсатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни илмий-тадқиқот ишларига кенг кўламда жалб этиш, психологик-педагогик ва ташкилий шароитларни яратиш ҳамда уларнинг фаолиятлари самарадорлигини янада ошириш борасида самарали ишлар қилиб, “Магистратура талабаларининг илмий ишлари” илмий тўпламини нашрдан чиқардилар. Мазкур тўплам Узбекистон Миллий университетининг 85 йиллиги юбилейига бағишланган бўлиб, унда университетнинг иқтидорли талабалари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ёритилган. 60 дан ортиқ иқтидорли ёшларнинг йил давомида олиб борган илмий тадқиқот натижаларини мужассам этган тўплам жуда кенг қамровли бўлиб, ўзида табиий ва ижтимоий-гуманитар йўналишлар бўйича илмий изланишларни жамлаган ҳамда фундаментал тадқиқотлар ва амалиётга қўлланиши мумкин бўлган илмий-техникавий ишланмалардан иборат. Бунга баъзи ўсимликларнинг ривожланиши ва ҳосилдорлигини ошириш йўлларини ўрганиш, ер ости қазилма бойликларини математик моделлаштириш, экологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлган чучук сув заҳираларини муҳофаза қилиш, бозор иқтисодиёти даврида матбуотнинг ўрни ва аҳамияти масалалари тадқиқи, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда йўлга қўйиш муаммоларини ўрганиш, ҳақиқий тарихимизни аниқлашга қаратилган масалалар таҳлили, ижтимоий-сиёсий фанларнинг ҳозирги кундаги долзарб тадқиқотларини келтириш мумкин.

260 саҳифадан иборат, физика, биология, геология, журналистика, иқтисод,-тарих, ўзбек филологияси, хорижий филология, фалсафа ҳамда ижтимоий-сиёсий фанлардан магистратура талабларининг илмий ишларини қамраган мазкур тўплам республикамиз олий ўқув юртларининг магистрлари, аспирантлари, талабалари, шунингдек, турли соҳа мутахассисларида катта қизиқиш уйғотади, деган умиддамиз.

Дилдора АБЗАЛОВА

“ТЕЛЕВИДЕНИЕ АСОСЛАРИ“

Маълумки, мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳри телевидениенинг ватани ҳисобланади. Чунки 1928 йил 26 июнда Б.Гробовский раҳбарлигида Тошкент электрон телевидение системаси синаб кўрилди. Ва бу синов “электрон телевидение” яратилишидаги илк қадам бўлди. Ўша кундан бошлаб телевидение ҳаётимизга чуқур ва дадил кириб борди. Айниқса, рангли телевидение соҳасида улкан ютуқларга эришилди. 1956 йилдан бошлаб, мамлакатимизда ҳам радиоэшиттириш ва телевидение кўрсатувлари кенг тарқалди.

Бугунги кунда радио эшитиб, телевизор кўрамизу, лекин буларнинг яратилишию, назарий асосларига кўпам эътибор қилмаймиз. Яқинда нашрдан чиққан “Телевидение асослари” (Б.Уралов, Р.Уралов, Тошкент, “Ўқитувчи” 2002 йил) ўқув қўлланмаси касб-ҳунар коллежлари талабаларига мўлжаллангандир.

Мазкур ўқув қўлланма Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан 1999 ва 2000 йилда чоп этилган ўқув режа ва дастурлар тўпламига асосан ёзилган бўлиб, оқ-қора ва рангли телевидениенинг физик асослари, телевизион эшиттириш системалари, тасвир ва қабул қилувчи телевизион трубкалар, оқ-қора ва рангли телевизион приёмникларнинг структура тузилишлари ва уларнинг каскад, блок, модуль, кассеталарининг тузилиши ҳамда вазифалари баён этилган. Бундан ташқари телекамералар, видеокамералар ва тасвир магнитофонларининг тузилиши, вазифаси ҳамда қабул қилувчи телевизион антенналарнинг турлари ва вазифалари баён этилган. Қўлланмада оқ-қора ва рангли телевизорлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш усуллари ҳам баён этилган. Ўйлаймизки, у телевидение муҳандисларига ҳам қўл келади.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАНИДАН ЯНГИ ДАРСЛИК

Ҳозирги даврда ахборотлардан фойдаланиш, уни қайта ишлаш, уларни узатиш, ўзгартириш каби амаллар инсон фаолиятининг асосий негизини ташкил этади. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун янги ўқув фани бўлган “Ахборот технологиялари” фанида ахборотлар, уларнинг хоссалари, ахборот тизимлари ва вазифалари, ахборотларни қайта ишлаш, ахборотларнинг амалий аҳамияти ва бошқа хусусиятлари ўрганилади. Яқинда “Ўқитувчи” нашриёти томонидан профессор А.Абдуқодиров, педагогика фанлари номзоди, доцент А.Ҳайитов ва академик лицей ўқитувчиси Р.Шодиевлар ҳамкорлигида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари учун мўлжаллаб ёзилган “Ахборот технологиялари” дарслигининг нашр қилиниши муҳим қадамлардан бири бўлди.

Дарслик 9 бобдан иборат. Биринчи бобда информатиканинг ахборотлашган жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, ахборот технологиялари ҳақида тушунчалар очиб берилган. Иккинчи бобда компьютерга хизмат кўрсатиш, ёрдамчи диск тайёрлаш, компьютер ресурс ва имкониятларидан фойдаланишга эътибор берилган. Учинчи ва тўртинчи бобларда файлларни архивлаш ҳамда компьютер вирусларидан сақланиш дастурлари билан ишлашга эътибор берилган.

Ахборотни компьютерда қайта ишлаш кун сайин ривожланиши ва бу маълумотнинг компьютерда сақланиши, зарур ҳолларда қайта ишланиши компьютердаги маълумотлар омборида сақланиши ва ўқувчиларни бу ҳақдаги билимлар билан қуроллантириш мақсадида 5-боб (“Маълумотлар омбори ва уни бошқариш тизимлари”) муаллифлар томонидан ихчам ва ўқувчиларга тушунарли ҳолда баён этилган.

Дарсликнинг 6-боби “Ахборот тизимларини тузиш ва улардан фойдаланиш” деб номланган бўлиб, ахборот тизимлари, омбордаги маълумотларни тартиблаш, ахборотни автоматик излаш, индексли файллар, сунъий интеллект ва эксперт тизимлар каби муаммоларга бағишланган.

7-бобда “Модель ва моделлаштириш” масалалари ёритилган бўлиб, ўқувчилар эътиборига компьютерда моделлаштириш ва унинг моҳияти аниқ мисоллар ёрдамида (биологик, физик ва иқтисодий моделлаштириш) очиб берилган.

8—9-бобларда компьютер тармоқлари, тармоқларнинг техник воситалари, Интернет ва электрон алоқа, Ўзбекистонда компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган. Иловада эса, дарсликда ишлатилган атамаларнинг изоҳли луғати, машқларнинг жавоблари келтирилган бўлиб, фойдаланувчи учун қатор қулайликлар яратилган.

Муҳиддин АШУРОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг Информатика ва ТТВ кафедраси ўқитувчиси

HAYVONLARU QUSHLARNI GAPIRTIRADI



Polyak yozuvchisi Yan Lesman 1900 yilda G'arbiy Ukrainada tug'ilgan (Ikkinchi jahon urushidan oldin u yerlar Polshaga qarardi) va 66 yil umr ko'rgandi. U o'ziga Bjexva degan taxallusni tanladi — bu Safsatavoz yoki Masxaravoz, Hazilkash, Qiziqchi degan ma'nolarda ishlatiladi. U birinchi she'rlarini 15 yoshida "Znamya" ("Bayroq") jurnalida e'lon qilgandi. Polshani fashistlar bosib olgan paytlarda Yan Bjexva kattalar uchun beshta, bolalar uchun ikkita she'riy to'plamini nashr ettirgandi. Bolalarga atalgan kitoblari "Nina bilan Ipning raqsi" (1938), "Telba o'rdak" (1939) deb atalardi.

Urushdan keyin Bjexva bolalar uchun ijod qiluvchi eng mashhur yozuvchiga aylandi, uning asarlari ko'p tillarga tarjima qilinib, jahonga tanildi. 1959 yilda bolalar shoiri sifatida Davlat mukofotiga sazovor bo'ldi. Uning kichkintoylarga atalgan so'nggi kitobi "Kulsa arziydi" (1965) deb ataladi.

Yan Bjexva asosan masal, ertak, hazil, kulgu she'rlari yozardi. U faqat polyak xalq ijodiyotini emas, butun dunyo og'zaki ijodiyotini ham sinchiklab o'rgangandi. Ingliz xalq bolalar she'rlarini esa polyakchaga tarjima qilgan edi.

Yan Bjexva eng kichik yoshdagi bolalardan tortib, o'smir yoshidagilargacha mo'ljallangan turli-tuman she'riy ertaklar, ertak-dostonlar, she'riy qissalar yaratdi. "Qirol va Masxaraboz", "Qaroqchi Pelemon", "Doremi janoblari va uning yetti qizi", "Linza janoblari qalin o'rmonda", "Linza janoblari ummon tagida", "Linza janoblari Oyda" kabi asarlari shular jumlasidandir.

Yan Bjexva bolalarga nasriy asarlar ham yozdi, shulardan biri — "Dog'janoblarining akademiyasi" o'zbek bolalar adabiyotining mohir tarjimoni Erkin Siddiqov tomonidan o'zbekchaga o'girilgan.

Yan Bjexva o'z she'rlarida hayvonlar, qushlar, hasharotlar va bolalarga yaxshi tanish bo'lgan uy-ro'zg'or buyumlarini turli munosabatga kiritadi. Pand-nasihatdan qochadi. Ko'proq kulgu vositasidan foydalanadi. Mubolag'a, so'z o'yini, qofiya san'atidan mohirona foydalanadi. Vazn, kombinatsiya, turoq she'rlarida muhimdir.

Miraziz A'ZAM

UFQ OROLLARIDA

**Olimlarning aytishicha,
Ufq orollarida
Hamma boshda yurar ekan —
Yosh bola-da, qari-da!**

**O'sha yerda yashar ekan
Uch kallali Kashalot —
Royal chalib
Raqs tusharkan,
Qo'shiq aytib azamat.**

**Samokatda
Tog'dan pastga
Tushar ekan o'nta ot!
Bir alloma Mushuk esa
Boshqararkan vertolyot!**

**Tolda noklar,
Shokoladu
Marmaladlar pisharkan.
Dengiz uzra, yerdagidek
Quyonlar raqs tusharkan.**

**Maktablarda
Kattalarga
Dars berarkan bolalar.
Qisqasi, u orollarda
Bo'larkan har balolar.**

**Goho menga alam qilib
Ichim achiydi jiz-jiz.
U orolga borish yo'lin
Na siz, na men bilamiz.**

TYULEN, QANDAY TYULEN BO'LGAN?



*Buni qarang, qarang buni —
Shuyam ish bo'ldimi-ya? —
Tyulenning po'stinini
Yamlab ketibdi kuya!*

*Qahratonda sho'rlik Tyulen
Yalangoyoq, yalang'och
qolib, chopdi qo'shnilarga
topish uchun bir iloj.*

*Yolvordi u Yenotga:
— Qo'lingni cho'z hojatga —
Bir hafta po'stiningni
Berib turgin, og'ayni!*

*Yenot dedi g'arazsiz:
— Po'stin o'zimga aziz.
Qishda po'stinsiz yurish
Qiyin, og'aynichalish.*

*Tyulen bordi Qunduzga,
Qunduz chopmadi yuzga,
Faqat dediki: — Inim,
O'zi bitta po'stinim...*

*Tyulen bordi Tulkiga,
Tulki olib kulkiga:
— Bor, — dedi, — Tyulen oshnam,
Bo'ridan so'ra yordam!*

*Tyulen derki: — O'laymi?
Bo'riga yem bo'laymi?
Yo'q, Morjga bora qolay,
Po'stin qarz ola qolay.*

*Morj aytdi gapning rostin:
— Kim senga berar po'stin?
Bu yil sovuq keldi qish,
Qara, qanday urar nish.*

*Chindan ham Tyulen sho'rlik,
Vaj aytib turlik-turlik
Bordi sassiq kuzanga,
Keyin qora kuzanga,
Bordi tipratikanga,
So'ng yovvoyi qulonga,
Olmaxonu suvsar ham —
Hech kim bermadi yordam.*

*O'z ulfati
Bo'rsiq ham
Javob berdi g'alati:
— Do'stim,
Vaqtim juda ziq,
Gaplashishga vaqtim yo'q.*

*Kalamushning kattasi —
Sichqonning qaynotasi —
Badavlat va zo'ravon
Opossum degan hayvon
Tars etkazib eshigin
Yopib qo'ydi teshigin.
Tyulen bu ostonada
Turardi bo'lib zada:
— Yo Xudo! Bu hayvonlar
Shuncha do'stu yoronlar
Quloq tutmay unimga
Yarashmaydi kunimga.
Munchalar bular hissiz —
Biri biridan xasis.*

*Tyulenda qolmay iloj
Uyga qaytishdan o'zga
Qiyqim terilar terib
Eltdi bir Mo'ynado'zga.*

*Bichdi Mo'ynado'z,
Qiydi Mo'ynado'z,
U yog'in o'lchab,
Bu yog'in o'lchab
Tikdi mo'ynado'z.*

*Unnaldi,
Biroq
Tikkan po'stini
Chiqdi kichikroq.*

*U po'stin emas,
Po'stincha edi,
Po'stincha emas,
Bir nimcha edi.*

*Tyulen kun bo'yi
Tortib nimchani*



*Uladi hatto
Kunga kechani.
Tugmasi arang
Ilmoqqa yetdi,
Yurganda u ham
Yirilib ketdi!*

*Tyulen o'xshab Xo'rozga
Qichqirdi Mo'ynado'zga:
— Shumi sening do'stliging,
Kalta-ku bu po'stining!
Oldi oldiga kelmas,
Kiysang, hech yurib bo'lmas!
— Siz odammas, Tyulensiz, —
Dedi Mo'ynado'z ayyor, —
Bemalol suzavering! -
Sizga yurish ne darkor?*

PISHLOQ TESHIKCHALARI

**Kimdan chiqdi bu qiliq?
Kim bu ishni boshladi?
Kim pishloqni ilma-teshik,
Kavak qilib tashladi?**

**Xir-xir qilib:
— Men emas! —
dedi
Cho'chqa yaramas.**

**Bo'ynin cho'zib
Daroz-daroz:
— G'a-g'a-lati! —
dedi Foz.**

**Qo'zi derki:
— Ajabo!
Ma, ma, mana
Muammo!
So'ranglar-chi Serkadan —
Juda tez berar yordam.**

**Akillab dedi Kuchuk:
— Bu ishni qilgan Mushuk!
Timdalagan, qashlagan, —
teshik qilib tashlagan.
Achchig'i kelib Mushuk
pishqirdi, tomdan tushib:
— Har yoqni teshib yurish —
Sichqon qiladigan ish!**

**Xudoning amri bilan
Kelib qoldi bir Qarg'a,
Qanoti ola emas,
Qora edi sidirg'a.
— Qarg'a dono bo'ladi,
Pishloq nima — biladi!
Kim teshgan — bilib bersin,
Ishni hal qilib bersin!..**

**Qarg'a esa pishloqning
Cho'qib har bir teshigin,
Kengaytira boshladi, —
G'ayrat bilan ishladi.
Qarabsizki, qolmadi
Pishloqdan nomu nishon.
Hayvonlar hovlisida
Boshlandi shovqin-suron:
— Iye, bu qanaqasi?
Talonchilik! o'g'irlik! —
Qarg'a qo'nib devorga
Der: — Mana, noshukrlik!
Siz pishloqni qo'limga
Berdingizmi — berdingiz.
Teshiklarin ko'rib ber
Dedingizmi — dedingiz.
Nega pishloqni yesam
Solasiz endi suron?
Teshiklari qoldi-ku
Ko'rmasdan zahmat-ziyon?! —
Shunday qilib bitdi bahs,
Lekin dunyoda hech kas
Pishloqdagi teshiklar
Qaydan kelganin bilmas.**

Ruschadan Miraziz A'ZAM tarjimalari

Akademik litseylar hayotidan

КАДРЛАР ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИ — БОШ МЕЗОН

Бугун Ўзбекистондек буюк давлатда баркамол ўсиб келаётган ёшларнинг нодир истеъдодию ноёб қобилиятларини илм-фан чўққиларини забт этишга йўналтириш, бу борада уларни машҳур академик-олимларимиз илмий салоҳиятидан баҳраманд қилиш, ёш йигит-қизларимиздаги бор шижоату куч-ғайратни юртимиз равнақига хизмат қилишга чорлашимиз даркор. Юрт равнақи, авваламбор, нурли келажак сари дадил қадам ташаб келаётган ана шундай ёшларимизга боғлиқ. Шу боис, ёшларни ҳар томонлама маънавий, маърифий баркамол, етук инсон қилиб тарбиялаш айни чоғда барча таълим-тарбия муассасалари зиммасидаги масъулиятли ва шарафли вазифадир. Пойтахтимиздаги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти қошидаги Юнусобод академик лицейи педагогик жамоасининг бу борада амалга ошираётган ишлари ҳар томонлама ибратлидир.

Мухбиримизнинг мазкур лицей директори, педагогика фанлари номзоди, доцент Аҳрор Ҳусанов билан суҳбати ҳам мазкур илм масканида ўқитувчи кадрларнинг илмий салоҳияти, ўқувчиларни илм-фан олами сирларидан воқиф этиш борасидаги қилинаётган ишлар хусусида бўлди.



— Аҳрор ака, маълумки, қайси таълим муассасасида педагог кадрлар илмий салоҳияти юқори бўлса, у ердаги ўқувчилар билими, кўникмалари ҳам юксак бўлади. Сиз раҳбарлик қилаётган академик лицейда бу жараён қандай кечмоқда?

— Дарҳақиқат, педагогик кадрларнинг илмий салоҳияти биз учун доимо бош мезон бўлиб қолмоқда. Лицейимизда ўқитувчиларимизнинг ҳам, ўқувчиларимизнинг ҳам илмий изланишлари яхши йўлга қўйилган бўлиб, бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилган. Масалан, олий тоифали физика фани ўқитувчиси Жаббор Ўсаров ЎзПФИТИ сиртқи аспирантура бўлимини тугатиб, ҳозир "Академик лицейларда физика фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш" мавзуси устида номзодлик диссертациясини ёқлаш арафасида турибди. Яна бир физика ўқитувчиси Қўшарбой Суяров ҳам илмий ишини якунлаяпти. Фан номзоди, доцент Шукрулла Усмонов докторлик иши устида ишлаяпти. Бундан ташқари, ўқитувчиларимиздан А.Каримов, Д.Ҳимматалиевларнинг ҳам яқин кунларда илмий ишлари тайёр бўлади.

Академик лицейимизда педагог кадрларнинг илмий салоҳиятини доимий равишда кўтариб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Бу борада ҳар бир ўқитувчи ўзининг иш тажрибаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашиб, кафедралар тасдиғидан сўнг улар матбуотда нашр этиш йўли билан оммалаштирилмоқда. Бундан ташқари, уларга ўз фани бўйича илмий мақолалар, услубий қўлланмалар тайёрлаш ҳам юклатилаяпти.

Ўқувчиларни илм-фанга бўлган қизиқишларини орттириш, уларнинг илмий изланишларини рағбатлантириш мақсадида академик лицейимиз ТИҚХМИИдан ташқари, Низомий номидаги ТДПУ, ЎзМУ, ТДТУ, Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ, ЎзФАнинг физика-техника, астрономия, иссиқлик физикаси каби қатор илмий-тадқиқот институтлари билан шартномалар асосида яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Айниқса, ТИҚХМИИнинг физика-математика кафедраси билан ҳамкорлигимиз кучли. Академик лицейда йўқ имкониятларни биз институт лабораторияларидан топиб, ўқувчиларимизга ўша ернинг ўзидаёқ дарс ўтаяпмиз. Мазкур институт мутахассис олимлари лицейдаги таълим-тарбия жараёни билан танишиб, ҳар томонлама таҳлил қилишади, институт илмий кенгашида муҳокама қилиб, камчиликлар бўлса, уларни бартараф этишда таклифлари ва кўмакларини аяшмайди.

— Лицейда ўқув қўлланмалари ва дарсликлар ҳам яратилаётган бўлса керак...

— Ҳа, яқинда физика кафедраси ўқитувчилари томонидан физика фани чуқурлаштирилиб ўқитиладиган академик лицейлар биринчи босқич ўқувчилари учун ўқув қўлланмасини ишлаб чиқдик. Бу қўлланма ҳозир нашриётда чоп этилаяпти ва ўйлайманки, янги ўқув йилида жойларга етказилади. Физикадан иккинчи ва учинчи босқич ўқувчилари учун қўлланмамизнинг қўлёзмаси ҳам тайёр. Биринчи қўлланманинг асосий буюртмачиси ЎМКҲТ Маркази бўлганлиги боис, бу марказ муаллифларга жуда катта имкониятлар яратиб берди. Албатта, бу қўлланма бирнеча йиллар давомида тўпланган иш тажрибалар асосида тайёрланди ва шуни алоҳида таъкидлаш лозим, у айнан амалиётчи педагоглар томонидан ёзилди.

— Илм-фан бобида лицей ўқувчилари эришган ютуқлар ҳақида ҳам бир оғиз сўз...

— Бу йил "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи босқич вазифалари: табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси" мавзусида ўтган республика илмий конференциясида 6 нафар ўқувчимиз қатнашиб, бир ўқувчимиз иккинчи ўринга сазовор бўлиб, қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Яна бир ўқувчимиз ЎзФА махсус стипендианти бўлди. Энг асосийси, бу конференцияда ўқувчиларимиз машҳур академиклар назарига тушди, улар билан бевосита мулоқотда бўлишди. Менимча, бу ҳар қандай рағбатдандан-да кучлидир. Ушбу конференцияда "Электрон эшик" қурилмасини намойиш этиб, кўпчиликнинг диққатини тортган Мурод Эргашев айни кунда мазкур ихтироси учун муаллифлик патентини олиш арафасида.

— Жамоангизда ёш педагог кадрларга эътибор қандай?

— Педагогик жамоамиз асосан ёшлардан иборат. Лицейга ишга қабул қилинган ҳар бир ёш педагогга кўп йиллик меҳнат стажига эга, тажрибали ўқитувчилар кафедра томонидан бириктирилиб қўйилади. Масалан, ТДПУ битирувчилари Б.Собиров ва А.Алиева лицейга ишга келган дастлабки пайтда, уларга математика кафедраси мудири Н.Тоғаев устозлик сирларини ўргатди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, лицейимизда ёш кадрларнинг ҳам педагогик фаолияти, ҳам илмий изланишлар билан шуғулланишлари учун қулайлиликлар яратилган.

Умуман, жамоамизда ҳамма бир жону бир тан, аҳил ва иноқ. Қувонарли томони, ўқитувчиларимиз доимо бир-бирининг ташвишлари билан юришади, жамоада ўзаро ҳурмат, эътибор юксак қадрланади. Жамоада аҳиллик бўлмас экан, у ерда ишлаш қийин. Бу борада Л.Обиджонова, М.Султонова, М.Ҳидоятова, Н.Тоғаев, Ш.Бадалова, Р.Наимов каби тажрибали педагоглар ёшларга ўрнак бўлмоқдалар.

— Лицей битирувчиларини олий таълим муассасаларига тайёрлаш борасида қилинган ишларга ҳам тўхталсангиз.

— Битирувчи босқич ўқувчиларининг келгусида олий таълим муассасалари, хусусан факультетлар ва мутахассисликларни тўғри танлашларига кўмаклашиш мақсадида лицейда бутун ўқув йили давомида институт профессор-олимлари, академиклар иштирокида қизиқарли учрашувлар ташкил этилиб келинмоқда. Бундай учрашувлар ўзининг самарасини бераётир, албатта. Шунингдек, лицей битирувчиларининг институтга экскурсиялари ҳам ҳар тарафлама фойдали бўлиб, бундай саёҳатлар давомида йигит-қизларимиз институт кафедралари, илмий лабораторияларида бўлишиб, у ердаги жараённи ўз кўзлари билан тўлиқ кўриш имконига эга бўлмоқда. Шунинг натижаси бўлса керак, бу йилги 115 нафар битирувчимиздан 98 фоиздан зиёди ҳужжатларини ТИҚХМИИга топширишди. Шунингдек, битирувчиларимиздан бир қисми ЎзМУ, ТошДАУ, ТДТУ каби олийгоҳларда ўқишга ҳам даъвогар бўлмоқда. Айни пайтда уларнинг барчаси олдиларидаги тест синовларига қизғин тайёргарлик кўришаётир.

Ўқувчиларимизнинг олий таълим муассасаларига муваффақиятли равишда кириб кетишига ишончим комил. Бизда уларнинг синовларга астойдил тайёргарлик кўришлари учун барча шароитлар яратилган. Уларни келгусида қизиқишларига қараб муайян бир касбга йўналтириш масалаларини кўзлаган учрашувлар, очиқ мулоқотлардан ташқари, лицейимизда аниқ ва табиий фанлардан қўшимча машғулотлар ташкил қилдик. ДТМ мутахассислари уч марта илм масканимизда битирувчилар учун тест синовларини ўтказди. Болаларимиз дарсдан кейин қолишиб, Давлат тест марказининг "Ахборотнома"ларида чоп этилган масалалар устида ишладилар, қўшимча адабиётлар мутолаа қилишди. Бу машғулотларда мураккаб ечимли масалаларга кўпроқ урғу берилди. Шу ўринда фан ўқитувчиларининг алоҳида жонбозликлари, фидоийликларини таъкидлаш жоиз.

— Аҳрор ака, ҳозир мамлакат олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига қабул палласи айни қизиган пайт. Сизнинг академик лицейингизга талабгорлар қандай талабларга жавоб бериши керак?

— Ўзбекистон Республикасининг барча академик лицейлари ўқувчиларига қўйиладиган талаблар бизда ҳам бор. Лицейга қабул қилингач, ўқувчилар, авваламбор, тартиб-интизомга қатъий риоя қилишлари лозим. Қаерда тартиб-интизом бўлса, шу ерда яхши натижа бўлади. Ўқувчи лицей талабларига бўйсунмаса, бесабаб дарс қолдирса, ўзлаштириши ночор бўлса, бизда ундайларга нисбатан қатиян чоралар кўрилади. Шунинг учун ҳам биз янги ўқув йили бошланиши биланоқ маънавий-маърифий ишларга кўпроқ эътибор қаратамиз.

— Истиқбол режаларингиз қандай?

— Академик лицейда янги ўқув йилида физика, кимё ва биология фанларидан махсус илмий лаборатория ташкил қилиш ниятимиз бор. Зеро, бунинг учун бизда ҳамма шарт-шароитлар муҳаё, кадрлар салоҳияти ҳам етарлидир.

Айни пайтда таълим муассасасида мавжуд энг илғор технологиялар, ўқув-услубий воситалар ва замонавий жиҳозлари бор лабораториялар билан ҳеч кимни ҳайрон қолдира олмайсиз. Эндиликда ушбу воситалар билан бемалол мулоқотда бўла оладиган кадрлар керак. Бу борада эса бизнинг лицейимизда муаммо йўқ. Ўқитувчиларимиз бу йил ЎМКҲТ тизимида жорий этилган доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларида фаол қатнашиб келмоқда. Лицейимизда физикадан лаборатория машғулотлари бўйича ана шундай курслар ташкил этилди.

Нурлан УСМОНОВ суҳбатлашди.

Суратларда: лицейнинг бугунги куни

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти қошидаги

ЮНУСОБОД АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

2002—2003 ўқув йили учун 9-синфни тугатган иқтидорли ўқувчиларни

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқишга кириш истагини билдирган ўқувчилардан ҳужжатлар жорий йилнинг 20 июнидан 25 июлига қадар қабул қилинади. Академик лицейда қуйидаги йўналишлар бўйича чуқурлаштирилган дастур асосида таълим берилади:

- **Аниқ фанлар йўналиши: — физика, математика — инглиз тили, иқтисод**
- **Табиий фанлар йўналиши — кимё, биология**
- **Ижтимоий-гуманитар фанлар — тарих, инглиз тили**

Академик лицейга кирувчи ўқувчилар томонидан қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилади:

- **Директор номига ариза**
- **Туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма (нусхаси)**
- **086F У шаклдаги тиббий маълумотнома**
- **3х4 ва 4х6 ҳажмдаги 6 дона фотосурат**
- **Доимий турар жойидан маълумотнома**
- **9-синфни тугатганлиги ҳақидаги шаҳодатноманинг асл нусхаси**
- **Касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик Ташхис марказининг тавсияномаси.**
- **9-синфни жорий йилда тугатмаганлар учун 10—11-синфда ўқимаганлиги ҳақида ўзлари ўқиган мактабдан ва маҳалла қўмитасидан маълумотнома.**

Академик лицейда ўқиш муддати 3 йил.

Вилоятлардан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-проезд Носирова кўчаси, 4-уй. Мўлжал: 9, 24, 51, 60, 67, 72, 91, 93-автобусларнинг "Қозоғистон" кинотеатри бекати ва 19, 89, 95-автобусларнинг "Гидрометцентр" бекатлари. Телефон: 114-66-25

ВАШИНГТОН УЧРАШУВИ

Саудия Арабистони, Иордания ва Миср давлатлари ташқи ишлар вазирлари Вашингтонда АҚШ Президенти Жорж Буш ҳамда давлат котиби Колин Пауэлл билан Яқин Шарқ масаласини муҳокама этдилар.

Саудия ташқи ишлар вазири Сауд аль-Файсал музокаралар тугагач, можарони тинч йўл билан ҳал этилишига ишонишини айтди. Шунингдек, яқин вақт ичида Қўшма Штатлари Марказий разведка бошқармаси ҳамда Миср давлати ҳамкорлигида Фаластин хавфсизлик хизматида ислоҳотлар ўтказиш бўйича янги режа ишлаб чиқилади. Лекин, мазкур Вашингтон учрашувида Фаластин ҳақида гап борган бўлса-да, унинг раҳбари Ёсир Арофат ҳақида тўхталинмаган.

"МИ-6" ҚОЛДИҚЛАРИ ТОПИЛДИ

Кеча Россиянинг Таймир автоном округида мотам эълон қилинди. Боиси 10 июль куни Диксон аэропортидан кўтарилган "Таймир" ҳаво йўллари компаниясига қарашли "Ми-6" вертолёти ўз манзилига етиб бормасдан ҳалокатга учраган. Маълум бўлишича, унинг бортида 9 нафар экипаж аъзоси, 12 нафар геологлар ҳамда 3 тонна юк бўлган. 8 кунлик қидирув ишлари олиб борилгач, аҳоли яшамайдиган ҳудуддан унинг қолдиқлари топилган. Гарчи вертолётда носозлик юз берган бўлиши тахмин этилаётган бўлса-да, унинг "қора қути"си ўрганилгач фожеа сабабларига ойдинлик киритилади.

ҲАРБИЙЛАР ФАЛАСТИНЛИКЛАРГА ҚУРОЛ СОТИШМОҚДА

Исроилда мамлакат ҳарбийларининг айримлари фаластинликларга қурол-аслаҳа сотганликлари бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда. Бу жиноят билан куни кеча 4 нафар зобит ҳибсга олинган бўлиб, ҳозирда яна бир зобит гумон сифатида ушлаб турилибди. Исроил полициясининг маълум қилишича, улар Адора ва Телем аҳоли пунктларида истиқомат қиладилар. Шунингдек, адоралик яна бир фуқаро Исроил ҳудудига ноқонуний суқилиб кирган фаластинликларга ўз машинасида ёрдам берганликда айбланмоқда.

ТЕРРОРЧИ ГУРУҲ УШЛАНДИ

Испания ва Франция давлатлари полициячиларининг ҳамкорликда олиб борган саъй-ҳаракатлари туфайли Испаниядаги ГРАПО террорчи ташкилотининг раҳбарлари ҳибсга олинди. Испания ички ишлар вазири Анхель Асебеснинг айтишича, террорчиларнинг 6 нафари Испанияда, 8 нафари эса Францияда қўлга туширилган. ГРАПО раҳбари Мартин Понсе Мадрид шаҳрида ҳибсга олиниб, у 87 кишининг ўлимига сабабчи бўлишда айбланмоқда, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси.

ПОЕЗД ЙЎЛИДА БОЛАЛАР "БАРРИКАДА"СИ

Буюк Британияда "Ливерпуль-Манчестер" йўналиши бўйича ҳаракат қилувчи поездларнинг йўлларига ҳақиқий "баррикада" қурган 3 нафар бола суратлари чоп этилди. 6, 7, ва 9 ёшли бўлган бу болалар ҳибсга олинган бўлиб, уларнинг ахмоқона қилмишлари учун ота-оналари давлатга жарима тўлайдилар.

1990 йиллар бошида Россияда ҳам худди шундай ҳолатлар кузатилган бўлиб, уларни оч-наҳор болалар амалга оширган бўлсалар, британиялик болалар эса бу ўринда тўқликка шўхлик қилишган.

"ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида тайёрланди.

Nobel mukofoti sovrindorlari

АНТИТАНАЧАЛАР КИМЁСИГА ДАДИЛ ҚАДАМ

Америка биокимёгари Жералд Морис Эделман НьюЙоркда, врач Эдвард Эделман ва Анна Эделман (Фридман) оиласида дунёга келди. Нью-Йоркдаги давлат мактабини тамомлагач, Пенсилваниядаги Урсинус коллежига ўқишга кирди ва ва 1950 йили кимё бўйича бакалавр даражасини олди. Сўнгра Эделман Пенсилвания университетининг тиббиёт мактабига ўқишга кирди ва 1954 йили тиббиёт дипломини олди. Кейинги бир йил марказий Массачусетс госпиталида врач бўлиб ишлади. 1955 йилдан Қўшма Штатлар қуролли кучлари сафига хизматга кириб, Париждаги гарнизон госпиталида умумий амалиёт врачи бўлиб ишлади.

1957 йили Эделман хизматдан бўшаб, Рокфеллер университетида антитаначалар структурасини ўрганган Генри Кункел раҳбарлигида диссертация устида иш бошлади. 1890 йили Эмил фон Беринг томонидан кашф эжтилган антитаначалар-иммуноглобулинлар гуруҳи (Ig)га мансуб қон зардоби оқсилидир. Ig молекулалари бактериялар, вируслар ва токсинлар билан ўзаро ва уларни сусайтириши мумкин; шу сабабли улар организмнинг гуморал иммунитетида жуда муҳим ўрин тутади. Антитаначалар биокимёвий хусусиятларининг ғаройиб уйғунлиги билан ажралиб туради. Карл Ландштейнер организмда миллионлаб турлича антитаначалар ишлаб чиқарилиши мумкинлигини аниқлади, уларнинг ҳар бири қатъий аниқ бир модда ёки антитанача билан ўзаро таъсирлашади. Бироқ антитаначаларнинг кимёвий структураси шу қадар ўхшашки, қондан алоҳида антитаначаларни ажратиб олиш деярли мумкин эмас. Кункел ва унинг ходимлари Ig молекулаларининг структуралари бир вақтнинг ўзида шунчалар ўхшаш ва функциялари турлича эканлигини аниқлашни истардилар. Антитаначалар структураларини текшириш уларни тозалаш усуллари мавжуд бўлмагани ва уларнинг молекулалари бошқа оқсилларникидан катта бўлгани боис қийин эди. 50-йилларнинг охирларида мавжуд бўлган кимёвий усуллар бунчалик катта молекулаларни ўрганиш имконини бермасди. Эделман Ig молекулаларини майда бўлакларга парчалаб ташлаб ва бунда бу бўлакчалар антигенлар билан ўзаро таъсирлашув қобилиятини сақлаб қола оладиган ишни назарда тутиб антитаначалар структурасини ва функцияларини ўрганса бўлади, деб ҳисоблаpди. Докторлик диссертациясида Ig молекулаларини парчалашнинг турли усулларини кўриб чиқди. 1960 йили Эделман докторлик даражасини олди ва Рокфеллер университетида илмий ходим хамда ўқитувчи бўлиб ишлаш учун қолди. Эделмандан олдинги тадқиқотчилар жумладан биринчи бўлиб антитаначаларни элементар бўлакларга парчалаган Родни Р. Портер чекига қон Ig молекулаларининг кўпгина қисми тўғри келадиган gG молекулалари 1300 аминокислотадан тузилган суббирлик занжирдан ташкил топган деган хулосага келдилар. Эделман буни эҳтимолдан узоқ деб ҳисобларди, зеро, ҳатто ўз ичига 51 аминокислотани оладиган инсулин ҳам қўш занжирдан иборат эди.

Аминокислота занжирларини ўзаро боғлайдиган кимёвий боғлар занжирларнинг ўзида аминокислоталарни боғлайдиган боғлардан анча заифлиги сабабли бу боғларни нисбатан осон бузиш мумкин. 1961 йили Эделман ва унинг ҳамкасби М. Пулик IgG молекулаларини икки қисмга бўлганлари ҳақида эълон қилдилар. Хозирда уларни енгил ва оғир занжирлар деб атайдилар. Эделман тажрибаларини бошқа шароитда қайтариб Портер IgG функционал суббирликларини тадқиқ қилиш бўйича шахсий маълумотларни натижалар билан бирлаштирди ва 1962 йили IgG молекуласи асосий структурасининг расшифровкаси ҳақида эълон қилди. Гарчи Портер модели анчагина умумий характерга эга бўлса-да у махсус биокимёвий тадқиқотлар учун ўзига хос эталон сифатида жуда муҳим роль ўйнайди.

60-йилларда антитаначаларни ўрганиш бўйича жадал ишлар бошланган вақтда, Портер ва Эделман норасмий "антитаначалар бўйича ишчи кенгашлар" йўли билан тадқиқотчилар ўртасида ахборот алмашишни ташкил этдилар. Уларнинг ўзлари Ig ишлаб чиқарувчи плазматик хужайраларнинг ўсиб кетиши билан характерланувчи қон ўтказувчи органларнинг касалланиши-миллома оқсилларини ўрганардилар. Антитанчаларни ўрганишдаги асосий қийинчиликлардан бири шундан иборат эдики, Ig нинг табиий препаратларида бир-биридан арзимаган холда фарқланувчи кўплаб молекулаларнинг аралашмаси бўлади. 1950 йили Кункел бемордаги барча миллома хужайралари одатда фақат битта ажтдод хужайрадан тарқалиши сабабли бу хужайралар гомоген антитаначаларнинг таббий ишлаб чиқарувчилари бўлиб хизмат қилишини аниқлади. (Худди ана шу гомоген антитанача ишлаб чиқариш қобилияти одатда рак безларида учрайдиган антитаначаларга қўшимча равишда 1975 йил Герг Келлер ва Сезар Милштейн томонидан ишлаб чиқилган моноклонал антитаначалар ишлаб чиқариш технологиясининг негизини ташкил этди) .

60-йилларнинг бошларида Эделман, Портер ва уларнинг ҳамкасблари турли миллома парапротеинлар занжирларидаги аминокислоталар кетма-кетлигини ўргандилар. 1965 йили Эделман ва унинг ходимлари унинг сўзлари билан айтганда "ақл бовар қилмас ишни — бу молекулани бутунлигича ўрганишни бошладилар, бу жуда катта иш эди" қандай қилиб антитаначаларнинг алоҳида қисмлари бир-бири билан боғланганлигини тушунишга ҳаракат қиларканлар, улар миллома Ig молекуласининг аминокислота-кетма-кетлигини аниқладилар. 1969 йили бу иш якунланди. Олимлар оқсил ҳосил қилувчи барча 1300 аминокислота кетма-кетлигини тушунтириб бердилар. Ўша даврда бу энг катта расшифровка қилинган аминокислота кетма-кетлиги эди.

Портернинг Ig модели шунинг учун хам қадрлики, антитаначаларнинг фаол қисми (яни антиген билан боғланадиган қисми) ҳам оғир ҳам енгил занжирлардан ташкил топган. Бу кашфиёт антитаначалар турли-туманлигининг асосий сабабларини айниқса турли антитаначалар қандай ҳосил бўлиши ҳақидаги масалани тубдан кўриб чиқишга олиб келди. Бу масалага бўлган қизиқиш 50-йилларда генлар ва оқсиллар ўртасидаги алоқа ўрганилиб боргани сари тинмай ўсиб борди. Инсон организмида ҳеч бўлмаганда 10 млн фаол майдонга эга бўлган 10 млн IgG турли оқсиллар ишлаб чиқарилади. Агарда антитаначалар ҳам бошқа оқсиллар сингари Жорж У. Бидл ва Эдуард Л. Тейтемнинг "биттаген, битта оқсил" назариясига мувофиқ ишлаб чиқарилганда эди организмда 10 млн. IgG генлари бўлиши керак эди ҳамда бошқа мақсадлар учун ДНК умуман етмай қолган бўлур эди. Бу масалани еча туриб Макфарлейн Бернет 50 йилларнинг охирида антитаначалар Ig ҳужайраларда мутацияга учраган генлардан хосил бўлса керак, деб фараз қилди. Аммо агар Портер моделига мувофиқ Ig нинг фаол қисмлари икки турли аминокислота занжиридан ҳосил бўлса, у ҳолда барча антитаначаларни кодлаш учун 10 млн геннинг бўлишига энди заруpат бўлмайди. Антитаначаларнинг бу миқдори тегишли генлар томонидан кодланадиган 3 минг оғир ва 3 минг енгил занжирларнинг бўлиши мумкин бўлган комбинацияларидан шаклланиши мумкин. 60-70 йилларда ҳар оғир ва енгил занжир учун алоҳида генлар мавжуд деган концепцияни қўллаб-қувватловчи олимлар, ҳамда оғир ва енгил занжирлар учун турли оқсилларни мутация қиладиган ва ҳосил қилувчи атиги бир нечта генлар мавжуд деб ҳисобловчи тадқиқотчилар ўртасида қизғин мунозара авж олган эди. Эделман бу назарияларнинг биpортасини ҳам оқламади ва 1967 йили у ўз ходими Жозеф Гелли билан янги ечимни таклиф қилди. Бу вақтга келиб ҳар бир занжир, у оғирми ёки енгилми, антитанача ҳужайраларининг ривожланиш жараёнида аралашуви ва рекомбинацияланувчи икки геннинг таъсири остида ҳосил бўлиши маълум эди. Эделман ва Гелли антитаначаларнинг турли - туманлиги рекомбинация давомида юзага келадиган кичик хатоликлар билан асосланади, деб фараз қилдилар. Бироқ, гарчи бу концепция моҳиятан тўғри бўлса-да, у ўз замонасидан жуда илгарилаб кетган эди. 70- йилларнинг охирига келиб ген мухандислиги усуллари антитаначаларни кодловчи генларни бевосита ўрганишга имкон туғдирганидан сўнггина бу концепцияни тан олишди.

1972 йили Эделман ва Портерга "антитаначаларнинг кимёвий структурасига доир кашфиётлари учун " физиология ва тиббиёт соҳасидаги Нобел мукофоти тақдим этилди. Ўзининг Нобел маърузасида Эделман иммунологиянинг олим учун алохида махсулдор соҳа эканлигини кўрсатиб ўтди. Зеро, "у ғайриоддий ғояларни генерациялашга мажбур этади, уларнинг кўпчилиги фаннинг бошқа соҳаларида осонликча юзага кела олмайди" У шу сабабли иммунология бошқа биологик ва тиббиёт фанларига кучли таъсир кўрсатади" деб башорат қилди.

Нобель мукофотига сазовор бўлганидан сўнг Эделман антиначалар каби иммун системанинг хужайраларини фаоллаштира олувчи бошқа моддаларни ўрганишга киришди. Бундан ташқари у 1978 йили бош мия фаолиятининг умуман янги назариясини олға сурди. Бу ишда унга иммунология сохасидаги ишлар туртки бўлди. Гап шундаки организмнинг иммун жавоб қайтаришида унга кириб олган вирус ёки бактерия иммун тизимини қандай қилиб тегишли антитаначага синтез қилишга "ўргатмайди", балки хозирда мавжуд бўлган маҳсулдор антитанча вариантлари ичида селекция қилишни талаб этади ; сўнгра организмда бундай антитаначаларнинг клонлари шаклланади. Эделман сенсор қўзғатувчи миянинг олдиндан аниқланган ҳужайралари реакциясиин индуцирламайди, балки "рақобатдош" ҳужайра гуруҳлари ва ўзаро боғланишлар ўртасида саралашга олиб келади, деб фараз қилди. Бундай саралашнинг бўлиши мумкинлигининг муҳим талаби бўлиб турли-туманлик хизмат қилади. Эделман уни атроф-муҳитнинг ўзгараётган шароитларига фақатгина бир хил реакция кўрсатиш қобилиятига эга бўлган нисбатан қаттиқ биологик структураларга қарши қўйди. У миядаги турли-туманликнинг манбаи деб эмбрион тараққиёти жараёни деб ҳисобларди.

Унинг нуқтаи назарига мувофиқ, генлар эмбрион тўқималарнинг шаклланишини аниқлаб беради. Алоҳида ҳужайралар аввалдан аниқ бир органларнинг шаклланиши учун мўлжалланган. Бунинг ўрнига аниқ бир генлар ҳужайралараро цементловчи модданинг хар хил турларининг ҳосил бўлиши учун жавоб беради (бундай моддаларнинг бир неча турларини Эделман ва ҳамкасблари 70 йилларнинг охирларида топгандилар), ва бу моддалари бир хил бўлган ҳужайралар гуруҳлар ҳосил қиладилар. Бу гуруҳлар "цемент ёқиб ёки ўчирувчи сигналлар юборади ва шу билан маълум даражада ўзларининг келажак ривожини тартибга солади. Турли ҳужайра гуруҳлари ("цемент"-нинг турли навларига эга бўлган) ўзаро чегара ҳосил қилади ва Эделман ҳамда ҳамкасблар кўрсатиб берганларидек бу чегаранинг турли томонларида жойлашган гуруҳларда турли ҳужайралар ривожланади. Бу жараён Эделманнинг лабораториясида жўжанинг алоҳида патлари шакланишини ўрганиш бўйича олиб борган тажрибаларда намойиш этиб берилди. Ҳужайранинг ривожланиши ўнинг жойлашишига боғлиқлиги сабабли, икки эмбрионнинг ривожланиш тарихи, атрофидагилар ва эҳтимол, бошқа омиллар, гап генларнинг айнан ўхшаш тўпламига эга эгизаклар тўғрисида борганда ҳам бир хил бўлиши мумкин эмас.

1963 йилдан Эделман Рокфеллер университетида аспирантура бўйича декан муовини лавозимини эгаллади. 1966 йилдан эса ушбу даргоҳнинг профессори бўлди. 1974 йилдан бошлаб Рокфеллер университетининг фахрий профессори лавозимида хизмат кўрсатмоқда. У Вейцман институти раҳбарлар кенгашининг аъзоси ва Солк биологик талдқиқотлар институти 1950 йили Эделман ўз ҳаётини Максина Маррисон билан боғлади; уларнинг бир қизи ва икки ўғиллари бор.

Эделман Нобел мукофотидан ташқари Пенсилвания университетининг Спесер Моррис мукофоти (1954) Америка кимё жамияти Эли Лили мукофоти (1965), Йешива университетининг Алберт Эйнштейн хотира мукофоти (1974) ва Калифорния технология институтининг Бухман мукофоти (1975) га сазовор бўлган. У Нью-Йорк фанлар академияси, Америка фан ва санат академияси, АҚШ миллий фанлар академияси, Америка ҳужайралар биологияси жамияти ва Америка генетиклар жамияти аъзоси. У Пенсилвания университети, Сиена университети, Урсинус коллежи, Уилямс коллежи ва Густав Адольф коллежининг фахрий унвонларига эга.

А.ТЎРАЕВ,
Ўзбекистон "Физика" жамияти ҳайъати аъзоси

Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишинг!

Душанба, 22

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Таҳлилнома".
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Кулол Раим бобо".
9.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.40 "Тўртинчи ҳокимият".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Довюрак Хочбар ҳақида ривоят". Бадиий фильм.
11.35 "Юнус Ражабий". Телефильм.
Ёзги таътил кунларида. "Болалар сайёраси":
12.05 1. "Санъат ғунчалари". 2. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
13.05 "Бу ажиб фасл". Телеальманах.
13.25 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Обод уйда пок одамлар яшайди".
14.35 "Кино оламида".
14.55 "Яккама-якка жанг". Спорт дастури.
15.25 ЎзТВ хазинасидан. **Уйғун. "Парвона" спектакли. 1-қисм.**
16.15 "Қалқон".
16.40 "Парвона" спектакли. 2-қисм.
18.10 "Болаликнинг мовий осмони".
18.30 "Умр мазмуни". М. Норматов.
18.55 "Олтин мерос".
19.10 "Кредит: муаммо ва ечимлар".
19.30 "Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот".
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.35 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. **"Париси бор уй".**
21.55 "Спорт, спорт, спорт".
22.10 "Толе". Бадиий фильм.
00.00 «Ахборот - дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 «Давр» Тонгги.
10.00 «Янги авлод» студияси: "Катта танаффус".
10.25 "Қундуз амакининг ҳикоялари". Мультсериал.
10.40 Қўли гул уста.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.35 Болалар экрани. "Диққат, шаҳарда сеҳргар".
12.30 «Давр»-news.
12.50 Мольер. "Учар табиб". Ўзбекистон Республикаси ёш томошабинлар театрининг спектакли 1-қисм.
13.55 Кўҳна оҳанглар.
14.05 "Учар табиб". Ўзбекистон Республикаси ёш томошабинлар театрининг спектакли. 2-қисм.
14.50 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
15.40 "Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узоқ воқеа". Бадиий фильм.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 "Янги авлод" почтаси.
17.35 "Қундуз амакининг ҳикоялари". Мультсериал.
17.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Озод элим - ойдин йўлим" кўрик-танлови: Бухоро вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.
18.25 Спорт ҳафтаномаси.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Муқаддас бурч.
20.10 Илдиз ва япроқ.
20.30 Муҳаббат қўшиқлари.
20.55 "Эсмеральда".
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси".
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.50 "Давр". Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Официна баридан чиққан фирибгарлар". 36-қисм.
17.55, 19.10, 22.00 "Экспресс" телегазетаси.
18.15 "Болажонлар экрани".
18.30, 20.00, 21.15, 22.20 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Халқ саломатлиги йўлида".
19.30 "Имом ал-Бухорий". Телефильм.
19.50 "Мусиқий танаффус".
20.30 ТТВда сериал: "Афсунгар".
21.35 "ТВ плюс".
22.45 Кинонигоҳ. "Етмиш икки соат".

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 "Вести".
16.20 "Жаҳон бўйлаб".
17.00 "Евроньюс" янгиликлари.
РЖТ
17.15 "Ким миллионер бўлишни истайди?" Телеўйин.
18.15 "Аралаш".
18.30 "Катта ада". Кинокомедия.
20.00 "Время".
20.35 "Скарлетт". Сериал.
21.40 "Ҳазил кетидан ҳазил". Ҳажвий кўрсатув.
ЎзТВ–IV
22.05 CFI тақдим этади: "Цирк".
22.55 "Ахборот" (рус тилида)

Сешанба, 23

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 «Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Куй ва соз соҳиби".
9.20 "Соғлом она - соғлом бола".
9.40 "Рангин дунё".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Одам амфибия". Бадиий фильм.
11.35 "Йўл бошида".
12.05 "Париси бор уй".
12.25 "Эртаклар - яхшиликка етаклар".
13.20 "Спорт, спорт, спорт".
13.35 "Саҳна ҳаёти".
14.10 Эстрада тароналари.
14.35 Кундузги сеанс: **"Замонавий аёл". Бадиий фильм.**
Ёзги таътил кунларида. "Болалар сайёраси":
15.55 "Қўшиғим - жон қўшиғим".
16.25 "Покахонтас". Мультсериал премьераси.
16.55 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 "Баркамол авлод орзуси".
18.30 "Инсон ва қонун".
18.50 "Бир жуфт кўшиқ".
19.05 "Тафсилот".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот".
21.05 "Ўзбекистон - Ватаним маним".
21.30 "Солиқ ва биз".
21.45 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин". Телесериал премьераси.**
22.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига **"Тарих кўзгуси". 4-қисм.**
22.40 "Ахборот - дайжест".
23.00 "Борже узуги".

«Ёшлар» телеканали

9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Янги авлод" почтаси.
9.35 "Қундуз амакининг ҳикоялари". Мультсериал.
9.50 Муқаддас бурч.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 "Эсмеральда".
10.50 Ёшлар овози.
11.10 Жаҳон жуғрофияси.
12.00 Ғазал соғинчи.
12.20 Болалар экрани. "Ёввойи оққушлар".
13.40 "Мульттомоша".
14.10 Интерфутбол.
15.50 "Қайта ҳаёт бағишлаб". Ҳужжатли фильм
16.05 "Инсон қалби ҳақида қисса". Бадиий фильм. 1-қисм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 "Янги авлод" студияси: Дунё ва болалар.
17.30 Болалар учун қўшиқлар.
17.40 "Қундуз амакининг ҳикоялари". Мультсериал.
17.55 Таянч.
18.20 Минг бир маслаҳат.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.40 "Давр"-интервью.
19.55 Кўҳна оҳанглар.
20.05 Сифат белгиси.
20.15 Марди майдон.
20.35 Севги тароналари.
20.55 "Эсмеральда".
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Нокаут.
23.30 "Давр". Ахборот дастури.
23.45 "Учрашув". Телевизион бадиий фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал "Официна баридан чиққан фирибгарлар". 37-қисм.
17.55, 19.05, 21.35 "Экспресс" телегазетаси.
18.15 "Болажонлар экрани".
18.30, 20.00, 21.15, 22.25 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Дурдона".
19.25 "Нима учун?"
19.45 "Жозиба".
20.30 ТТВда сериал: "Афсунгар".
21.55 "Туризм ҳақида".
22.50 Кинонигоҳ. "Мим"салтанати".

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 "Вести".
16.20 "Ўз-ўзига режиссёр".
17.00 "Евроньюс" янгиликлари.
РЖТ
17.15 "Оилавий ришталар". Сериал.
18.15 Жан Поль Бельмондо "Шахсий детектив" фильмида.
20.00 "Время".
20.35 "Скарлетт". Сериал.
ЎзТВ–IV
21.40 "Авлодларга сабоқлар". Хужжатли фильм.
22.00 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
22.10 "Теграмиздаги олам".
22.50 "Ахборот" (рус тилида)

Чоршанба, 24

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 -8.35 «Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Миздакхон".
9.10 "Симфоник мусиқа дунёси".
9.40 "Портретга чизгилар".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 "Замин ғаройиботлари". Ҳужжатли фильм.
11.35 "Инсон ва қонун".
11.55 ТВ анонс.
12.05 "Баркамол авлод орзуси".
12.25 "Тафсилот".
12.45 Болалар учун. "Фламинго".
13.05 "Нафосат гулшани".
13.30 "Ошин". Телесериал.
14.10 "Остонаси тиллодан".
14.30 Кундузги сеанс: **"Табор кўкка интилади". Бадиий фильм.**
16.00 "Ягона оилада".
16.30 Белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
Ёзги таътил кунларида. "Болалар сайёраси":
17.00 1. "Ёзувчилар - болаларга". 2. "Қувноқ шаҳарча". Телемусобақа.
18.10 "Ажаб саодат эрур".
18.30 "Умид" телелотереяси.
19.10 "Мулк".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 ТВ клип.
20.30 «Ахборот".
21.05 "Қўшиғимиз Сизга армуғон".
21.35 "Дунёкараш".
21.50 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин". Телесериал премьераси.**
22.20 "Мувозанат".
22.45 "Спорт, спорт, спорт".
23.00 "Ахборот -дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Янги авлод" студияси: Дунё ва болалар.
9.35 "Қундуз амакининг ҳикоялари". Мультсериал.
9.50 "Давр"-интервью.
10.05 Мусиқий лаҳазалр.
10.15 "Эсмеральда".
10.45 Таянч.
11.10 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлар". Телесериал.
12.00 Илдиз ва япроқ.
12.20 Болалар экрани "Қизил қор ёққанда".
13.35 "Питер ва сеҳрли тухум". Мультфильм.
14.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Озод элим-ойдин йўлим" кўрик-танлови: Бухоро вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.
14.35 "Ёшлар" телеканалида спорт: Теннис.
15.15 Ёшлар овози.
15.35 "Инсон қалби ҳақида қисса". Бадиий фильм. 2-қисм.
16.50 "Янги авлод" студияси: Кичкинтой театри.
17.05 "Қундуз амакининг ҳикоялари". Мультсериал.
17.20 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
18.10 Чемпион сирлари.
18.30 Оқшом наволари.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.40 Ёшлик наволари.
20.00 Спортлото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Кўҳна оҳанглар.
20.30 Сийрат.
20.55 "Эсмеральда".
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси".
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.
23.50 "Давр". Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал "Официна баридан чиққан фирибгарлар". 38-қисм.
17.55, 19.10, 22.00 "Экспресс" телегазетаси.
18.15 "Спорт ва болалар".
18.30, 20.00, 21.40, 22.20 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Хайрли оқшом".
19.30 "Мусиқий меҳмонхона".
19.50 "Эҳтиром ила".
20.30 ТТВда сериал: "Афсунгар".
21.15 "Хотира". Х. Йўлдошев.
22.45 Кинонигоҳ. "Етмиш икки соат".

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 "Вести".
16.20 Балет "Кармен".
17.00 "Евроньюс" янгиликлари.
РЖТ
17.15 "Оилавий ришталар".
18.20 "Машҳурлик".
20.00 "Время".
20.35 "Скарлетт". Сериал.
ЎзТВ–IV
21.40 CFI тақдим этади: "Барбара Понтенда".
22.50 "Қиролича даври". Хужжатли фильм.
23.45 "Ахборот" (рус тилида)

Пайшанба, 25

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида. "Болалар сайёраси".
9.00 1. "Ёзувчилар болаларга". 2. "Қувноқ шаҳарча". Телемусобақа.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Мулк".
10.25 "Оилавий ҳаётдан лавҳалар". Бадиий фильм.
11.40 "Оламни асранг!"
12.05 "Мувозанат".
"Спорт" дастури:
12.30 "Спорт, спорт, спорт".
12.45 "Ўзбек спорти одимлари".
13.05 "Ажаб саодат эрур".
13.25 "Ошин". Телесериал.
13.55 ТВ анонс.
14.10 "Аския".
14.30 Кундузги сеанс: **"Бирни кўриб , шукр қил". Бадиий фильм.**
16.15 "Ўзбекистон бастакорлари".
16.35 Белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
Ёзги таътил кунларида. "Болалар сайёраси".
17.05 1. "Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман". 2. "Беш бармоқ". Тележурнал.
18.10 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
18.30 "Яхши ният". Телелотерея.
19.05 "Инсон ва қонун".
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот".
21.05 Телемулоқот: Маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга эҳтиёж қандай?
21.40 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
22.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига **"Тарих кўзгуси". 5-қисм.**
22.30 "Борже узуги".
23.15 "Ахборот-дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Янги авлод" студияси: Кичкинтой театри.
9.30 "Қундуз амакининг ҳикоялари". Мультсериал.
9.45 Тафаккур ёлқинлари.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 "Эсмеральда".
10.45 Спорт-қитъаси
11.15 Чемпион сирлари
11.35 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлар".
12.25 Сийрат.
12.45 Ёшлар овози.
13.05 Болалар экрани "Кенжатойдан кўрк..."
14.10 "Мульттомоша".
14.25 Интерфутбол.
16.05 Сифат белгиси.
16.15 Жаҳон жуғрофияси.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 "Янги авлод" студияси: Оқ кабутар.
17.30 "Қундуз амакининг ҳикоялари". Мультсериал.
17.45 Огоҳ.
18.00 Ватан манзаралари.
18.20 Табобат оламида.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 "Давр"-интервью.
20.05 Мезон.
20.25 "Ёр ишки". Мусиқий дастур.
20.50 "Эсмеральда".
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси".
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол.
23.50 "Давр". Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Официна баридан чиққан фирибгарлар". 39-қисм.
17.55, 19.15, 22.50 "Экспресс" телегазетаси.
18.15 "Болажонлар экрани".
18.30, 20.00, 22.30, 23.10 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Камолот фасли".
19.35 "Мусиқий лаҳзалар".
19.40 "Умр йўлдоши".
20.30 ТТВда сериал: "Афсунгар".
21.15 "Тошкент ва тошкентликлар". Бевосита мулоқот.
23.35 Кинонигоҳ. "Етмиш икки соат".

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 "Вести".
16.20 "Жильбер Монтане" концерти.
17.00 "Евроньюс" янгиликлари.
РЖТ
17.15 "Оилавий ришталар". Сериал.
18.15 "Интервью". Бадиий фильм.
20.00 "Время".
20.35 "Скарлетт". Сериал.
ЎзТВ–IV
21.40 "Ишбилармон кишилар".
22.00 "Соккер клуб".
22.20 Кинематограф. "Ой нури" агентлиги". Бадиий фильм.
23.55 "Ахборот" (рус тилида)

Жума, 26

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00 - 8.35 «Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида. "Болалар сайёраси".
9.00 1. "Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман". 2. "Бешбармоқ". Тележурнал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Робин Гуд". Мультфильм.
11.25 "Ўзлигинг намоён қил". Экранда - Сирдарё вилояти.
11.50, 14.50 ТВ клип.
12.05 "Йиллар ва йўллар".
12.25 С. Зуннунова. "Келин". Теленовелла.
12.55 "Мусиқий учрашувлар".
13.25 "Олам". Телеальманах.
14.10 "Ўзбекистон: XXI аср ёшлари".
14.30 "Озод юрт одамлари".
15.00 "Моҳият".
15.20 "Рақс қироли". Бадиий фильм.
16.20 "Соз сеҳри".
16.40 "Ҳуқуқ сабоқлари".
Ёзги таътил кунларида. "Болалар сайёраси":
17.00 1. "Қиролликдаги саргузаштлар". Мультсериал. 2. "Уйла, Изла, Топ!"
18.10 "Алпомиш авлодлари". Спорт дастури.
18.30 "Сиҳат-саломатлик".
18.50 "Куйла, ёшлигим".
19.05 "Зиё" студияси намойиш этади: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 "Мустақиллик бинолари". Композиция.
20.30 «Ахборот".
21.05 "Соғлом она - соғлом бола".
21.35 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ошин". Телесериал премьераси.**
22.05 "Сиёсат оламида".
22.20 "Бу ажиб фасл". Телеальманах.
22.40 "Спорт, спорт, спорт".
22.55 "Руҳият манзаралари".
23.20 "Ахборот - дайжест".

«Ёшлар» телеканали

9.00 "Давр". Ахборот дастури.
9.15 "Янги авлод" студияси: Оқ кабутар.
9.35 "Қундуз амакининг ҳикоялари". Мультсериал.
9.50 "Давр"-интервью.
10.05 Минг бир маслаҳат.
10.25 Мусиқий лаҳзалар.
10.35 "Эсмеральда".
11.05 Ёшлар овози.
11.25 Болалар экрани "Мио, болагинам Мио".
13.00 Мезон.
13.20 "Жюли Леско". 19-қисм.
14.10 Ватан манзаралари.
14.30 Интерфутбол.
16.10 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
17.00 "Мулоқот". Қисқаметражли телевизион бадиий фильм.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 "Янги авлод" студияси: У ким? Бу нима?
17.55 "Қундуз амакининг ҳикоялари". Мультсериал.
18.10 "Дунё ажойиботлари".
18.30 Автосалтанат.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Азизим.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 "Маржон" гуруҳи куйлайди.
20.55 "Эсмеральда".
21.30 Аскар мактублари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси".
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт: Ринг қироллари.
00.05 "Давр". Ахборот дастури.
00.20 "Зебралар". Хуж.фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 ТТВда сериал "Официна баридан чиққан фирибгарлар". 40-қисм.
17.55, 19.05, 21.35 "Экспресс" телегазетаси.
18.15 "Болажонлар экрани".
18.30, 20.00, 21.15, 21.55 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Навниҳол".
19.25 "Эл хизматида".
19.45 "Жозиба".
20.30 ТТВда сериал: "Афсунгар".
22.20 Кинонигоҳ. "Етмиш икки соат".
23.05 Тунги сеанс. "Сўнгги романс".

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 "Вести".
16.20 "Ўз-ўзига режиссёр".
17.00 "Евроньюс" янгиликлари.
РЖТ
17.15 "Оилавий ришталар".
18.15 "Инсон ва қонун".
18.50 "Мўъжизалар майдони".
20.00 "Время".
ЎзТВ–IV
20.35 "Дурдаршан".
21.00 "Замонавий Швейцария".
21.35 Кинонинг олтин асри: "Бобга нима бўлди?"
Бадиий фильм.
23.05 "Ахборот" (рус тилида)

Шанба, 27

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида: "Болалар сайёраси".
9.00 1. "Қиролликдаги саргузаштлар". Мультсериал. 2. "Уйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
10.00 "Зиё" студияси намойиш этади: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
10.20 "Оламга саёҳат".
10.40 "Битирув кечаси". Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
12.00 "Хатларда ҳаёт".
12.20 "Қўшиғимиз сизга армуғон".
12.40 ТВ-1 кинотеатри: **"Ўпқон". 1-қисм.**
13.50 "Маърифат".
14.10 "Ўпқон". 2-қисм.
15.30 "Яккама-якка жанг".
Адабий жараён:
15.45 1. "Ёзувчи ва замон". 2. "Шеър ва шуур". 3. "Дунё адабиёти".
16.25 "Ягона оилада".
16.55 Болалар учун. "Миттивойлар оиласи".
17.15 "Бахтимизга омон бўлинг".
17.35 "Рангин дунё".
Ёзги таътил кунларида. "Болалар сайёраси":
17.55 "Мўъжизалар майдончаси". Телешоу.
18.55 "Пазандалик сирлари".
19.05 "Ватан мадҳи".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 "Обод уйда пок одамлар яшайди".
21.25 "Шанба оқшомида".
"Тунги ёғду". Дам олиш дастури.
21.50 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Форест Гамп". Бадиий фильм. 1-қисм.**
23.05 "Ахборот-дайжест".
23.25 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. "Ўзбекистон" терма жамоаси - Туркия терма жамоаси. "Пахтакор".

«Ёшлар» телеканали

8.00 "Давр" Тонгги.
9.00 "Янги авлод" студияси: У ким? Бу нима?
9.20 Болалар клуби.
9.40 Табобат оламида.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 "Эсмеральда".
10.45 Ёшлар овози.
11.05 Огоҳ.
11.20 Ринг қироллари.
12.20 Бола тилидан.
12.50 "Кондорлар". Хуж.фильм.
13.50 "Жюли Леско". 20-қисм.
14.40 "Ёшлар" телеканалида спорт: Теннис.
15.20 "Экспедиция".
16.10 "Дунё ажойиботлари".
16.30 "Рамаяна". Телесериал.
17.10 "Янги авлод" студияси: Катта танаффус.
17.35 Мультфильм.
18.00 Саломатлик сирлари.
18.20 Футбол плюс.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр". Ахборот дастури.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. "Озод юрт фарзандлари".
20.10 Ёшлик қўшиқлари.
20.30 Кутилмаган меҳмон.
20.55 "Жюли Леско". 21-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр". Ахборот дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Нажот ҳайқириғи".
00.20 "Пандани қутқаринг". Ҳужжатли фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Мультчархпалак".
17.40 "Жаҳон географияси".
18.25, 19.50, 21.20 "Экспресс" телегазетаси.
18.45 "Мисли гавҳар".
19.00 "Пойтахт" (рус)
19.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
19.40 "ТТВда мусиқа".
20.10 "Нима учун?"
20.30 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
21.00 "Пойтахт".
21.40 "Ташриф".
22.00 Кинонигоҳ. "Соврин".

«Халқаро» телеканал

9.05 "ТВ-4да мусиқа".
РЖТ
9.10 Е. Петросяннинг "Кулгу панорамаси".
9.45 "Лаззат".
ЎзТВ–IV
10.05 "CFI янгиликлари".
10.15 "Инглиз тили Сиз учун".
10.40 "Фан-тайм".
10.50 "Мультсеанс".
11.10 "Татьяна Полонская билан бирга".
11.35 "Олтин микрофон".
12.20-13.20 Дўстлик видеоканали: "Немис шарҳи", "Умид", "Чинсэн".
ЎзТВ-IV
15.55 "Йил қўшиқлари". Ёз.
17.00 "Билишни истайман".
17.20 "Йил қўшиқлари". Ёз
17.55 М. Галкин, М. Задорнов, Е. Степаненко. "Евгений Петросян таклиф этади..." Ҳажвий кўрсатувида.
19.00 "Ким миллионер бўлишни истайди?" Телеўйин.
20.00 "Время".
ЎзТВ-IV
20.30 "Асл мусиқа".
21.20 Кинематограф. "Уйга келиш". Бадиий фильм.
22.50 Ахборот (рус тилида)

Якшанба, 28

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 "Камалак".
9.10 "Ғаройибот".
9.30 "Ака-ука Грим эртаклари". Мультфильм.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Она меҳри".
11.20 "Қувноқ стартлар". Телемусобақа.
12.05 "Пазандалик сирлари".
12.15 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Ишқ". Бадиий фильм. 1-қисм.**
13.40 "Мўъжизалар майдончаси". Телешоу.
14.40 "Ишқ". Бадиий фильм. 2-қисм.
15.55 "Кўҳна замин оҳанглари".
16.15 "Қиролликдаги саргузаштлар". Мультсериал.
16.40 "Қалб гавҳари".
Ёзги таътил кунларида: "Болалар сайёраси":
17.00 1. "Улғайиш поғоналари". 2. "Олтин тож".
18.00 "Бир кулишайлик". А. Акбаров.
18.25 "Тўртинчи ҳокимият".
18.45 "Оқ олтин". Телелотерея.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 "Якшанбада Сиз билан бирга".
21.40 "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи".
"Якшанба кинозали:
22.40 "Жаҳон киноси юлдузлари".
23.00 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: **"Форест Гамп". Бадиий фильм. 2-қисм.**

«Ёшлар» телеканали

8.00 "Давр" Тонгги.
9.00 "Янги авлод" студияси: Катта танаффус.
9.25 Футбол плюс.
9.45 "Давр"-интервью.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 "Зинама-зина".
10.40 Очил дастурхон.
10.55 "Нокаут".
11.20 "Ёшлар" телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон, 2. Аскар мактублари.
12.00 "Ёз ёмғири". Бадиий фильм.
13.30 Қорақалпоқ наволари.
13.45 Азизим.
14.10 "Экспедиция".
15.00 Чемпион сирлари.
15.20 "Рамаяна". Телесериал.
15.55 Ҳандалак.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 "Янги авлод" студияси: Ким эпчил-у, ким чаққон?
16.50 "Учинчи сайёра" маърифий дастури.
17.40 Спорт ҳафтаномаси.
17.55 Синфдош.
18.10 Оқшом наволари.
18.20 Очун.
18.45 Каталог.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 "Давр"-news.
19.20 Аёл қалби наволари.
19.45 "Жюли Леско". 22-қисм.
20.40 "Ниҳол" мукофоти совриндорлари куйлайди.
20.55 "Заковат" интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр" ҳафта ичида.
22.35 Тунги тароналар.
22.45 "Ёшлар" телеканалида премьера: "Ўрмон юраги". Бадиий фильм.

«Тошкент» телеканали

17.20 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
18.55, 20.10, 22.20 "Экспресс" телегазетаси.
19.15 "Жаҳон географияси".
20.00 "Телефакт".
20.30 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
21.00 "Пойтахт". Шанбадан-шанбагача (рус)
21.20 "Менинг маҳаллам". Телетанлов.
22.40 "Спорт-клуб".
23.00 Кинонигоҳ. "Ички космос".

«Халқаро» телеканал

9.05 "ТВ-4да мусиқа".
9.10 Д. Криловнинг "Йўлда ёзилмаган қайдлари".
9.30 "Ҳамма уйдалигида".
10.05 "Кайфият". Информацион дам олиш дастури.
11.35 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
11.45 "Парле ву франсе?"
12.10 Болалар соати: "Чексиз тарих". Бадиий фильм.
13.40 "Лего ленд".
14.10 "Хусусийлаштириш : қадам-бақадам".
14.30-15.30 "Дўстлик" видеоканали: "Рангинкамон", "Дидар", "Озарбайжон туфҳалари".
ЎзТВ-IV
16.40 "Катта концерт".
18.10 "Бинафша".
18.25 Кинематограф. "Доктор Голливуд". Бадиий фильм.
20.00 "Тенгдошлар".
20.30 "Мюзик холл".
21.00 "7 кун". Ҳафта якунлари.
21.25 "Кинопрофи".
21.50 Кинематограф. "Ёқимтой". Бадиий фильм.
23.25 "Таҳлилнома".

Anjuman

АНИҚ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Жиззах шаҳрида "Умид ниҳоллари-2003" спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган ҳудудий йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишга Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти раиси ўринбосарлари ҳам таклиф этилди.

Маълумки, "Умид ниҳоллари-2002" спорт мусобақалари Фарғона вилоятида илк бор ўтказилган эди. Бинобарин, бундай оммавий спорт тадбирларини ўтказишдан асосий мақсад ўқувчи ёшларни жисмоний ҳаракатлантириб, соғлигини мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Шу маънода мазкур мусобақа ўз олдига қўйган мақсадига эришди, деб айтиш мумкин. Бу ўз навбатида "Умид ниҳоллари-2003" спорт мусобақаларига ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриш кераклигини тақозо этади. Бунинг учун мусобақани ўтказишга халқ таълими тизимидан ташқари, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг иштироки ва ҳиссасини ошириш зарур. Мусобақаларнинг мактаб ва туман босқичларини ўтказиш бўйича туман ҳокимликларининг қарорини чиқариш лозим.

Шунингдек, йиғилишда ўқувчиларни тўгаракларга жалб этиш масаласи ҳам кўрилди. Вахоланки, бу борада вилоятда камчиликлар кўзга ташланади. Зеро йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишга барча куч ва имкониятни сафарбар этиш даркор. Кун тартибидаги ҳар иккала масала юзасидан сўзга чиққан Республика халқ таълими вазирининг ўринбосари У.Мусаев юқоридагиларга алоҳида тўхталиб, келгусида қилинадиган ишларнинг аниқ йўналишини кўрсатиб берди.

А.СОДИҚОВ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИНИНГ УСТОЗИ

Бухоро туманидаги 15-мактабда ўқувчиларнинг қизиқишига қараб, ўзбек миллий кураши бўйича тўгарак очилиб, унга Абдухошим Тоҳиров устозлик қилаяпти. А.Тоҳиров шогирдларига кураш бўйича жаҳон чемпионатлари ҳақида, айниқса, Собир Қурбонов, Акобир Қурбонов, Рауф Болтаев, Шуҳрат Очилов, Ҳасан Мавлонов ва уларнинг устозлари Фатҳулла Холиқовлар тажрибаларидан сўзлаб беради.

Шунингдек, яқинда мактабда ўқувчилар ўртасида собиқ мактаб директор Мустафо Ярашев хотирасига бағишланган спорт мусобақаси ҳам тўгарак ўқувчилари ташаббуси билан ўтказилди. Таклиф этилган жамоалар қатори Маданият қишлоғилик курашчиларга устозлик қилаётган Фатҳулла Холиқов ҳам 40 нафар шогирди билан қатнашди. Шу ўринда кураш бўйича кексалар ўртасида Францияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиб, "кумуш медаль" соҳиби бўлган Ф.Холиқовнинг 5 нафар жаҳон чемпионларига устозлик қилганини ҳам айтиб ўтиш керак. Машҳур курашчилар устози Фатхулла полвон 15-мактабнинг ўқувчиларига ўз ҳаётидан қизиқарли воқеаларни гапириб бериши, улар қалбида келажакда жаҳон чемпиони бўлиш орзуларини уйғотди.

А.КУЙИКОВ,
Бухоро туман,
15-мактаб ўқитувчиси



ДУНЁ БОЛАЛАРИ УЧУН

10 август куни Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби ўзининг "Олд траффорд" стадионида Аргентинанинг "Бока хуниорс" жамоасини қабул қилади. Мазкур ўртоқлик учрашувидан тушган барча маблағ БМТнинг болалар ташкилоти бўлмиш ЮНИСЕФ ҳисобига ўтказилади. "Манчестер Юнайтед"нинг ярим ҳимоячиси Хуан Себастьян Веронннинг айтишича, Диего Марадонанинг собиқ клуби "Бока Хуниорс" билан бўладиган ушбу ўйин шов-шувларга бой бўлиши шубҳасиз. Энг муҳими эса учрашув ЮНИСЕФ учун инсонпарварлик мақсадида ўтказилади.

АНРИНИНГ ОЛТИН БУТСИСИ

"Эвертон"ни 3:4 ҳисобида енгган "Арсенал" клуби Англия премьер-лигасининг бу мавсумдаги чемпионига айланди. Ушбу сўнгги ўйинда рақиблар дарвозасига 2 та гол йўллаган Терри Анри мавсумнинг энг яхши ҳужумчиси номини олди ҳамда "олтин бутси"ни қўлга киритди. "МЮ" эса ўз уйида "Чарльтон" жамоаси билан 0:0 ҳисобида ўйин кўрсатганини сўнгги уч йил ичида бундай аянчли ҳол кузатилмаган, дея изоҳлади "МЮ" бош мураббийи Алекс Фергюссон. Шундай қилиб, ўтган йили чемпионликни қўлга киритган "МЮ" бу са-

фар учинчи ўрин билан кифояланди.

Гулмира ШУКУРОВА тайёрлади.

ХОҚ НИЗОМИНИ ЎЗГАРТИРМОҚЧИ

Халқаро Олимпия қўмитаси қишки ва ёзги Олимпиадаларни ташкиллаштиришга замонавий ўзгартиришлар киритмоқчи. Ҳозирги пайтда қишки ўйинларни ўтказишга кетадиган харажатлар 1,5 миллиард АҚШ долларини, ёзги харажатлари эса 2 миллиард долларни ташкил этмоқда. Уларнинг ҳар бирида 200 минг нафардан зиёд олимпиадачилар қатнашмоқда. Солт-Лейк-Сити олимпиадаси арафасида ХОҚ президенти Жак Роггенинг ташаббусига кўра, ташкил этилган комиссиянинг асосий вазифаларидан бири булажак Олимпиада эгаларининг ўйинларни тайёрлаш ва ўтказишга қаратилган ишларини енгиллаштирувчи барча омилларни таҳлил этиш, шунингдек, молиявий, маркетинг, майдонлар тайёргарлиги, матбуот билан ишлаш, тавсиялар ишлаб чиқиш масалаларига кўмаклашишдир.

Комиссия ишининг дастлабки натижалари ХОҚ ижроқўмининг 2002 йилнинг августида бўлиб ўтадиган мажлисида эълон қилинади. Ҳужжат тўлалигича 2003 йилнинг июнида Прагада бўлиб ўтадиган қўмитанинг 115-сессиясида кўриб чиқилади.

КАННИНГ ҚЎЛҚОПИ ҚАЕРДА?

Бразилиялик 39 ёшли ишқибоз Анибал Перейранинг ишонтиришича, Германия терма жамоасининг дарвозабони Оливер Каннинг ЖЧ-2002 финал учрашувида фойдаланган қўлқопи унинг қўлида экан. Унинг гапига қараганда, юртдошларига бешинчи бор жаҳон чемпионлигини тухфа этган учрашувга финал ҳуштаги янграганидан сўнг, у ҳамма ғолибларни қутлаш билан андармонлигидан фойдаланиб, майдонга тушган ва Каннинг ерга ташланган қўлқопларини олиб чиққан.

Воҳид БОЙМУРОДОВ
тайёрлади

Ёзги таътил даврида болаларнинг кўпроқ турли ўйинлар билан банд бўлиши табиий. Лекин уларнинг ҳар бир ҳаракатига спорт ва соғломлаштириш нуқтаи-назаридан қаралса, мақсадга мувофиқ бўлади. Биргина коптокни олайлик. Уни бола жазирама иссиқда ҳам ўйнагиси келади. Агар сиз коптокдан фақат махсус ўйин майдончаларидагина эмас, балки ҳовлида ҳам, сувда ҳам завқ олиши мумкинлигини билсангиз, болаларингиз зерикиб қолмайди.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани А.Қодирий номли 30-ўрта мактаб томонидан Тургунов Ибодулла Ўришевич номига 1993 йили берилган АУ 278551 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва "Биология-тупроқшунослик" факультети жамоаси "Одам ва ҳайвонлар физиологияси" кафедрасининг доценти **София БЎРИХОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этадилар.

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юртининг нафақадаги ўқитувчиси **Маҳмуда ОХУНЖОНОВА**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Қуръа натижасига кўра, Ҳалимжон Набиев 5000 сўм миқдоридаги ютуқни қўлга киритди.

ТОПҚИРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Эсингизда бўлса, газетамизнинг 2002 йил 30 март сонида "Суперкроссворд" танловининг учинчи босқичи учун бошқотирма эълон қилинган эди. Ушбу вақт оралиғида жуда кўп жавоб мактублари олдик. Жавобларнинг турли ҳудудлардан, турли касб вакилларидан келганлиги бизни қувонтирди.

Биринчи ва иккинчиларидан фарқли ўлароқ, бу босқичда 2 та муштарий — ҳар галги танловларимизда мунтазам иштирок этиб келаётган асакалик Рўзихон Иминова ҳамда Фарғона вилояти, Риштон туманидан Ҳалимжон Набиев суперкроссвордни тўлиғича, битта ҳам хато қилмай ечишга эришганлар. Қуръа натижасига кўра, Ҳалимжон Набиев 5000 сўм миқдоридаги ютуқни қўлга киритди. Шунинг-дек, Баҳриддин Шоматов (Самарқанд вилояти), Зиёдулла Алиев (Навоий вилояти), Шерали Абдишукуров (Бухоро вилояти), Мавлон Жумаев (Қашқадарё вилояти), Юлдаш Бердибеков (Жиззах вилояти), Абди Ягмиров (Қорақалпоғистон Республикаси), Раҳимберган Ўрозов (Хоразм вилояти), Х.Носирова (Бухоро вилояти), Норбобо Бойматов (Қашқадарё вилояти) ва бошқа бир қанча муштарийлар ҳам танловимизда яхши иштирок этдилар.

"Суперкроссворд" танлови давом этади. "Маърифат" газетасининг кейинги сонларида рекорд суперкроссворд эълон қилинади. Имкониятни қўлдан бой берманг.

Ko'ngil bitiklari

"НУР ПОРЛАДИ ЮРАГИМДА"

Гул очилди тилагимда,
Баҳор шавқи кўкрагимда,
Нур порлади юрагимда,
Шоир тоғам шеърин ўқиб.

Ватанимни кучгим келди,
Осмонида учгим келди,
Оламга гул сочгим келди,
Шоир тоғам шеърин ўқиб.

Шеър боғида юргим келди,
Навоийни кўргим келди,
Ижод завқин сургим келди,
Шоир тоғам шеърин ўқиб.

Қўлга қоғоз, қалам олдим,
Истиқлолни куйга солдим,
Эрк куйини баланд чалдим,
Шоир тоғам шеърин ўқиб.

Мен ўзимни таниб қолдим,
Аждодимни эсга олдим,
Дилда борин шеърга солдим,
Шоир тоғам шеърин ўқиб.

Музаффар ТЎЛАЕВ,
талаба

КАЛЕНДАР ВАРАҒИ

Календарнинг варағин йиртдим.
Йиртиб, уни четга ирғитдим.
Қайтишимга оз кунлар қолди.
Дея сўнгра ўзни овутдим.

Овутарман ўзни ҳар оқшом,
Ва ҳар кун тонг отгани замон.
Овутарман шундай, шу тарзи.
Варақларни йиртганим замон.

Аммо...
Йиртиб бир-бир календар бетин.
Йиртмокдаман умрим варағин.
Бехос савол туғилар дилда,
Бу ҳам кўнглим овутармикан?

Дилбар ВАЛИЕВА,
Тошкент Молия институти қошидаги коллеж ўқитувчиси

БЎЛМАС

Гўдакнинг хунуги,
Осмоннинг туйнуги.
Қизларнинг ёмони,
Меҳнатнинг осони.
Дангасанинг дарси,
Яхши одам арзи,
Ошиқларда уйқу,
Ёш болада қайғу.
Тошбағирда меҳр,
Аччиқ тилда сеҳр.

Дилбар НОРМУРОДОВА,
Термиз шаҳридаги 11-мактаб ўқувчиси

Ҳурматли Отабек ака Зиётов!

Сизни таваллуд кунингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, ишларингизга ривож тилаймиз.

Севимли касбингизда узоқ йиллар ҳормай-толмай меҳнат қилишингизда омад сизга ёр бўлсин!

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасидаги ҳамкасбларингиз.

"ТАКАЛЛУФ" ЦИКЛОКРОССВОРДИ



1. Марҳум шоир Муҳаммад Юсуф таваллуд топган Андижон вилоятидаги туман. 2. Товар. 3. Гармдори. 4. Оқил, доно. 5. Ёрдам берувчи. 6. "Муҳаббатнома" асари муаллифи, мумтоз шоир. 7. Асадбекнинг укаси ("Шайтанат", Тоҳир Малик). 8. Баҳс, тортишув. 9. XX аср ўзбек детективининг юксак намунаси бўлган бадиий асар. 10. Содиқ, аҳдли. 11. Саришта 12. Амир Темурнинг ўғилларидан бири. 13. Ерга яқин сайёралардан бири. 14. Германия автомобиль русуми. 15. "Темир хотин"да Қўчқорвойнинг қўшниси. 16. Университет олий бошқарув идораси. 17. Иқтисодий атама. 18. Юлдуз Усмонованинг дастлабки қўшиқларидан бири. 19. Рақс ва қўшиқ байрами. 20. Ливингстон топган Африкадаги шаршара. 21. Олий насабли, гўзал қиз. 22. Алишер Навоийга бағишланган "Макоримул ахлоқ" асари муаллифи бўлган машҳур аллома. 23. Машинасозликка хос бўлган атама. 24. Қийин. 25. Япониядаги машҳур шаҳар. 26. Мулозамат, лутф. 27. Машҳур адиб Кабо Абэ асари. 28. Қадимги юнон файласуфларидан бири. 29. Ҳарбий қўшин бошлиғи. 30. Ширинликлар мажмуи. 31. 1962 йили Чилида ўтказилган 7-жаҳон чемпионати (футбол) тўпурари, Бразилия терма жамоаси аъзоси. 32. 1945 йили атом бомбаси ташланган Япониядаги шаҳар. 33. Зулмкор. 34. Давлат. 35."Хаттотлар султони" номини олган машҳур котиб, Навоий замондоши. 36. Миллий стол. 37. Ниҳоят даражада одамнинг кўплигидан келиб чиққан ҳолат. 38. Калта ўйлайдиган, нодон. 39. Манманнинг акси. 40. Фақир. 41. Тайёргарлик кўриш. 42. Яқин биродарлар. 43. Иккинчи ном, лақаб. 44. Дарвеш. 45. Камолотга эришган, етук. 46. Гул, гиёҳлардан ясалган халқа. 47. Идора, муассаса. 48. Туғилиш. 49. Машҳур ўзбек ҳажвчи актрисаси. 50. Ўтакетган бахл. 51. Республикамиздаги энг йирик чўл. 52. Мумтоз шеъриятимиз шайдоси, ғазалларни ёд олган китобхон. 53. Кўкаламзор. 54. Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ)нинг боболари — Абдул... 55. Тошкент шаҳрининг қадимий Шимолий дарвозаларидан бири. 56. Қишки спорт ўйинларида сакраш мусобақаси.

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-629.
Тиражи 24217 Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ,
Офсет усулида босилган,
қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир:
Аҳмад ОТАБОЕВ,
Навбатчи:
Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00